Sinf dan tashqari ishlar o`quvchilarning informatikadan olgan bilimlarini chuqurlashtirish va kengaytirish, murakkab misol va masalalarni yechishni mashq qilish, informatikaning hayot bilan bog`liq bo`lgan tomonlarini ochadigan va dasturga kirmagan ba`zi savollar bilan tanishtirishni maqsad qilib oladi.

Darsdan tashqari vaqtlarda o`quvchilar bilan o`tkaziladigan individual va guruh mashg`ulotlar. Bunda o`quvchilarni o`zlashtirgan bilimidagi kamchiliklarni bartaraf qilishda ularga yordam berish. O`quvchilarni ilm olishdagi qoloqliklarini oldini olish. Bu mashg`ulotlar odatda individual yoki guruh mashg`ulotlarida o`tkaziladi.

Sinf dan tashqari mashg`ulotlar o`quv jarayonini mustahkamlash va o`quvchilarni fanlarga qiziqishini shakllantirish, darslarda faollashtirish, ma`naviy tarbiya berish, tasavvur va tafakkurni rivojlantirishga, shuningdek, infdan tashqari ishlarining mazmun va mohiyati teran va boy mazmunga ega bo`lib samarali bilim salohiyatiga ega bo`lish kasb-hunarga qiziqtirishga ham xizmat qiladi.

Sinf dan tashqari ish inf-dars formasidagi ishga nisbatan bir qator xususiyatlarga ega:

- O`z mazmuni bo`yicha u davlat dasturi bilan cheklanmagan. Ammo informatikadan material o`quvchilarning bilimlari va malakalariga mos ravishda bo`lishi kerak.

- Maktabning kichik yoshdagi sinflarida informatikadan infdan tashqari ishlarini sinfning hamma o`quvchilari bilan birga bir vaqtda o`tkaziladigan mashg`ulot shaklida o`tkazish ma`qul.

- Sinf dan tashqari mashg`ulot ixtiyoriylik prinstipi asosida quriladi.

- Darslar 45 minutga rejalashtirilgani holda infdan tashqari mashg`ulotlar mazmuniga va o`tkazilish formalariga qarab 10-12 minutga ham, 1 soatga ham mo`ljallangan bo`lishi mumkin.

- Sinf dan tashqari ishlar shakl va turlarining ko`p xilligiga qarab mazmunining turli tumanligi bilan xarakterlanadi.

Sinf dan tashqari mashg`ulotlarning bir turi bu to`garaklar bo`lib u o`quvchilarning darsda yaxshi o`zlashtirishlari qiyin bo`lgan mavzular o`rtasida o`tkaziladi.

Informatikadan to`garak: O`quvchilarning darsdan tashqari bo`sh vaqtlarini unumli o`tkazish, iqtidorli bolalar bilan individual shug`ullanish hamda tarbiyasi og`ir bolalarga ijobiy ta`sir etish orqali ularning tarbiyasi va fanlarni o`zlashtirish darajasini oshirishning yo`llaridan biri – bu darsdan tashqari to`garak mashg`ulotlarini tashkil etishdir.

Hozir to`garakning qanday tashkillanishini ko`rib o`tamiz. To`garak ishi:

- To'garakning yig'ilishlarda muntazam qatnashishi.
- To'garak ishiga a'zolari jalb etish.
- Kompyuter qurilmalarini yig'ish va tiklash.
- Kundalik yurgizish.
- To'garak hayotini aks ettiruvchi devoriy gazeta chiqarish.

To'garak ishiga odatda 15-20 nafar o'quvchi jalb etiladi. To'garak mashg'ulotlari oyiga ikki marta o'tkazilishi maqsadga muvofiqdir. To'garak ishini boshqarish uchun ilmiy rahbar, to'garak raisi, kotiba gazeta muharririyati saylanadi.

To'garakning birinchi yig'ilishida to'garak rahbarlari saylanib ish reja muhokama etiladi. Ish rejada nazariy masalalar bilan birga amaliy bajariladigan ishlar bo'lishi kerak.

To'garakni tashkil etishda o'qituvchidan quyidagi hujjatlar talab etiladi:

- To'garakning yillik ish rejasini.
- To'garak a'zolari haqida ma'lumot.
- To'garakning dars ishlanmasi.

Ummumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinflarida o'tkazildigan "Yosh informatik" nomli to'garakning ayrim mavzularini interfaol metodlar yordamida yoritib o'tamiz.

1-Mavzu: Office dasturlar haqida tushuncha.

O'qituvchi mavzuni e'lon qiladi va o'quvchilarning ofis dasturlar haqidagi bilimlarini bilish uchun quyidagi metoddan foydalanadi.

FSMU jadvali

Office dasturlarning bir-biridan farqlari.

F (Fikringizni bayon eting).
S (Fikringiz bayoniga biror sabab ko'rsating).
M (Ko'rsatilgan sababga tushuntiruvchi misol keltiring).
U (Fikringizni umumlashtiring).

O'quvchilar fikrlarini bildirishgandan so'ng o'qituvchi ularni umumlashtiradi va bugungi mavzu yuzasidan. Nazariy ma'lumotlarni bera boshlaydi.

Office dasturlar kompyuter dasturiy ta'minotining amaliy dasturiy ta'minot turiga kirib ular foydalanuvchiga bir sohadagi amaliy ishlarini bajarish uchun mo'ljallangan hisoblanadi.

Ularning nomi quyidagicha: O'qituvchi ofir dasturlardan birining nomini bosh harfini doskaga yozadi va o'quvchilar uni topishadi masalan: "W" o'quvchilar bu harf bilan bog'liq dasturlarni aytishadi va to'g'ri variantni doskaga yozadi. Shu tariqa qolgan dasturlar nomi ham doskaga yozib tushunchalar beriladi.

Word dasturi asossan matnlar bilan ishlovchi dastur bo'lib unda matn terishdan tashqari jadval,formula, blok sxema va boshqa amaliy ishlarni qilish imkoni mavjud.

Word dasturini ishga tushirish quyidagicha amalga oshiriladi.

1) yorliq ustida sichqonchani chap tugmasini 2 marta bosiladi.

2) Пуск – Программы MS Word orqali kiriladi va quyidagi oyna paydo bo'ladi. Unda sarlavha satri, menyular, masalalar paneli,lineyka, ish soha, yurgich bor.Yurgich gorizontal yoki vertikal chiziqcha ko'rinishida bo'ladi. Uskunalar panelida, uskunalar rasmi chizilgan ulardan foydalanish juda qulay. Ish oyna menyu bo'limlari bo'lib, ular quyidagilardan iborat: Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат,

Сервис, Таблица, Окно, Справка.

Word dasturida ishni tugallash:

1. Файл + выходъ buyrug'ini tanlash.
2. o'ng burchakdagi X belgisi ustida закрытьъ buyrug'ini tanlash.
3. ALT + F₄ tugmachalarni birgalikda bosish.

Excel dasturi asosan formulalar va jadvallar diagrammal bilan ishlash uchun mo'ljallangan bo'lib, uning oynasi qatorlar va ustunlardan iborat hisoblanadi.

Excel dasturiga kirish va chiqish ham word dasturi kabi amalga oshiriladi.

Power point dasturi asosan taqdimotlar yaratish va ularga animatsiyalar joylashtirish uchun mo'ljallangan dastur bo'lib bu dasturga kirish va chiqish ham huddi word va excel dasturi kabi amalga oshiriladi.

Endi mavzu yuzasida mustahkamlash bosqichi qilib **“Baliq skeleti”** metodidan foydalanamiz. O'quvchilar uchta guruhga bo'linishadi va uchchala guruh uchun quyidagi topshiriqlar beriladi.

1-guruh:

Power Point dasturini asosiy imkoniyatlari

2-guruh:

Word dasturini asosiy imkoniyatlari

3-guruh:

Excel dasturini asosiy imkoniyatlari

Guruh a'zolari quyidagi jadvalni to'ldirishgandan har bir tushunchaga izoh beriladi.

Sinfdan tashqari mashg'ulotlardan biri bo'lmish to'garaklarni shunday qiziqarli metodlar yordamida tashkil etilsa o'quvchilarni kompyuter savodxonligi va informatika faniga bo'lgan qiziqishlari yanada ortadi. Bu mashg'ulotlar esa o'quvchilar biminining sifati va natijasiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

**Акрамова Ҳафиза Самадовна, Исмаев Зиёдулла
(Жиззах, Ўзбекистон)**

АҚЛИ ЗАИФ ЎҚУВЧИЛАРНИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА МЕХНАТ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация. *Компьютер технологияларини қўллашнинг самараси меҳнат дарсида кўп жиҳатдан педагогнинг касбий компетентлигига, унинг янги имкониятларни қўллаш маҳорати, мазкур технологияларни ҳар бир боланинг таълим тизимида киритиш ва уларнинг эвазига кучли мотивацияни, таълимнинг психологик қулайлигини яратиш, ўқув вазифаларини ечишда таълим олувчига фаолиятнинг шакли ва воситаларини танлаш эркинлигини бериши ва шу билан бирга, қийинчилик юз берганида унга ёрдам бериш тизимини таъминланишига боғлиқлиги тўғрисида.*

Калит сўзлар: *коррекция, интеграция, максимал даражада интенсифлаштириш, алгоритмик, тафаккур, дифференция, факультатив, мотивация, компетент*

Abstract. *The effectiveness of using computer technology in private schools is, in many cases, the professional competence of the teacher, the ability to apply, the new capabilities, the inclusion of these technologies in the education system of each child, and strong motivation for them, the freedom to choose the form and means of action for the trainee, as well as the dependence on the provision of assistance when faced with difficulties.*

Key words: *correction, integration, maximum, intensification, algorithmic mentality, difference, optional, motivation competent.*

Мустақиллик йилларида республикамызда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг мактабгача, умумий ўрта, махсус таълим тизимларидаги ўзгаришларнинг тадрижий хусусияти охириги ўн йилликларда ақлий ривожланишида нуқсонли шахсларнинг меҳнат ва касбий таълими муаммоларига қизиқишни кучайтирди. Меҳнат ва касбий таълим нафақат ақли заиф бўлган болаларнинг коррекцияси ва ривожланиши воситаси сифатида қайта тайёрлаш ишлари такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ногирон, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш" [1, 70-71] каби вазифалар белгилаб қўйилган.

Жамиятнинг замонавий ҳолати компьютер техникасининг инсон фаолиятининг барча соҳаларига жадал кириб бориши билан ифодаланади. Бутун жамиятни ахборотлаштиришнинг ижтимоий, психологик, умуммаданий, касбий талаблари таълим соҳасига йўналтирилади. Мактаб ўқувчиларни замонавий жамият ҳаётига тўлиқ интеграцияси учун билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантириши зарур. Таълим соҳасида илмий асосланган

равишда информатикадан фойдаланиш таълимнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари сифатли ўзгартиришга ёрдам беради ва ўз навбатида, таълим жараёнини максимал даражада интенсифлаштириш учун ҳақиқий асослар яратади. Компьютер таълим жараёнида нафақат ахборотни етказишни тезлаштирувчи бўлиб хизмат қилади, балки таълим соҳасида, ўқувчининг ўқув фаолиятида тубдан янги имкониятларни очади. Айтилганларни ўқувчиларда ўз вақтида компьютер саводхонлиги шакллантирилганидагина амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги вақтда коррекцион мактабда меҳнат дарсларни ўқитишда компьютердан фаол фойдаланила бошланглигини таъкидлаш зарур [6, 59-62]. Аммо бизнинг фикримизча, махсус мактабда бунинг ўзи етарли эмас. Умумий таълим мактабларидагидек, ўрганиш объекти информатиканинг ўзи ҳисобланган йўналишни ривожлантириш зарурдир.

Дефектологиянинг асосий қоидаларидан бири ривожланишида муаммолари бўлган болаларнинг ва меъёрдаги болалар ривожланиш қонуниятларининг умумийлиги тўғрисидаги таъкидлов бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ривожланишида муаммолари бўлган болалар учун компьютер саводхонлигининг аҳамияти меъёрида ривожланувчи ўқувчилардан кўра муҳимдир.

Оддий саводхонлик билан бир қаторда, компьютер саводхонлиги остида компьютер ёрдамида ахборотни ҳисоблаш, ўқиш, ёзиш, чизиш, излаш тушунилади. Бундан ташқари, компьютер саводхонлиги элементларини шакллантириш ўқувчиларда алгоритмик тафаккур асосларини ривожлантиришни кўзда тутаяди. Педагогик мазмунда таълим жараёни учун алгоритмик фикрлашни билиш мураккаб амални оддий амалларнинг ташкил қилинган кетма-кетлиги кўринишида тасаввур қилишни англатади.

Бизнинг фикримизча, махсус мактабда алгоритмик тафаккурни ва унга мос бўлган фундаментал билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ишларни фаоллаштириш зарур. Бунда алгоритмик тафаккур ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалар тизимига уйғун кириб бориши, мустақил иш самарадорлигини ошириши, ижодкорлик, турли касбий малакаларни эгаллаш ва мустаҳкамлаши мумкин. Чунки ўз билимларини доимий мустақил тўлдириб боришларида уларни маълум кўникма ва малакалар билан таъминлайди, яъни ўқувчилар шахсининг коррекцияси ва ривожланиши учун шароит яратади ва тубдан янги таълим шакллари ҳамда методларини амалга оширишга имкон беради, бошқа мактаб фанларини ўрганиш жараёнини яхшилайдди. Яқуний натижада. Бу иш болаларни ривожлантиришга олиб келади ва таълим дастурларини ўзлаштириш жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Шу тариқа, махсус таълим соҳасига компьютер саводхонлиги элементларини шакллантиришнинг киритилиши ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш ва интенсификациялашга олиб келади. Бу оқибатда, ўқувчиларнинг атрофдаги олам тўғрисидаги тўлиқ тасаввурларни янада муваффақиятли ҳосил қилишларини ҳамда уларни жамиятда мустақил ҳаётга интеграцияларини таъминлайди.

Махсус коррекцион мактабнинг жорий ҳамда муқобил дастурининг таҳлили кўрсатишича, компьютер саводхонлиги элементларини

шакллантириш унда берилмаган [7, 33]. Бундан ташқари, мазкур муаммо махсус илмий адабиётларда ҳозирга қадар етарлича ёритилмаган.

Махсус коррекцион мактаб ўқувчиларида меҳнат дарсларида компьютер саводхонлиги элементларини шакллантириш педагогик муаммосини ҳал этишни махсус психология, коррекцион педагогика ва информатикани ўқитиш методикасида белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун мавжуд объектив имкониятлар ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, мазкур муаммонинг умумий таълим мактаблари учун ишланмалари натижаларига мос равишда амалга ошириш лозим.

Таълим олишнинг турли имкониятлари эга бўлган ўқувчилар учун компьютер саводхонлигининг мазмуни дифференциаллашган бўлиши керак. Шу туфайли ўқувчиларнинг компьютер саводхонликлари даражаси турли мактабларда турлича бўлиши керак.

Махсус коррекцион мактаб ўқувчиларининг меҳнат дарсларида тайёрланганлик даражалари учун болаларнинг психик функциялари ривожланиш даражаларини коррекциялаш ва оширишга ёрдам берувчи замонавий ЭҲМдан фойдаланиш билан жамиятда самарали ҳаёт кечирishлари учун ўқувчиларга зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар белгиланиши лозим.

Ниҳоят, замонавий босқичда, умумий таълим мактаби режасини тўғрида-тўғри кўчиришдан воз кечиш масаланинг қўйилиши, ривожланишда нуқсонли бўлган болалар учун информатика курсининг махсус стандартини ишлаб чиқиш имкониятлари, ривожланишида нуқсонли бўлган боланинг ижтимоийлашуви ва узлуксиз таълим тизимидаги муайян умумий таълим курсларининг устунлигини аниқлаш мумкин ва қонунийдир.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, информатика дарсларининг фақатгина мактаб таълимининг якуний босқичида, маълумотлар кириш оператори, амалий дастурчи малакаларини эгаллашга қобилияти, мойиллиги ва қизиқиши аниқланган болалар қисми учунгина ажратилиши мақсадга мувофиқ. Касбга йўналтириш ёки бошланғич касбий тайёргарлик мақсадини кўзлаган турли мураккаблик даражасидаги факультатив курсларни яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Махсус мактабда меҳнат дарслари учун компьютер техникасидан фойдаланишнинг самарадорлиги бу жараён қанчалик пухта ўйланганлиги, қандай мақсадлар қўйилганлиги, қандай ёндашув танланганлигига бевосита боғлиқ.

Компьютер технологияларидан фойдаланишнинг дефектологик мазмуни, аввало, бошқа воситалардан кўра мазкур технологияларнинг асосий афзалликларини амалга ошириш имкониятларининг истиқболлигидан иборат. Бу синф шароитида коррекцион таълимнинг, ҳар бир болага шахсан унинг учун мос бўлган билимларни ўзлаштириш суръати ва усулини таъминлаш, мустақил унумли фаолият имкониятларини тақдим этиш имкониятларидир. Айнан шунинг учун махсус таълимда компьютер фан сифатида эмас, балки коррекцион таълимнинг янги воситаси сифатида кўпроқ аҳамият касб этади.

Компьютер технологияларини қўллашнинг самараси меҳнат дарсида кўп жиҳатдан педагогнинг касбий компетентлигига, унинг янги имкониятларни

қўллаш маҳорати, мазкур технологияларни ҳар бир боланинг таълим тизимига киритиш ва уларнинг эвазига кучли мотивацияни, таълимнинг психологик қулайлигини яратиш, ўқув вазифаларини ечишда таълим олувчига фаолиятнинг шакли ва воситаларини танлаш эркинлигини бериши ва шу билан бирга, қийинчилик юз берганида унга ёрдам бериш тизимини таъминланишига боғлиқлиги тўғрисидаги фикрларни англаб етилиши муҳимдир.

Шунинг учун компьютер саводхонлигини эгаллаган ва компьютер “туғмаларига тўғри босишни” биладиган ўқитувчи махсус таълимда компьютер технологияларини самарали қўллаш оладиган тайёрланган мутахассис деб ва айниқса, у махсус дастурий маҳсулотлар сценарийларини яратишга тайёр ҳисобланмайди. Компьютер саводхонлиги бундай мутахассисларни тайёрлашнинг зарурий элементи ҳисоблансада, аммо бунинг ўзи етарли ҳисобланмайди. Мазкур тайёргарликнинг асосий мазмуни компьютерли шаклида берилган ўқув ва коррекцион вазифаларни ечишнинг педагогик технологияларини ўзлаштиришдан иборат.

Демак, болалар билан компьютер синфларида дастурчилар эмас, балки дефектологлар ишлашлари лозим. Дастурчининг компетентлиги нисбатан дефектологик компетентликнинг устунлиги танланган ёндашувга асосланиб, унинг доирасида компьютер синфида ўқитишнинг мантиқи компьютер технологиялари мантиқи билан эмас, балки боланинг ривожланиши мантиқи билан белгиланади.

Компьютер синфида коррекцион ишни олиб борувчи педагог компьютер билан ишлашнинг малакали фойдаланувчилик малакаларига ва коррекцион педагогика соҳасида касбий маълумотга эга бўлиши керак. Коррекцион педагогика соҳасидаги касбий компетентлик устунликка эгадир. Педагог қуйидагиларни билиши керак:

- болаларнинг ўқув фаолиятларини таҳлил қилиш;
- уни шакллантиришдаги қийинчиликларни аниқлаш ва уларнинг мумкин бўлган сабаблари тўғрисидаги асосли фаразларни қуриш;
- мазкур нуқтаи назар асосида иш учун компьютер дастурларини таҳлил қилиш ва танлаш, уларнинг ўрни, роли, ўқув жараёнига киритиш усуллари, мумкин бўлган коррекцион таъсир тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш.

Махсус мактаб компьютер синфида техник қўллаб-қувватлашни таъминловчи мутахассис ассистентга муҳтож.

Ўқитувчи ва техник мутахассиснинг ўзаро ҳамкорлигини махсус ўйлаб чиқиш ва ташкил этиш, уларнинг компетентликларини мувозанатини белгилаш, бунда ўқитувчининг дарс вазифаларини белгилаш, компьютер дастурларини танлаш, дарс ўтиш методларини аниқлаш ва унинг ўқувчи учун натижалари баҳолашдаги устунлигини сақлаш зарур. Шу билан бирга, айнан техник мутахассис компьютер синфига дарс ўтишда ўқитувчи ҳис қилаётган техник қийинчиликларни аниқлай олиши, ускуна(аппаратура)ни созлаш ёки педагогнинг компьютер ва дастурни бошқаришдаги қўшимча машқ қилиши ҳисобига уларни бартараф эта олади.

Компьютерларни мактаб доирасида таълим воситалари сифатида фойдаланиш бутун педагогик жамоа томонидан компьютер техникасини

босқичма-босқич ўзлаштиришни назарда тутати. Энг яқин келажакда амалиётчи дефектологнинг ўқув жараёнида компьютердан фойдаланиш кўникмаси касбий компетентликнинг мажмурий элементига айланиши аёндыр.

Ўқитиш ва коррекциянинг компьютер технологиялар ривожланишида оғиши бўлган боланинг мактаб таълими барча босқичларининг турли мазмунли соҳаларида (турли дарсларда ва индивидуал машғулотларда) қўлланилиши мумкин.

Компьютер технологияларидан самарали фойдаланишнинг шarti ўқитувчиларни махсус тайёрлаш ва таълимнинг турли мазмунли соҳаларида ўқув ва коррекцион вазифаларни ечиш учун махсус компьютер дастурларининг мавжудлиги ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.70-71.
2. Юсупова Н., Садикова Г. “Меҳнатга ўргатиш махсус методикаси” Т.: “Нисим”, 2008.
3. Пўлатова П. М., “Махсус педагогика (Олигофренопедагогика)” Т., Ф. Фулом, 2005.
4. Компьютерный тренажер для обучения и контроля знаний учащихся: Практическое руководство/Г.В. Васенков, В.Г. Патракеев, А.М. Щербакова. М., 1995.
5. Информатика. Под ред. Н.В. Макаровой. — М., 1997.
6. Кукушкина О.И. Компьютер в специальном обучении. Проблемы. Поиски. Подходы // Дефектология. 1994. №5. Организация использования компьютерной техники в специальной школе // Дефектология. 1994. № 6. С. 59-62
7. Бгажнокова И.М. Использование современных педагогических технологий в организации трудового обучения лиц с умственной отсталостью.//Обогащение словаря тематической лексикой на уроках трудового обучения в коррекционных школах VIII вида с использованием компьютерных технологий. - М.:33

Бурҳонова Дилноза Соиповна, Йўлдашев Камолхон Одилжон ўғли
(Ўзбекистон, Қўқон)

ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ҚОБИЛИЯТЛИ ЎРГАНУВЧИЛАРДИР

Инсон ўзи яшаб турган даврни, моддий турмушни акс эттиради, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсири остида билимларни ўзлаштириб боради, ижтимоийлашади, тарихан ўзгаради. Онтогенезда унинг ҳис-туйғулари, характери, қобилияти, иқтидори, тафаккури, эҳтиёжлари, эътиқодлари, уни фаолликка даъват қилувчи ҳаракат мотивлари, хоҳишлари, позицияси ҳам аста-секин ўзгариб боради.

Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири- бу унинг индивидуаллигидир, яъни яккахоллигидир. Индивидуаллик деганда, инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолият мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу қабилар қиради. Шулардан инсон иқтидори ҳақида қисқа тўхталиб ўтсак.

Иқтидор, истеъдод, даҳолик - инсоннинг ижодий фаолияти жараёнида эришиладиган қобилиятларининг ривожланиш босқичлари ҳисобланади. Қобилиятлар характер каби, шахснинг фақатгина маълум фаолиятидагина мавжуд бўлган сифатларидир.

Боланинг катта ёшдаги кишилар ташкил қиладиган амалий фаолияти, масалан ўйини, кузатиши, меҳнати, ўқиши, адабий асарни мутоала қилиши ҳамда қизиқшининг барқарорлашуви, иқтидорнинг такомиллашиши ва бошқалар унинг психик ривожланишини ифодалайди.

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган ҳужжатлар ва кўрсатмаларда асосан ёшларнинг лаёқатларини илк ёшлигидан аниқлаш, улар иқтидорини ҳар тарафлама ўстириш вазифалари шахсга индивидуал ёндашувнинг зарурлигини, ўқишнинг дифференциал бўлишини талаб қилмоқда, шунга яраша мактаб ва жамоатчилик олдига қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ўқувчи ва талаба ёшларда мустақил фикр юритиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида муносабатлар ўзгариши, билим олувчи эса таълим жараёнининг фаол субъектига айлантирилиши лозим. Буни татбиқ этишнинг психологик шартлари, омиллари ва мезонлари мавжуд бўлиб, уларга: тадқиқотчи олимлар фикрича, таълим берувчи катталар ўқувчини қандай бўлса, шундайлигича иқтидорли, лаёқатли деб тасаввур қилишга, тан олишга ўрганоқлари керак;

Иқтидорли болалар қобилиятли ўрганувчилардир. Тажрибали катталар матонатли ижрочилардир. (Голмен, 1980). Ўрта мактаб ва университет талабалари биргаликда тадқиқ қилинганда ўзлаштириш, давомат ва обрў учун интизомлилик интеллектдан кўра юқори кўрсаткичга эга бўлган. Буюмлар, ғоялар ва одамларни эгаллаш, юқори стандартга эришиш учун “Интизом истеъдоддан устун” деган хулосага келишди тадқиқотчилар.

Анжела Дакворт ва Мартин Селигман нима учун қиз болалар улар

билан бир хил иқтидордаги ўғил болалардан кўра мактабда юқори баҳо олишини тушунтирадilar (2005, 2006).

Бироқ интизом иқтидорни такомиллаштиради. Уларнинг 20-йиллари бошида топ-скрипкачилар ўқитувчи бўлиш ниятидаги бошқа скрипкачи талабалардан икки марта кўп – 10000 соат жамғаришган (Эриксон ва б., 2001, 2006, 2007). Иқтисод бўйича Нобел мукофотини олган психолог Герберт Саймон (1998) нинг тадқиқотларидан 10 йил қоидаси деб номланган қоида юзага келди: жаҳон эксперт-класслари соҳаси бўйича ўн йилдан кам бўлмаган вақт, яъни ҳафтасига қирқ соат, йилига эллик ҳафта ишлашган. Катта олимлар, спортчилар ва расомлар ўрганилганида аниқландики, уларнинг барчаси юқори мотивацияга ва шахсий интизомга эга, ўз мақсадига эришиш учун кунига соатлаб вақт сарфлашга тайёр (Блум, 1985). Бу ёрқин юлдузлар нафақат ўзининг ноодатий таланти, балки кундалик интизоми билан ажралиб турган. Юқори натижа галлон (4,5 литр) тер билан бир чой қошиқ илҳомнинг аралашмасидай туюлади.¹

Дакворт ва Селигман қайд этганидек, ўта омадли одамларни ўзи қатори иқтидорли тенгдошларидан жасорат – узоқ муддатли буюк мақсадга нисбатан жўшқин садоқат ажратиб туради. Шунга қарамай, интеллигент кўнқвиросифат эгриликдек намоён бўлади, балки ютуқ эмас. Бу бизга муваффақият хом истеъдоддан-да кўп нарсани қамраб олишини айтади. Шунинг учун, ташкилотчи психологлар оддий ишда ишловчи оддий одамларни жалб қилиш ва мотивациялаш йўлларини қидирмоқдалар.

Атрофда иқтидорли одамлар кўп, шу жумладан фарзандларимиз ҳам аксарият иқтидорли, лекин иқтидорлиларнинг битта кулфати шундаки, улар атрофдагилардан кескин ажралиб туришади, шу туйфайли кўп ҳолларда уларни атрофдагилар оғриниб, хушламайроқ қабул қилишади. Қуйидаги фикрларга эътибор берсангиз, иқтидорли одам билан муаммоингиз асосан ўзингизга боғлиқ эканлигини англаб оласиз.

Идроклари кўламнинг кенлиги туйфайли иқтидорли болалар атрофларидаги ҳодисаларга ўта сезгир бўлишади ва ҳар бир нарсанинг қандай тузилганлигини билишга қизиқадилар. Шу нарса нима учун шундай, нега бошқача эмас, агар шароит ўзгарса нима бўлар эди, деган масала улар учун ҳар доим қизиқ. Улар бир вақтнинг ўзида бир неча жараённи кузата оладилар ва атрофни фаол тадқиқ қилишга мойилдирлар.

Улар предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқаларни идрок қилиш ва тегишли хулосалар чиқара олиш қобилиятига эгалар; уларга ўз тасаввурларида муқобил тизимлар тузиш ёқади.

Тилнинг эрта ривожланиши ва классификациялаш ҳамда категориялаштириш қобилияти билан уйғунлашган аъло даражадаги хотира бундай болаларга катта ҳажмдаги маълумотни тўплаш ва ундан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Иқтидорли болалар ўз фикрини эркин ва аниқ баён қилишга имкон берадиган катта ҳажмдаги сўз бойлигига эгалар. Бироқ ўзларини хурсанд қилиш учун улар аксарият ўзларининг сўзларини уйлаб топадилар.

Мазмуний ноаниқликларни идрок қила олиш қобилияти, узоқ муддат

¹ Psychology David G. Myers Hope College Holland, Michigan. 492 p.

давомида идрокнинг юқори меъёрини сақлаб тура олишлари, мураккаб ва ҳатто амалий ечимга эга бўлмаган масалалар билан ҳам бемалол шуғуллана олишлари билан бир вақтда улар ўзларига тайёр ечимни тиқиштиришганда тоқат қила олмайдилар.

Бундай болалар ўз диққатларини узоқ муддат тўплаб тура оладилар ва у ёки бу масалани ҳал қилиш пайтида қатъийлик кўрсатадилар.

Иқтидорли болалар учун хос бўлган муаммони ҳал қилишга берилиб кетиш тажрибанинг етишмаслиги туфайли уларнинг қурбилари етмайдиган ишга ҳам қўл уришларига сабаб бўлади. Улар ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож, лекин кўр-кўрона васийликка тоқат қила олмайдилар.

Иқтидорли болалар ўта адолатпараст бўлишади; улардаги муддатидан олдин ривожланадиган ахлоқий тараққиёт муддатидан олдин ривожланадиган идрок ва билишга таянади.

Улар атрофларидаги адолатсизликка ўта таъсирчан бўлишади, ўзларига ва бошқаларга юқори талаблар қўйишади.

Иқтидорли болаларга жонли тасаввур, вазифани бажаришга ўйин элементларини қўшиш, ижодкорлик, кашфиётчилик ва бой фантазия (тасаввурдаги дўстлар, ака-ука ёки опа-сингиллар) хосдир.

Улар аъло даражадаги юмор ҳиссига эга бўлишади, кулгили номутаносибликлар, сўз ўйинлари, ҳазилни ёқтиришади. Уларнинг кулгили нарсани идрок қилишлари тенгдошлариникидан фарқ қилади.

Уларга эмоционал барқарорлик етишмайди, илк болалик пайтида бундай болалар бетоқат ва жиззаки бўлишади.

Кўп ҳолларда бундай болалар учун меъёридан юқори кўрқув ва таъсирчанлик хосдир. Улар атрофдагиларнинг нутқсиз сигналларига ўта таъсирчан бўлишади.

Кўп ҳолларда иқтидорли болаларда салбий ўз-ўзини идрок қилиш ривожланади, натижада уларнинг тенгдошлари билан муносабатларида қийинчиликлар пайдо бўлади.

Иқтидорли болалар ўта серҳаракат бўлишади, улар одатдагидан кам ухлашади.

Уларнинг ўз ҳаракатларини бошқаришлари ва қўлларини ишлата олишлари билиш қобилиятларидан орқада қолади. Ақлий ва жисмоний тарққиётларидаги фарқ уларни эсанкиратиши ва уларда номустақилликнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Саккиз ёшгача иқтидорли болаларнинг кўриш қобилиятлари аксарият барқарор бўлмайди, улар яқин масофадан узоқ масофага (масалан: партидан доскага) кўриш фокусини алмаштиришда қийналадилар.

Инсоннинг субъектив хислатлари интеграциясининг юксак шакли ижодиёт (креация) ҳисобланиб, умумлашган имкониятлар тарзида қобилиятлар (истеъдод, иқтидор), талант ва салоҳият вужудга келади.

Худди шу боисдан аждодларимизнинг маънавиятида давр ўзи учун зарур алломаларни ва бетакорор шахсларни бир асрда ёки ундан ҳам ортиқ даврда (муддатда) яратади, деган башорат қуруқ мушоҳада эмас, балки табиатдаги ўзгаришлар, муносабатлар, мувофиқликлар, мувожатлар, инсон камолоти учун энг қулай (сензитив) моддалар билан таъминлаш тўғрисидаги (унинг мағзидаги) табиий майл, лаёқат, истеъдод, иқтидор, салоҳият

кабиларнинг бақувват ҳаракатчан нишонлари, аломатлари имконияти юзасидан илмий ғоя ётади. Шунинг учун халқ, этнос, улус ўртасида доҳий, даҳо ҳар куни туғилмайди, балки унга нисбатан жуда кучли эҳтиёж сезилгач, ижтимоий зарурият устуворлик қилганда, эволюцион қонуният эса имкон берганда, вазият пишиб етилганда ихтиёрсиз равишда содир бўлади.

Ибраимова Ж. Қ.
Казахский Национальный педагогический университет имени Абая
(Алматы, Казахстан)

ОҚЫТУДАҒЫ ТӨМЕН ҮЛГЕРІМ МӘСЕЛЕСІ

Қазіргі кезде білім беру жүйесінде оқушының дамуындағы оның үлгерімінің үлкен мәні бар. Баланың жеке басын жан-жақты дамытуға бүгінгі таңда білім беру саласындағы оқу процесіндегі оның үлгерімі негізгі роль атқарады. Мектепте оқушылардың оқу мен тәрбиелеу бағдарламалары және жағдайлары бірдей болғанмен, білімді игеруде барлығы бірдей емес.

Мектептегі оқушылардың үлгерімінің төмен болуының бір ғана себебі емес, көбінесе бірнеше себептердің жинақталған әсері болып табылады. Солардың ішінен негізгілері ретінде: оқыту әдістерінің жетілдірілмеуі, оқушылардың танымдық іс-әрекетін дамытудағы кемшіліктер, әсіресе ойлау қабілетінің қалыптаспауы, оқушы мен оқытушы арасындағы жағымды қатынастың болмауы, басқалармен салыстырғанда жақсы оқушы болудың қорқынышы, және т.б.

Белгілі психолог Ю. К. Бабанский /1/ өзінің еңбегінде үлгермеуші оқушылардың оқу мүмкіндіктерін зерттеп, үлгермеушіліктің екі себебін анықтады:

1. Сыртқы себепке білім берудің қоғамдағы әлеуметтік құнын жоғалтуы, ағымдағы білім беру жүйесінің тұрақсыздығын жатқызуға болады.

2. Ішкі себепке білім беруді ұйымдастырудағы ақаулықтар, балалардың денсаулығында байқалатын кемшіліктер және бала түйсігінің өте баяу дамуын жатқызуға болады.

П.П. Блонский және т.б. еңбектерінде үлгермеуші оқушылар оқуды білмейтіндігі, олар оқу материалдарының тақырыптарын меңгеруде логикалық өңдеу жасай алмайтындығын көрсетеді /2/.

Бастауыш сынып оқушыларының жазу жұмыстарындағы әріптерді қалдырып кету, ережелерді жақсы білуде орфографиялық қателер жіберу, зейінсіздік пен ұмытшақтық, математикалық есептерді шығарудағы, тексті айтудағы қиындықтар, дербес тапсырмаларды орындауда оқу іс – әрекетіндегі қиындықтардың бала үлгерімінің төмендеуіне әсер ететіндігін психолог С.Н. Костромина қарастырған /3/.

Көптеген авторлар үлгермеуші оқушыларды әр түрге топтаудың негізі етіп өздері зерттеп анықтаған үлгермеушілік себептерін алған.

Ғылыми зерттеулерде үлгермеушілердің негізіне жататын психологиялық себептерді 2 топқа біріктіріп, соған байланысты балалардың ерекшеліктерін сипаттаған. Ол себептер:

1. Баланың танымдық іс-әрекетіндегі кемшіліктер.
2. баланың мотивациялық дамуындағы кемшіліктер.

Сонымен қатар көптеген жылдар бойы үлгермеушіліктің мәселелерін Н.А. Менчинская /4/, басқарған ғалымдар тобы зерттеп келген. Олар оқушылардың психологиялық ерекшеліктерін негізіне «үйретілу» түсінігін алған, яғни оқу іс-әрекетінің әдістері мен оқуды меңгеруіне байланысты оқушының алғырлығы. Олар үлгерімі төмен оқушыларды үйрете отырып және

олардың ойлау деңгейін зерттей отырып, олар дедуктивтік ой қорытындыларын жасай алмайды, оларға көптеген қасиеттері бойынша ұғымдарды жалпылау қиындық туғызады деген қорытындыға келген. Ондай оқушылардың абстракциялау және жалпылау деңгейі әдетте өте төмен болатындығын дәлелдеген.

Үлгермі төмен оқушымен мұғалім күнделікті оқу жұмысын тексеріп отыруы қажет. Тексеру арқылы мұғалім оқушылардың тәртібін, білімді қалай қабылдайтынын және түсінетінін, тәжірибелік іскерлік және дағдыларға машықтандыру кезінде өз бетімен атқара алатын жұмыстарын, оқуға икемділігін, қызығушылығын, білімді жүйелі алуын қадағалайды.

Үлгерімі төмен оқушыларда дамудың жеке варианттарының көп түрлілігі бар. Олар таным компоненттерінің қалыптасуының әр түрлі деңгейіне байланысты, яғни бұл артта қалудың әр түрлі себептері бар екенін көрсетеді. Оқушылардың негізінен білімді меңгеру үрдісі мына компоненттерден тұрады: қабылдау, түсіну, есте сақтау, қорыту және жүйелеу. Оқу үрдісінде бұл компоненттер өте тығыз байланысты. Оқушы меңгеретін материалдың қиындығына соқтыққанда ғана өз бетінше шешім қабылдап, қорытынды жасай алады. Осыдан кейін ол материалды толық игереді. Қабылдауы баяу оқушылар әрбір сабақ кезінде қажетті көрнекі құралдармен, дидактикалық материалдармен, тарататын және көрсететін көрнекіліктермен қамтамасыз етілуі қажет. Сонда ғана өткізілген сабақтар өз мақсатына толық жетеді.

Осы білімді меңгеру компоненттері баяу болғандықтан нашар оқушы шығады. Оқу жылдамдығы баяу болғандықтан және есеп мәтінін қате оқығандықтан оның мазмұнын түсінбейді, есте сақтауы да төмен. Үлгерімі төмен оқушылардың ақыл - ой параметрі және жағымды ақыл сапалары қалыптаспаған, білім қоры аз. Нашар оқудың алдын алу үшін артта қалу мен үлгерімнің төмендеуінің себептерін анықтау керек. Нашар оқушылардың кемшіліктері төмендегідей:

- 1) есеп шартын оқығанда әріп, буын немесе сөз қалдырып оқу;
- 2) кейбір буындарды сөздерді қайталап немесе ежіктеп оқу.

Мұндай кемшілігі бар оқушыға оқулықтан арнайы тапсырмалар немесе карточкамен жұмыс беріледі. Карточкамен жұмыс оқушыны жалықтырмайды, оқуға деген ынтасын арттырып отырады. Таным әрекетінің нәтижелілігі - ақыл ой әрекетінің даму дәрежесіне байланысты. Оның негізгі компоненттерінің қалыптаспауы үлгерімнің төмен болуының басты себебі болып табылады.

Компоненттердің қайсысы үлгерімнің төмендеуіне негізгі себеп болуына байланысты артта қалу екіге бөлінеді:

1. педагогикалық жағынан назардан тыс қалған балалар;
2. нашар оқитын оқушылар.

Педагогикалық жағынан назардан тыс қалған балалармен жұмыс орындау нашар оқитындармен салыстырғанда әлдеқайда тиімді болып табылады.

Нашар оқитын оқушылар оқу - тәрбие үрдісінде көбірек біліктілікті қажет етеді. Бірақ олардың екі түрінде де жұмыстың жалпы бағыты бірдей.

Педагогикалық жағынан назардан тыс қалған балаларды мектепке дейін қолға алу керек. Сабақ үстінде және сабақтан тыс уақытта зейін мен ырықты, есте сақтауды дамыту қажет.

Педагогикалық жағынан назардан тыс қалған балаларды қолайсыз әлеуметтік-педагогикалық жағдайлар тудырады. Ол жағдайлар қажетті білім қорының жинақталмауына әкеп соқтырады. Дегенмен, мұндай типтегі оқушылардың арасында кейде жоғары үлгерімді балалар да кездесіп жатады.

Оқушыларды тереңдетіп саралау барысында, олардың үлгерімінің күрт төмендеуіне нақтылы мүмкіндіктері мен оларға қойылған талаптардың арасындағы алшақтық себепші болған. Талаптар тым жеңіл болып, оқушылардың психикалық қызметін белсендірмеген. Өзгелерден жақсы дамыған мұндай балалар кіші сыныптарда оқу жаттығуларын қиналмай орындайтын; оларды мақтап, басқаларға үлгі ететін, соның салдарынан олар өздерін-өздері асыра бағалай бастады. Оқудың тым жеңілдігінен олар қиындықтарды жеңуге үйренбегені былай тұрсын, олардың жұмысқа деген интеллектуалды құлшынысы қалыптасқан жоқ.

Біртіндеп орта сыныптарға ауысқан сайын оқу материалы күрделене түскендіктен, оқушылар бұрынғысынша аз еңбек ете жүріп, еті үйренген жоғары бағаларды ала алмаған. Сол себептен, олардың мұғалімдерге кері қатынасы қалыптасты, өйткені, олардың ойынша, мұғалімдер оларға себепсізден-себепсіз «қырғидай тиетін» болған. Білім қорындағы төмен үлгерімді жою үшін ерінбей еңбек етудің орнына олар бұрынғысынан да бетер талпынуды қойған. Ал өздері туралы қалыптасқан жоғары пікір сол күйі қалған, бірақ енді олардың өздерін-өздері бағалауы сыныптағы дәрежесі мен білімдеріне сәйкес келмейтіндей тым жоғары болған. Нақтылы білім мен оларға қойылған талаптар арасындағы алшақтық күрт өсіп, оқушылардың мектепке, оқуға деген ықыласы күрт кеміген, оқушылардың педагогикалық босаңсуы тереңдей түскен.

Оқушылардың нақтылы мүмкіндіктері мен өздері жеткен даму деңгейінің арасындағы алшақтық мектептерде тым жиі кездеспейді.

Балалардың артта қалуы мен нашар оқуын болдырмау және алдын алу жұмыстары көп уақытты, ынта - жігерді қажет етеді. Осы қиыншылықтардың себебі – баланың ақыл - ой ерекшеліктерінің, ақыл сапаларының қалыптаспағаны, ал бұл ерекшеліктер мидың кейбір органикалық аномалияларымен байланысты, сондықтан олар сыртқы әсерлерге тез көне алмайды.

Бұндай сыртқы әсерлерге өте ерте жаста жағымсыз әлеуметтік – педагогикалық жағдайлардың ықпалынан, назардан тыс қалған балалар тез көнгіш болып келеді. Мұндай артта қалудың алдын алу үшін жұмыс балалардың ақыл – ой әрекетін белсендіруге, сөйлеу қабілетін дамытуға, практикалық тәжірибесін кеңейтуге бағытталуы керек. Мектеп балаға жалпы білім беріп қана қоймай, оны жалпы дамыту, сөйлеу, оқыту, талдау жасауға үйрету, өз ойын дұрыс жеткізе білуге, салыстыра білуге, дәлелдеуге, сөйлеу мәдениетіне үйретеді.

ПАЙДАЛАНЫЛҒАН ӘДЕБИЕТТЕР ТІЗІМІ:

1. Бабанский Ю. К. Вопросы предупреждения неуспеваемости. – Ростов-на-Дону, 1982.
2. Блонский П. П. Школьная неуспеваемость. – М., 1981.

3. Костромина С. Н., Ануфриев А. Д. Методические рекомендации.-М.,1999. - 28 с
4. Менчинская Н. А. (ред.) Психологические проблемы неуспеваемости школьников. М., 1971.

Расулова Саидахон
(Қўқон, Ўзбекистон)

ЎЗБЕК ЗАМОНАВИЙ МУСИҚАСИДА ЯНГИ ЖАНРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Ёш авлодни юксак маданиятли инсонлар қилиб тарбиялашда мусиқа таълимининг аҳамияти беқиёсдир. Хусусан ўзбек замонавий мусиқаси бу борада катта имкониятларга эга.

Ўзбек замонавий мусиқаси деганда, ҳозирги кундаги ижро этилаётган барча мусиқа турларини тушунамиз. Улар жанр нуқтаи назаридан ранг-баранг бўлиб, оддий мусиқий намуналардан тортиб мураккаб асарларни ҳам ўз ичига олади.

Мустақиллик шароитида халқнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ва мустақамлаш ишлари муҳим давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалаларга айланган. Халқ анъаналарини ва қадимги Наврўз каби байрамларни тиклаш, янги – Мустақиллик, Конституция, Билимлар ва Мураббийлар байрамларини жорий этиш, халқаро мусиқа фестиваллари ва анжуманларни ташкил этиш – бунинг ҳаммаси мусиқа, шу жумладан хор маданияти соҳасида янги шаклларни излаб топиш, фаолиятини жадаллаштиришни талаб этмоқда.

Самарқанд шаҳрида анъанавий тарзда ўтказилаётганда “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивалининг моҳияти ҳам Шарқ мумтоз мусиқаси воситасида миллатлараро маънавий ришталарни қайта тикламоқ ва уларга замонавий мазмун бағишламоқдан иборатдир.

Бу фестивал ЮНЕСКО ва мусиқа бўйича Халқаро Кенгаш томонидан тасдиқланган ва унда ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қozoқ, озарбайжон, афғон, эрон, турк, араб, хитой, япон ва бошқа миллат халқлари ўз санъатлари ҳамда мумтоз мусиқаларини намоиш этадилар.

Республикамиздаги ижодий кучларнинг юксалиши болалар ижоди соҳасида ҳам ўз аксини топмоқда.

Бу йўналишдаги янги ташаббуслар сифатида «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқ танлови, ёш ижодкорлар (шу жумладан, ёш хонандалар) танловларини кўрсатиш мумкин. Айниқса, 1997 йилдан бошлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқлар танловида бой ва қизиқарли тажрибалар орттирилган. Унда барча мактаб хор жамоалари қатнашиб, энг зўр ижодий фаолиятларини намоиш этмоқда. Жамоаларнинг дастурлари бадиий ранг – баранг бўлиб, Е. Шварц, Ш. Ёрматов, Н. Норхўжаев, А. Варелас, Д. Омонуллаева ва бошқа композиторлар асарларини қамраб олган. Хор раҳбарлари қўшиқ танловига тайёрланиш жараёнида болалар билан катта ижодий ва тарбиявий ишларни бажармоқда.

Мустақил Ўзбекистон мусиқа маданияти бадиий турларининг ҳилма-ҳиллиги билан ажралиб туради. Бунга ҳозирда мавжуд бўлган миллий мумтоз мусиқа анъаналари, халқ ижоди, композиторлар фаолияти, бадиий ҳаваскорлик шакллари ҳамда кенг ривож топган эстрада йўналишлари далолат беради. Замонавий композиторлар ижодида янги услубларни мужассам этган асарлари пайдо бўлмоқда. Охири пайтда болалар учун

эстрада йўналишидаги, поп-музиқа услубида яратган асарларини ижод этиш ҳам юз бермоқда. Бунга Н. Норхўжаевнинг «Бургут ва тойчоқ» музиқали эртаги, А. Эргашевнинг «Морозко», «Ер ости подшоҳининг ҳазинаси», А. Мансуровнинг «Ҳайвонлар султони», «Ўзга сайёралари робот» каби опералар ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон болалар хор маданияти ривожига, бу соҳада эришилган ютуқларга ажойиб музиқачи, болалар хор санъати фаол тарғиботчиси, Ўзбекистон халқ артисти, «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, Ўзбекистон телерадио компаниясининг «Булбулча» болалар хорининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Ш. Ёрматовнинг кўшган ҳиссаси ниҳоятда салмоқлидир. Республика болалар хор санъатидаги кўпгина ижодий ташаббуслар унинг номи билан боғлиқдир. У доимо хор маданияти ривожланишидаги янги йўллари излаб топмоқда. Консерваторияда ўқиш даврида Ш. Ёрматов Республика болалар ва ўсмирлар саройи қошида болалар хорини ташкил этди.

Консерваторияни тугатгандан сўнг Ш. Ёрматов ўша мактабнинг ўзида, хор тўғараги раҳбари ва музиқа ўқитувчиси сифатида ишини давом эттирди.

Ш. Ёрматовнинг толмас ташкилотчилик фаолияти ундаги иштиёқ, болаларга бўлган муҳаббат юқори даражадаги касбий маҳорати қисқа муддат ичида унга хорнинг ижрочилиги савиясини янада юқори босқичга олиб чиқиш имконини берди. Ўзининг ижодий йўлини топиб олган ушбу хор жамоаси энди хор музиқаси ишқивозлари, барча музиқа шинавандалари орасида шухрат қозониб, турли республика ва чет эл кўрик-танловларида қатнашчи ва совриндор бўлиб, шунингдек, давлатимизда ўтказиладиган барча байрам тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Ш. Ёрматовнинг ижодий синчковлиги, изланувчанлиги, болаларнинг музиқа тарбиясига оид янги шаклларига мойиллиги, унга мактаб музиқали-хор синфларининг ташкил қилишга имкон берди. Аксарият ҳолларда ушбу синфларга музиқали қобилияти бор болалар қабул қилинган. Булар республикамизда хор студияларининг таркибий қисми сифатида илк бор ташкил қилинган хор синфларидан эди. Буларнинг ҳаммаси хор машғулотларининг фаоллашуви ва самарадорлигига асос бўлди. Айнан шу даврда Ш. Ёрматов мактабда ўзини барқарор ва ўзига хос жамоа сифатида кўрсатган ўғил болалар хор гуруҳини ҳам ташкил этди.

Унинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, академик ва ўзбек миллий кўшиқчилиги аъёнларини ўзига мужассам этган янги ижрочилик йўналишида намоён бўлди. Ўзига болалар хор жамоасининг концерт фаолияти тез орада уни машҳур қилди ва ўзбек ўғил болаларини хор ижрочилигига жалб этишда катта аҳамияга эга бўлди. Шундай қилиб, 1970 йилларининг ўртасида Тошкент шаҳар 99-мактабда «Бойчечак» ктата хор гуруҳи, ўғил болалар хори қизлар вокал ансамблига асос солинди.

Йил сайин хор жамоаларининг ижрочилиги маҳорати юксалиб борди, дастурлари кенгайиб, концерт чиқишлари кўпайди. Мактабнинг иккала хор жамоалари «До, ре, ми, фа, сол», «Куйланг болалар», «Бирга куйлаймиз», «Санъат ғунчалари» каби болалар телевизион дастурларига жалб этилди. «Бойчечак» хор жамоаси Ўзбекистон бўйлаб гастролда бўлган, Финляндия, Болгария хор жамоаларининг фестивал – танловларида, бир нача марта Эстониядаги кўшиқ байрамларида қанашган. 1970 йилда «Бойчечак» хор

студияга айланиб, «Республиканинг намунали болалар хор жамоаси» унвонига сазовор бўлган. Гастрол фаолияти кенглиги туфайли унинг бой ва ранг-баранг (жаҳон мумтоз, Ўзбекистон композиторлар хор асарларидан иборат бўлган) дастурларидан турли халқ кўшиқларининг ҳам ўрин олишга сабаб бўлган.

Афсуски, болалар саройидаги шароитнинг етишмовчилиги туфайли ўғил болалар хор жамоаси 10 йиллик фаолиятдан сўнг 1980 йилларда тарқалиб кетди.

Ўзбекистон композиторларининг болалар хор мусиқаси соҳасидаги фаол ижоди, турли кўрик-танлов, фестивал, кўшиқ байрамларининг ўтказилиши 1970 йилда Ўзбекистон Давлат телерадио кўмитаси қошида Ш. Ёрматов бошчилигида болалар хор жамоаси ташкил қилинди. Бугунги кунга келиб, бу жамоа-республикамиздаги энг машхур Ўзбекистон телерадио компаниясининг «Булбулча» болалар хорига айланди. Болалар хорининг жарангдор, завқу-шавққа тўла санъати барча хор мусиқаси мухлисларига маълумдир. Репертуардаги асарларнинг ижроси юксак маҳорат, мусиқавийлиги, жонлиги, самимийлиги билан ажралиб туради.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу жамоа машхур хор жамоалари (Россия марказий телевидение ва радиоси қошидаги катта болалар хори, хор студияси) ижодий тажрибаларига суяниб, хор ижрочиларини тайёрлаш ва тарбиялашнинг ўзига хос қоидаларига асос солди. Ҳозирда жамоа таркибида 600 га яқин бола бўлиб, у ўзининг қуйидаги тузилмасига эга:

- мактабгача бўлган болалар гуруҳи;
- кичик хор гуруҳи;
- ўрта хор гуруҳи;
- ўғил болалар хор гуруҳи;
- ёшлар хор гуруҳи;
- фольклор хор гуруҳи.

Хор жамоаси Ш. Ёрматов кейинчалик ўзининг маслақдошларига айланган, «Булбулча» хорида вокал мактабини ўтган хор-дирижёрлари (уларнинг деярли барчаси консерватория битирувчилари)ни таклиф этди. Булар С. Олимов, А. Нестерова, Н. Иброҳимова, Г. Мансурова, Д. Собирова, Н. Мирзаева ва бошқалардир.

Маълумки, ҳар бир давр ёки замон ўз тараққиёт даражаси негизда ўз маънавий дунёсига эга бўлади. Жамиятнинг эҳтиёжига хос талаб, дидига мос дунёқарашлари замонасига мутаносиб ҳолга шаклланади.

Истиқлолимиз туфайли шаклланган янгича фикрлаш, муносабатлар ва дунёқарашлар ўзимизга хос бўлган миллий истиқлол ғоясига асос солди. Бу эса келажаги буюк давлатнинг маънавий баркамоллигидан дарақдир.

Бугунги куннинг асосий талаблари, ҳар бир соҳада мустақил бўлиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва жаҳон андозалари доирасида фаолият кўрсатишдан иборатдир. Буни биз мусиқа санъатимизнинг тез ривож топаётгани ва оммавий мусиқий шаклларининг халқимиз орасида кенг тарқалганида кўрамиз. Мусиқамизда замон руҳи билан суғорилган умумбашарий мусиқий шакллари ўсиб бормоқда, гўёки мусиқамизнинг айрим шакллари тубдан ўзгаргандек. Замонавий мусиқамиз эса асл ҳолини замонага

хос сақлаб, янги дунёвий жанрлар билан бойиб бораётганини таъкидлашимиз мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди (методик тавсиялар) 1-қисм Тошкент 1994 йил.
2. Исмоилова М. Е. “Халқ қўшиқлари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш” 1-7 синф мусиқа маданияти дарслари учун ўқув методик қўлланма. Тошкент. “Истиқлол” нашриёти. 2006 йил
3. Мамиров Қ. Жамоа қўшиқчилиги ва амалиёти. Тошкент. “Илм зиё”-2012 йил.
4. Юлдашева Н., Рахматова Н. Ўзбек мусиқа адабиёти. Тошкент. “Иқтисод-молия” 2010 йил.

Расулова Саидахон
(Ўзбекистон, Қўқон)

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАНГАНЛИК ДАРАЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

Нафосат тарбияси мусиқа тарбиясини ўзида мужассамлаштирган ва педагогиканинг қатор тарбия йўналишлари - ақлий, жисмоний, сенсор, меҳнат ва иқтисодий тарбия йўналишлари каби таълим тарбияда катта ўринга эга. Таълимда биргина эстетик тарбия бериш баробарида бошқа тарбия йўналишлари бўйича ҳам иш олиб бориш имкониятлари ҳам мавжуддир. Масалан: кўшиқ куйлаш нафосат тарбиясига киради, лекин кўшиқнинг сўзлари орқали ақлий тарбия берилади. Ёки рақс ҳаракатлари орқали ўрганаётган ва ўргатаётган кишилар ҳам эстетик, ҳам руҳий, ҳам жисмонан тарбияланади. Ёхуд катта ҳажмли мусиқа жанри бўйича асар тайёрлаш баъзан узоқ муддатга чўзилиши мумкин. Бу орқали эса ҳам эстетик, ҳам меҳнат тарбияси амалга оширади.

Мусиқа маданияти дарсларида бир нечта интерфаол усуллардан фойдаланиб, аънавий дарс турлари билан ўқувчиларни қизиқтириш йўллари, уларни мусиқага меҳр уйғотиш учун бир неча дарс ишланмаларидан фойдаланиш мумкин. Булардан, “Ким кўп билади” усули бўлиб, бунда мусиқа тинглаш фаолиятининг ривожланишида яхши натижалар беради. Бу усулда ўқувчиларга ўқитувчи томонидан бир нечта куй ижро этилиб, уларнинг ритми, саноғи, муаллифи ҳақида маълумот беришларини, ҳар бир ўқувчи гуруҳларга бўлиниб, бу муаммоли вазиятни тез ва қисқа фурсатда топиб, жавоблар ёзилган қоғозларни ўқитувчига топширадилар. Қайси гуруҳ тез ва саволларга тўғри жавоб берган бўлса, ўша гуруҳ ғолиб бўлади.

Бу усулдан ташқари яна “Нимага ва нима учун” усули бўлиб, бу кўпроқ мусиқа саводи фаолиятини ривожлантиришда ёрдам беради. Ўқитувчи бир ҳажмдаги картон қоғозларга биттадан қирқта қисқа ва аниқ саволлар ёзиб чиқади. Саволлар “нимага ва нима учун” тамойилига мослаб тузилади.

Масалан: Сол калити ҳақида маълумот беринг?

Бутун нота, ярим нота орасидаги фарқлар, саноғи ҳақида маълумот беринг?

Балет деганда нимани тушунасиз? Ва шу каби саволлар тузилиб, усулни қўллашдан аввал барча варақлар йиғиб олиниб, аралаштирилади ва тескари қилиб қўйиб чиқилади. Ўқувчилар бирин-кетин варақаларни тортиб саволга жавоб берадилар. Агар саволга жавоб берилмаса, уни ўқувчи қайтиб жойига қўяди. Тўғри жавоб берган ўқувчи варақани ўзида сақлаб қолади. Энг кўп варақа тўплаган ўқувчи ғолиб ҳисобланади.

Бу усуллар мусиқа маданияти дарсларида самарали натижалар беради.

“Мусиқа маданияти” дарсларида мусиқий билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, асар муаллифи, унинг ёзган асарлари ҳақида айтиб ўтилади, лекин бу берилган билимларни ўзлаштира олишмайди, биз чораклар бўйича тақсимланган мавзулар бўйича иккита синфда тадқиқот ишларини олиб

бордик. 7-“а” ва 7-“б” синфларни экспериментал синф қилиб олдик. 7-“а” синфда чорак бўйича берилган мавзуларни тушунтириб, доимий ҳолда дарс ўтдик, лекин 7-“б” синфда худди шу ўтилган мавзулар бўйича чуқур билим берилди, яъни ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, ўтилган мавзу юзасидан ўқитувчи томонидан савол ташланди. Гуруҳга бўлинган ўқувчилар ўз фикрларини мустақил баён этишди, тўғри жавоб танлаб олинди, ғолиб гуруҳ рағбатлантирилди. Берилган билимларни чорак якунида саволлар тест назорати, ёзма иш назорати, ритмик диктантлар, ижро йўллари бўйича савол-жавоб қилиниб, иккала синфдан имтиҳон тарзида олинди. Олинган натижалар қуйидаги кўрсаткичда эканлигини кўрсатди.

Юқори даража. Мусиқа таълими орқали гўзалликни идрок эта олиши, завқланиши, унинг инсоний фазилатларига таъсирини белгиловчи чолғу сози, қўшиқлари ва дostonлари ҳақида хабардор.

Ўрта даража Юқорида баён қилинган мавзулардан тўлиқ хабардор бўлмасда, маълум тушунчаларга эга бўлган ўқувчилар.

Паст даража. Мусиқа таълими ҳақида деярли маълумотга эга бўлмаган ўқувчилар.

Анкета саволларига олинган жавобларнинг қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида экспериментал синф ва назорат синфи ўқувчиларининг берган жавобларини қуйидаги жадвал асосида аниқладиқ.

1-жадвал

№	Синфлар йўналиши	Ўқувчилар сони	Жавоб даражалари	Анкета саволларига жавоблар							
				1	2	3	4	5	6	7	8
1	Тажриба синфи	26	Юқори	20	20	18	19	19	18	20	19
			Ўртача	3	4	6	5	5	5	4	4
			Паст	3	2	2	2	2	3	2	3
			Жами	26	26	26	26	26	26	26	26
2	Назорат синфи	26	Юқори	12	14	14	12	12	13	14	14
			Ўртача	8	5	4	5	6	4	4	5
			Паст	6	7	8	9	8	9	8	7
			Жами	26	26	26	26	26	26	26	26

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, биз иш олиб борган тажриба синфида ўқувчиларнинг мусиқий маданият ҳақидаги билим, тушунча ва кўникмалари назорат синфига нисбатан анчагина юқори.

Хусусан, юқори даражада жавоб берганларни бир-бирларига солиштириб кўрганимизда, бу икки синф ўқувчилари орасидаги тафоввут яққол кўзга ташланади.

Дарс жараёнида ўқувчилар фикрини маълум мавзу йўналишига қаратиш ва турли шакл ва услублардан фойдаланиш яхши натижа беради.

2-жадвал

№	Синфлар йўналиши	Ўқувчилар сони	Жавоб даражалари	Анкета саволларига жавоблар							
				1	2	3	4	5	6	7	8
1	Тажриба синфи	26	Юқори	20	20	18	19	19	18	20	19
2	Назорат синф	26	Юқори даража	12	14	14	12	12	13	14	14
3	Орадаги фарқ	26	Юқори даража	8	6	4	7	7	5	6	5

Экспериментал синфда юқори даражада жавоб берган ўқувчилар сони 18 тадан 20 тагача бўлгани ҳолда, назорат синфидаги бу кўрсаткич 12 тадан 15 тагача бўлган. Таққослаш натижасида тажриба синфида юқори даражадаги ўқувчилар сони 4 тадан 8 тагача фарқ қилиши аниқланди. Шундан келиб чиққан ҳолда олиб борган илмий тадқиқот ишларимиз назорат синфига нисбатан унумлироқ бўлди.

Дарслар жараёнида ўқувчилар фикрини маълум мавзу йўналишга қаратиш ва турли шакл ва усуллардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Тадқиқот ниҳоясида тажриба гуруҳи ўқувчилари билан назорат саволлари бўйича анкета ўтказилганда, уларнинг дунёқарашлари, мусиқа фольклори ҳақидаги қарашлари ижобий томонга ўзгарганлигига гувоҳ бўлдик. Махсус дарс ўтиш методикаси ва унинг мазмунидан келиб чиқиб, тажриба-синов ишларида қатнашган ўқувчиларнинг замонавий қўшиқлардан фойдаланиш кўникмаси, ижро услуби ва маҳорати, ҳамда шулар воситасида янги педагогик технологияларни қўлланилиши орқали уларнинг эстетик тарбияланганлик даражаларини асословчи тажриба жараёнида улар томонидан қайд қилинган кўрсаткичларга нисбатан ижобий ўсиш рўй берганлиги аниқланди. Бу борадаги ҳолат тадқиқот ниҳоясида тажриба-синов ишларининг муваффақиятли кечганлиги тадқиқот ишининг педагогик ва илмий жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги ва самарали бўлганлигидан далолат беради.

Олиб борган кузатишларимиз ва илмий манбаалардан келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига таяниб, қуйидаги хулосаларга келдик:

- Мусиқа дарси жараёнида жамоа бўлиб куйлаш санъти қоидаларига риоя қилиш, ўқувчиларда эстетик тарбияни шакллантиришда яхши таъсир этади.

- Мусиқа машғулоти жараёнида мусиқий ўқув, мусиқий идрок, мусиқий тафаккур каби тушунчаларни мунтазам ривожлантириб бориш, ўқувчиларни замонавий қўшиқларни ифодали куйлаш фаолиятини оширишда ижобий ёрдам беради.

- Инновацион технологияларни таълим жараёнида тадбиқ қилиш орқали ўқувчиларни замонавий куй ва қўшиқларни соф ва ифодали ижро этиш малакаларини ривожлантиришга эришилди.

- Ўқувчиларни замонавий болалар қўшиқларини маҳорат билан куйлаш фаоллигини оширишда куйлашни ривожлантиришнинг самарали услубларини қўллаш орқали эришиш мумкинлиги тасдиқланди.

Бугунги кундаги ёш авлод Она Ватан, мактаб, мустақиллик, Ўзбекистон ҳақидаги юксак маънодаги қўшиқлар билан бир қаторда инсон қалбининг нозик

ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, дўстлик, гўзалликка интилиш, воқеликка муносабат билдирувчи замонавий асарларни ҳам жону-дили билан ижро этишни хоҳлайди ва бунга интилади. Биз устозлар бола маънавиятига, маданиятига, қолаверса, дилига таъсир этувчи бундай кўшиқларни маҳорат билан куйлашга ўргатишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди (методик тавсиялар) 1-қисм Тошкент 1994 йил.
2. Исмоилова М. Е. “Халқ кўшиқлари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш” 1-7 синф мусиқа маданияти дарслари учун ўқув методик қўлланма. Тошкент. “Истиқлол” нашриёти. 2006 йил.
3. Мамиров Қ. Жамоа кўшиқчилиги ва амалиёти. Тошкент. “Илм зиё”-2012 йил.
4. Юлдашева Н., Рахматова Н. Ўзбек мусиқа адабиёти. Тошкент. “Иқтисод-молия” 2010 йил.

**Roʻziboyeva Parizoda Murodali qizi
(Qoʻqon, Oʻzbekiston)**

ATOQLI VA ARDOQLI SHOIRA

Zulfiya Isroilova oʻzbek xalqining atoqli va ardoqli vakili. Oʻzbekiston xalq shoirasi, xalqaro “Nilufar”, Javoharlaʼl Neru nomidagi hamda Davlat mukofatlari sohibasidir. Zulfiyaxonim Isroilova 1915-yili Toshkent shahrining qadimiy Degrez mahallasida tavallud topgan.

Zulfiyaxonim bahor va muhabbat kuychisidir. Zulfiyaxonimning ilk sheʼrlari «Hayot varaqlari» nomi bilan 1932-yilda chop etilgan. Shundan soʻng shoiraning «sheʼrlar» va «Qizlar qoʻshigʻi», «Uni Farhod der edilar», «Hijron kunlarida», «Dalada bir kun», «Tong qoʻshigʻi», «Yuragimga yaqin kishilar», «Kuylarim sizga», «Oylar» kabi oʻnlab sheʼriy toʻplamlari chop etildi. Zulfiyaxonim «Semurg», «Zaynab va Omon» dostonlari asosida pyesa va opera librettolarini yaratdi. Oʻzi ham «Quyoshli qalam», «Mushoira», «Xotira siniqlari» kabi poemalar yozadi. Rus, Ukrain, Ozarbayjon, Hind shoirlarining sheʼrlarini Oʻzbek tiliga tarjima qiladi. Atoqli va ardoqli shoiramiz Zulfiyaxonim Isroilova qalbimizning, yuragimizning tub – tubidan joy olgan. Zulfiyaxonim Isroilovaning sheʼrlari hamon dilimizda yangromoqda. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov taʼriflashicha «Uning jahon manbalarida yangragan sheʼrlari sharq ayolining aql-u zakosi, fazl-u kamolining yorqin ifodasi sifatida millionlab sheʼriyat muxlislariga odamiylik muhabbat va sadoqatdan saboq bergan».

Men atoqli shoir Zulfiyaxonim ijodini juda yaxshi koʻrib oʻrganaman. Bugungi kunda umumiy oʻrta taʼlim maktablarida innovatsion texnologiyalar asosida darslarni tashkil etishda men boʻljak pedagog sifatida quyidagi dars ishlanmasini tavsiya qilmoqchiman.

**6-sinf uchun Adabiyot fanidan “Zulfiyaning hayoti va ijodi”
mavzusidagi dars ishlanmasi**

DARSNING TEXNOLOGIK XARITASI	
MAVZU	Zulfiyaning hayoti va ijodi
Maqsad va vazifalar	<p>a) Taʼlimiy maqsad: Zulfiya oʻzbek adabiyotining yirik namoyondalaridan biri ekanligini oʻquvchilarga tushuntirish;</p> <p>b) Tarbiyaviy maqsad – oʻquvchilarni vatanga muhabbat, oʻzaro doʻstlik, mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash;</p> <p>c) Rivojlantiruvchi maqsad – oʻquvchilarda fikrlash, topqirlik qobiliyatlarini oʻstirish. Ogʻzaki va yozma nutq mahorati koʻnikmalarini shakllantirish. Zulfiya ijodining mazmun-mohiyatini chuqur tushunib yetish, ilgari surilgan gʻoyalarning magʻzini chaqish malakalarini rivojlantirish.</p> <p>Vazifalar:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Oʻquvchilarda mavzuga nisbatan qiziqish uygʻotish; - Oʻquvchilarda mavzuga nisbatan mustaqil fikrini shakllantirish; - Topshiriqlar berish, sinovlar oʻtkazish; - Ularda mavzu asosida bilim va koʻnikmalarni shakllantirish, kengaytirish; - Bilimini baholash.

O'quv jarayonining mazmuni	- Zulfiya hayoti va ijodining o'ziga xos xususiyatlari to'g'risida ma'lumot berish va uning o'zbek adabiyotida tutgan o'rn; - o'quvchilar bilan mavzu yuzasidan savol-javob qilish, guruhlarda ishlash.
O'quv jarayonini amalga oshirish texnologiyasi	Dars turi: yangi bilim beruvchi; Usul: Interfaol: savol-javob, Klasster, yelpig`ich, nihol o`stirish; Shakl: Guruhlarda ishlash. Vosita: adabiyot darsligi, kompyuter, videoprojektor, didaktik tarqatma materiallar. Nazorat: og`zaki, savol – javob. Baholash: 5 balli tizim asosida.
Kutiladigan natijalar	O'qituvchi: Men mavzuni qisqa vaqt ichida barcha o`quvchilar tomonidan o`zlashtirishlariga erishaman. O`quvchi faolligini oshirish uchun yangi pedagogik usullardan foydalanaman. O`quvchilarda fanga nisbatan qiziqish uyg'onadi. Bir soat dars davomida barcha o`quvchilar baholanadi. O`quvchilar mavzuning ma'nolarini to'g'ri tushunib yetishni va xotirasida saqlashni, boshqalarga yetkazishga o'rganadilar. O'quvchi: O`quvchilar Zulfiyaning hayoti va ijodi haqida mustaqil bilim va fikrga ega bo'ladilar. Mustaqil fikrlashni o'rganadilar. Nutqi rivojlanadi. Qisqa vaqt ichida ko'p ma'lumotga ega bo'ladilar.
Kelgusi rejalar	O'qituvchi: Yangi pedagogik texnologiyalarni yanada chuqurroq o`zlashtirish va darsda tadbiiq etish, AKT vositalaridan unumli foydalanish yo'llarini o'rganish. O'quvchi: Mustaqil ishlashni, diqqat qilishni, guruh bo'lib ishlashni, o'zgalarning, do'stlarining fikrini hurmat qilishni, sabrli bo'lishni o'rganish. O'z fikrini ravon bayon qilishga harakat qilish. O'rganilgan mavzu asosida qo`shimcha materiallar izlab topishga harakat qilish, ularni o'rganish. Do'stona muhitda, hamkorlikda ishlash ko`nikmasini shakllantirish.
Uyga vazifa	O`quvchilarga Zulfiyaning hayoti va ijodini o`rganish topshiriladi.

DARSNING BLOK CHIZMASI

T/r	Dars bosqichlari	Vaqt	Uullari	O'quvchi	O'qituvchi
1.	Darsning tashkiliy qismi	3 daqiqa	Shior, maqol tahlili	Fikr bildiradi	Fikrlarni umumlashtiradi
2.	O`tgan mavzuni mustahkamlash	6 daqiqa	Savol-javob	Ishlaydilar	Kuzatadi
3.	Yangi mavzu bayoni	12 daqiqa	"Klasster", "Yelpig`ich"	Ishlaydilar	Tushuntiradi, savol tashlaysi, fikrlarni to'ldiradi
4.	Yangi mavzuni mustahkamlash	14 daqiqa	Savol-javob, "Nihol o`stirish"	Ishlaydilar	Nazorat qiladi
5.	O`quvchilar bilimni baholash	3 daqiqa	Kartoshkalar miqdori aniqlanadi	Tinglaydilar	Eshittiradi
6.	Uyga vazifa	3 daqiqa	Zulfiya hayoti va ijodini o`rganish	Fikr bildiradi	Yo`naltiradi

Darsning borishi.

I. Tashkiliy qism: Salomlashish, davomatni aniqlash.

Dars sinf o'quvchilarini 3 guruhga bo'lishdan boshlanadi.

I guruh "Bilimdonlar", II guruh "Zukkolar", III guruh "Quvnoqlar".

II. O'tilgan mavzuni takrorlash:

O'tgan dars Abay Qo'nonboyev hayoti va ijodini o'rgandik. Tarqatma materiallar asosida takrorlanadi, savol- javob usulidan foydalaniladi. Har bir guruhga 3 tadan savol beriladi. Guruh a'zolarining javoblari rag'bat kartochkalari bilan baholanadi.

1. Abay Qo'nonboyev qachon, qayerda tug'ilgan?
2. Abay bastalagan nechta kuy hozirgacha sevib ijro etilyapti?
3. Shoir qanday she'rlar yaratdi?
4. Shoirning qanday dostonlari mashhur?
5. «Naqliya so'zlar» asari o'zbek tilida qanday nom bilan mashhur?
6. Abay asarlarini o'zbek tiliga qaysi shoirlar tarjima qilgan?
7. Abay qaysi sharq allomalari ijodidan bahramand bo'ldi?

III. Yangi mavzuni tushuntirish.

- E'zozlar, ardoqlar uchun tashakkur,

Asli siz oftobim, men ziyosiman.

Tonglaringiz kulsin, dorilomon hur,


Baxtim shul, o'zbekning Zulfiyasiman!

O'zbekiston xalq shoirasi Zulfiya Isroilova o'z ijodiy faoliyatida Vatanga muhabbat, vafu va sadoqat tuyg'usini, olijanob insoniy fazilatlarini, xalqining quvonchu tashvishlarini yuksak pardalarda tarannum etgan yorqin iste'dod egasi, yetuk badiiy asarlari, ibratli hayoti va ijtimoiy faoliyati bilan milliy adabiyotimiz va madaniyatimiz rivojiga, xalqimiz ma'naviyatini yuksaltirishga ulkan hissa qo'shgan betakror ijodkordir. Uning qaynoq misralari har bir kitobxonning ko'ngil mulkiga aylangan.

Zulfiya XX asr o'zbek adabiyotida, she'riyat va dostonchilikda sezilarli iz qoldirgan shoira 1915-yil 1-martida Toshkent shahrida hunarmand oilasida tug'ilgan. Shoiraning otasi temirchi edi. Uning onasi Xadicha opa xalq og'zaki ijodini yaxshi bilari va bolalariga turli xil qo'shiq, ertak, afsona aytib berardi. Avval boshlang'ich maktabda, so'ng xotin-qizlar bilim yurtida tahsil olgan.

1935-1938-yillarda O'zbekiston Fanlar akademiyasining Til va adabiyot instituti aspiranturasida o'qigan. Shundan keyin turli nashriyotlarda ishlagan. 1953-yildan 1980-yilgacha, qariyb o'ttiz yilga yaqin respublikamizda keng tarqalgan "Saodat" nomli xotin-qizlar jurnalida bosh muharrir bo'lgan.


Zulfiyaning dastlabki she'rlari "Hayot varaqlari" nomi bilan 1932-yilda bosilib chiqqan.



“Shalola”

Shoira “Quyoshli qalam”, “Mushoira”, “Xotira siniqlari” kabi poemalar yozadi.

Zulfiya keng tanilgan jamoat arbobi edi. U Osiyo, Afrika va Yevropaning o`nlab davlatlarida bo`lib, xalqaro xotin-qizlar hamda adabiyot namoyondalarining harakatlarida faol ishtirok etar edi. Uning she`rlari



kabi juda ko`p xorijiy tillarga tarjima qilingan.

Zulfiyaning ijodiy kamolotida turmush o`rtog`i Hamid Olimjonning ta`siri, shubhasiz, katta bo`ldi. Hayotda ham, ijodda ham hamfikr, hammaslak Hamid Olimjonning bevaqt vafoti shoira ruhiyatiga qattiq ta`sir qiladi. Shoirsiz kechgan bahorlar Zulfiya uchun juda og`ir o`tdi.

Hijroning qalbimda sozing qo`limda,
 Hayotni kuylayman chekinar alam.
 Tunlar tushimdasan, kunduz yodimda,
 Men hayot ekanman, hayotsan sen ham.

Shoira Hamid Olimjon Haqida shunday deydi: “Hayotimning o`n yili.

Hamid Olimjon bilan hamnafas va hamqadam o`tgani men uchun baxt bo`ldi. Ulkan shoir, o`z ona tili va adabiyotining bilimdoni, kam uchraydigan qobiliyat va intizom sohibi Hamid Olimjon qalbim va ruhimga uyg`un hamrohim va sezgir maslahatchim ham edi. Men fikrlashni, mehnat qilishni va she`r yozishni o`rgandim. Uning ijod maktabida ta`lim oldim”.

Zulfiya Hamid Olimjonning “Semurg”, “Zaynab va Omon” dostonlari asosida p`esa va opera librettosini yaratdi.

Zulfiyaga O`zbekiston Xalq shoirasi unvoni, “O`ylar”, “Shalola” she`riy to`plamlari uchun Hamza nomidagi Respublika Davlat mukofotiga sazovor bo`lgan. Hind mavzusidagi she`rlari uchun Javaharlal Neru nomidagi xalqaro mukofotga, tinchlik va do`stlikni tarannum etuvchi asarlari hamda taraqqiyparvar Osiyo va Afrika yozuvchilari harakatidagi faol ishtiroki uchun esa xalqaro “Nilufar” mukofotiga sazovor bo`lgan shoira 1996-yil 81 yoshida vafot etdi.

1999-yil 10-iyunda yurtimizda Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti ta`sis etildi. Hozirgi kunda 200 nafardan ziyod iqtidorli qizlar ushbu mukofotga sazovor bo`ldi.

2008-yil 1- mart kuni poytaxtimizda O`zbekiston xalq shoirasi Zulfiyaxonim haykali ochildi.

Zulfiya haqida zamondoshlari shunday deydi.

“Sizning ovozingiz hamisha tetik. U kishiga quvonch bag`ishlaydi, uni go`zal hissiyotlar bilan to`la dunyo sari chorlaydi. Natijada hayot to`kislik va aniqlik kasb etadi”. (Nikolay Tixonov).

“Zulfiya she`riyati zamonaviy o`zbek she`riyatining porloq sahifasini tashkil etadi. Zulfiya faqat o`z she`rlarida gavdalangan yetuk ayol timsoligina emas, balki u mukammal shaxs hamdir. Go`zal zamonamizda shakllanib, kamolga yetgan shaxs” (Chingiz Aytmatov).

“Zulfiyaxonim she`rlarida tong timsoli, tong tasviri buyuk erk, buyuk baxt, buyuk davr, buyuk va yorug` dunyo timsoliday jaranglab ketganligi va hanuz o`shandoq jaranglab turganligi hech kimga sir emas, hammasi faqat mehnatdan, uzluksiz mehnatdan”. (Mirtemir).

“Zulfiyaning she`rlari bolalarni Vatanga sadoqat, odamlarga mehr, tabiatga muhabbat ruhida tarbiyalaydi”. (Erkin Vohidov)

IV. Yangi mavzuni mustahkamlash:

Yangi mavzu “Nihol o`stiramiz” usuli orqali mustahkamlanadi. Bunda har bir guruhga 1 donadan oq qog`oz beriladi. O`quvchilar bu usul asosida yangi mavzu bo`yicha olgan bilimlarini mustahkamlashadi. O`quvchilar qog`ozga nihol chizadi va niholni parvarishlab o`stiradi. O`quvchilar yangi mavzu yuzasidan olgan bilimlari bilan niholni parvarishlaydi, har bir olgan ma`lumot bilan niholda bitta shox paydo bo`ladi. Shu tariqa nihol katta bir daraxtga aylanadi va o`qituvchiga o`quvchilar yangi mavzuni qay darajada o`zlashtirganini aniqlashda qulaylik yaratadi. Bunda o`quvchilarning tasviriy san`at faniga bo`lgan qiziqishini, daraxtni qay darajada tasvirlashi orqali ularning fikrlashini rivojlantirib boradi. Tabiatga bo`lgan mehr-muhabbati ortadi.

V. O`quvchilar bilimini baholash.

Rag`bat kartochkalari aniqlanadi va o`quvchilar bilimi baholanadi.

VI. Uyga vazifa. Zulfiya hayoti va ijodini o`rganish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Maktabda Zulfiya ijodini o`rganish: o`quv qo`llanma, H. Hasanova – Toshkent: O`zbekiston 2009-y. 72-b.
2. Kelajak avlod jurnali: Sadoqat timsoli Zulfiya. №1 (92)2015-yil
3. Ma`rifat gazetasi: She`riyat yulduzi. №02 (146) 2015-yil

Муҳаббат Салаева Сабуровна
(Урганч, Ўзбекистон)

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аннотация: В данной статье рассматриваются особенности применения элементов современных педагогических технологии в начальных классах.

Ключевые слова: Современные педагогические технологии, технология образования, методическое мастерство, цель обучения, содержания обучения, метод обучения, способность.

Annotation: This article discusses the features of the use of elements of modern educational technology in primary school.

Key words: Modern pedagogical technologies, educational technology, methodological mastery, the purpose of teaching, the content of teaching, the method of teaching, the ability.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим тизимида илгор педагогик технологияларни жорий қилиш, уларни ҳар томонлама ўзлаштириш зарурлиги кўп қарра такрорланади. Жойларда педагоглар билан ўтказилган мулоқотлар шундан далолат берадики, уларнинг аксарияти замонавий педагогик технологияларни бир томонлама англайдилар, кўпинча уни «янги методик жараён» деб ҳисоблайдилар.

Тўғри, таълим технологиясида ўқув–тарбия жараёнини методик таъминлашга катта имкониятлар бор. Педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқитувчиларнинг методик маҳоратини ошириш масаласининг бир томони холос. Кенг маънода эса ўқув–тарбия жараёнининг яхлит тарзда, мазмунли амалга ошириш техникаси, унинг пировард натижалари самарадорлигини белгиловчи омил, ўқитувчи, кадрларни маҳоратга, самарали меҳнат қилишга етакловчи йўлдир.

Педагогик жараёнда муайян мавзу, фан асосларидан ўқувчиларга кўникма даражасида тез ва қулай билим бериш ҳам таълим технологиясини муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунда ўқитувчи маҳорати ҳам муҳим роль ўйнайди.

Педагог олим Р. Чориев фикрича, ўқитувчи маҳоратига тўрт йўл билан эришилади:

Биринчидан, ижодкорлик, изланиш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, қиёслаш, йўл қўйган услубий камчиликларни танқидий баҳолаб, уларни бартараф этиш, ўз иш фаолиятини янада такомиллаштириш устида тинимсиз ишлаш, пировард натижада ўз фаолиятининг мукаммал, ўзига хос шакл ва услубини белгилаб олиш орқали:

Иккинчидан, илгор ҳамкасблари иш тажрибаларини қунт билан ўрганиш, ўз шароити ва имкониятидан келиб чиқиб, уларни амалиётга тадбиқ этиш ва такомиллаштириб бориш орқали:

Учинчидан, хорижий педагогик тажрибаларни ижодий ўрганиш орқали:

Тўртинчидан, республикамизда ва хорижий мамлакатларда чоп этилаётган педагогик технологиялар ва методик янгиликларни узлуксиз тарзда кузатиб бориш орқали.

Ҳозирги замон таълимида бу тўрт омилни сидқидилдан бажармай туриб, ўқитувчи ўз фаолиятида арзигулик ютуқларга эришмоғи амри маҳол. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда вазирлик томонидан ўқитувчининг ҳам илмий, ҳам методик, ҳам таълим технологияси талабларини ўрганиб олишларига ёрдамлашиш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда ҳалқ таълими вазирлигининг бевосита мутахассислигидаги илмий-услубий журнал, газеталар педагог, ходимларга янги педагогик технологиялар моҳиятини тушунтириш бўйича методик ёрдам бермоқда. Республика миқёсида кўплаб семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Семинарларда қизиқарли тренинглар ёрдамида ўқитувчиларнинг янги педагогик технологиялар, интефаол усуллардан самарали фойдаланиш борасидаги билим ва тажрибаларини бойитишга ҳаракат қилинди. Бундай семинар-тренинглар республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Нега таълим замонавий педагогик технологияларга асосланиши лозим?. Нима учун анъанавий ўқитиш методикаси замон талабларига жавоб бермайди?. Замонавий таълимдаги ечилмаётган муаммолар фақат анъанавий методиканинг камчилигимиди?. Бу каби табиий саволларга атрофлича жавоб бериш мақсадида замонавий методиканинг асосини ифодаловчи куйидаги фикрларга эътибор берайлик.

Таълим мазмунидаги узлуксизликни таъминлаш таълимнинг мақсад, мазмун, метод, восита, шакл ва унинг жараёнлари каби таркибий қисмлари орасидаги бузвийликка боғлиқ. Чунки, таълимда ҳар бир фанни ўрганиш мақсади (нима учун ўқитиш керак?)дан келиб чиқувчи ўқув дастури ва ДТС талабларига мос ўқув мазмуни танланади. Таълим мазмуни (нимани ўқитиш керак?) ўзлаштириш учун эса қулай бўлган методлар танланади. Танланган методлар (кимни ва қандай ўқитиш керак?) ёрдамида мазмун эгалланади. Сўнгра таълим учун тайёрланган воситалар (кўргазмали ва техник воситалар) ва таълим жараёни, унга етарли даражада мос унинг машўлот шакли танланади.

Фан ва техниканинг, жумладан, педагогика, психология, методика фанларининг ривожланиши таълим мазмуни ва унинг методларига янги талабларни қўяверади, яъни бу ривожланиш муаммоларни келтириб чиқаради. Таълим мазмуни жамият талабига жавоб бермай тез-тез эскириб қоладиган ҳолатлар ҳам кўп учрайди.

Анъанавий методикада ўқувчи шахсининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда билимини кўникмага ундан эса малакагача ривожланишини таъминловчи механизм яратилмаган. Ўқитувчи ўқувчига асосан ахборот берувчи манба ҳисобланади, яъни билим олишда: ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш: ўрганилган ахборотларни амалда қўллаш билишнинг 3 та босқичдан иборат моделига риоя қилавермайди. Дарс жараёнида олинган билим кейинги поғанага яъни фаоллашув поғонасига кўтарилмайди. Анъанавий методикада яратилган жуда кўп тавсия ва назариялар амалда қўлланилмайди ёки қўллашга ноқулай. Шу боисдан таълимда юзакичиликка

йўл қўйилади. Таълим жараёнида мақсад, мазмун, метод, восита ва шакл орасида зиддиятлар эса таълим самарадорлигига эришишда асосий тўсиқ бўлмоқда.

Хўш, таълим жараёни олдида қўйилган мақсадга тўлақонли эришиш учун авваламбор, нималарни эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор?

Бу саволга жавобни излашда биз проф. Р. Мавлонованинг бу борадаги фикрларини келтиришни жоиз деб билдик: «Республикамизда таълим жараёнини самарали ташкил этиш масаласи бўйича изланишда ўқитишнинг янги усуллари аста-секин мустаҳкам ўрин олмоқда. Бундай усулларга муаммоли вазиятни ташкил этиш, гуруҳлар билан ишлаш каби усулларни киритишимиз мумкин. Лекин ўқитишнинг янги усуллари асосан мактабнинг юқори синфларида самарали қўлланиб келинмоқда. Хўш, бошланғич таълимда нималар бўлаётир?»

Бошланғич мактаб ҳар қандай ҳолда ҳам ўқувчиларда билимларни шакллантиришда ва уларнинг қобилиятларини аниқлашда асосий роль ўйнайди ва ундан кейин ҳам шундай бўлиши керак. Аммо бошланғич мактабдаги барча ўқитувчилар болаларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш учун тегишли ишларни амалга ошираётирми? Масалан, нима учун юқори синфларда аъло баҳога ўзлаштирадиган болалар сони камайиб бормоқда?

Мактабни битта ёки иккита ўқувчи олтин медаль билан битиришини қандай тушуниш керак? Истеъдодли, қобилиятли болалар йўқми ёки ўқитиш жараёни шунчалик самарасиз бўлиб қолганми? Буларнинг сабаби нима? Сабаби кўп. Биринчидан, бошланғич синф ўқитувчиси болалар билан индивидуал иш олиб бориш имконияти чекланган. Синфларда бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш зарур. Иккинчидан, мазкур ўқитувчиларнинг методик савияси етарли эмас. Синфдаги умумий ишлар жараёнида қобилиятли болаларнинг ижодий имкониятлари чекланиб қолмоқда.

Улар ўз қобилиятларини кўрсата олмаётир. Ўқитувчи кучи ва эътибори бутун синфга қаратилиб, қобилиятли болалар кўзга ташланмаётир. Умумий айтганда, хусусан болаларни саралаш ва ўқитишга бошқача ёндашиш билан уларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш керак».

Анаъанавий дарс ўтиш жараёнида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлар фойдаланилади. Шу сабабли бу ҳолларда анаъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнинг пассив иштирокчисига айланиб қоладилар. Болаларда бетиним жиддий дарс беравериш, устма-уст назарий билимлар, қоидалар билан қуроллантиравериш уларни ўқишдан бездириб қўяди. Кичик мактаб ёшидаги болаларида бундай ҳол кўп учрайди. Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Анаъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда дарс жараёни оқилона ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил ривожлантириб турилиши, ўқув мавзунини кичик-кичик бўлақларга бўлиб уларнинг мазмунини очишда баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисоллар келтириш, ўқувчиларни амалий машғулотларни мустақил бажаришга ундаш, ҳар хил

баҳолаш усуллари ва таълим воситаларидан жойида ва ўз вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Педагогик технологиянинг кенг миқёсда таълим жараёнига тадбиқ этилаётганлигининг боиси шундаки, унда ўқув мақсадларига гаровли эришилади.

Технологик ёндашувнинг энг аввало юзакичиликка эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи самарали ёндашув эканлигини англаган ўқитувчилар уни ўз фаолиятларига тадбиқ этмоқдалар.

Жумладан, олий тоифали ўқитувчи Ҳ. Раҳматуллаева ил'ор педагогик технологияларнинг афзаллиги ҳақида шундай дейди: «Ўқитишнинг ил'ор педагогик технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этаётганлигим боис ўқувчиларнинг дарс ўзлаштириши сифати ошиб бормоқда. Болаларда эркин фикрлаш, ўз фикрини мустақил баён этиб бериш, кўпроқ билишга интилиш ортмоқда, улар хотирасида ўтилган мавзулар кўпроқ сақланиб қолишга эришмоқдаман».

Анъанавий ўқув жараёнида асосий омил-педагог (ва унинг фаолияти) ҳисобланса, педагогик технологияда биринчи ўринда ўқиш жараёнидаги ўқувчилар фаолияти қўйилади. Бу эса ўқувчининг нафақат таълим жараёни объекти, балки уни таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида намоён бўлишига имкон беради.

Ўсиб келаётган ёш авлодда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, со'лом ва баркамол наслни тарбиялаб этиштириш мураббийларнинг муҳим бурчидир. Чунки мустақил фикрловчи ўқувчиларгина келажақда ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб етишиб, мустақил республикамизни ил'ор жаҳон давлатлари қаторига олиб чиқадилар.

Шу ўринда психолог олима З. Нишонovanинг «Мустақил фикрлашга ўргатиш» номли мақоласидаги қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш ўринлидир: «Ҳозирги давр ўқитиш тизими ҳам кўпроқ хотирани ривожлантиришга қаратилган. Бироқ айрим ўқитувчиларда бугун бир мавзунинг тушунтириб, тайёр ҳолда ўқувчиларга етказиб бериб, эртасига шу мавзунинг мазмунини сўраши ёки шеърни ёд олишга бериш ҳоллари кўпроқ учрайди. Бундай дарсда ҳеч қандай муаммоли вазият яратилмайди ва бунинг натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига имкон берилмайди. Ўқитувчиларнинг ўзлари ўқувчиларнинг мустақил фикр юрита олмаслигини билишади. Лекин қандай қилиб ўқувчида мустақил фикр юритиш қобилиятини шакллантириш мумкин? - деб берилган саволга жавоб беришга қийналадилар».

Олима Ж. Толипованинг фикрича: «Фикр-бу инсоннинг фаолияти, иқтидор, қудрати ва билимини намоён этадиган маънавий, ахлоқий, инсоний сифатидир. Фикр ривож жамият ижтимоий, иқтисодий тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлганлиги учун, ўқувчиларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини тўри топиши, ижодий ва ижтимоий фаол бўлишини назарда тутган ҳолда ўқитиш жараёнида уларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш зарур»дир.

Айни кунда республикамиз таълим фидоийлари дарс беришнинг ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи усул ва услубларини жорий қилишмоқда. «Ақлий ҳужум», «Музёра», «Интервью», «Дебат», «Баҳс-

мунозара», «Гуруҳларга бўлиб ишлаш», «Интерфаол», «Кластер», «Чигил ёзди», «Конференция», «Семинар» каби кўплаб дарс бериш усуллари бугунги кунда ўқитувчиларимиз томонидан самарали қўлланиб келинмоқда.

Аmmo шундай муаммолар борки, айрим ўқитувчилар томонидан бу усуллар нотўри ва самарасиз фойдаланилаяпти. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда ўз касбини, қолаверса, ўз мутахасислигини билмайдиган ўқитувчиларга бу усуллар жуда маъқул бўлмоқда. «Янги педагогик технологиянинг талаби шу», «ўқувчиларни мустақил ўқишга ва фикрлашга ўргатаёпмиз» деган баҳоналарда дарсга тайёргарликсиз келадиган ўқитувчилар ҳам анчагина. Ўқитувчи қайси мавзуни қайси дарс ўтиш усули ва услубларидан фойдаланган ҳолда ўргатишни олдиндан режалаштирмади лозим. Ҳар бир дарсни қайси усул ва услублардан фойдаланган ҳолда олиб борса, самарали бўлишини аниқ билиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар (ўзбекча таржимаси).- ГулДУ.1999.
2. Нишонова З. Мустақил фикрлашга ўргатиш //«Меҳнат таълими меҳнат ўқитувчиси» журнали. 1999. №3.
3. Чориев Р. Янги педагогик технологиялар-таълим тарбия сифат ва самарадорлиги омили //«Халқ таълими» журнали. 2004. №4.
4. Толипова Ж. Ўқувчидарсларида мустақил фикрлаш фаолиятларини ривожлантириш омиллари //«Халқ таълими» журнали. 2004. №2. 32 б.

**Тангиров Абдухамит Жуманович
(Жиззах, Ўзбекистон)**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

Маълумки, таълим тизимига инновацион технологияларни жалб этиш орқали нафақат таълимнинг сифат кўрсаткичини ошириш, балки жамият тараққиётига эришишнинг асосий омили сифатида ёндашиш ўтган асрнинг иккинчи яримидан бошлаб, жаҳоннинг кўпгина илғор давлатлари зиёлиларнинг диққатини ўзига торта бошлади.

Таълим сифатини оширишда инновацион технологияларни қўллаш, бунинг учун эса малакали мутахассис зарурлигини инobatга олиб, бу борада олий таълимда профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жамият тараққиётига эришишда таълим сифатини ошириш, олий таълим педагог кадрлар касбий компетентлигининг аҳамияти борасида дунёнинг кўпгина мамалакатларида қатор фикрлар билдирилди.

Жумладан, Англияда 1981 йилда “Миллий касбий малака стандартлари” ва мутахассисларни тайёрлаш янги дастурлари қабул қилинди. Унда XXI аср арафасида янги қабул қилинган «2000-йилдаги таълим стратегияси» дастури эълон қилинди.

Мамлакатда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан, 50 фоизини фирма (концерн ва синдикатлардан) ундирилиши, қолганларини олий ўқув юртларининг манбалари ташкил қилиниши йўлга қўйилди.. Бундан ташқари, таълим стратегиясида ўқитувчининг компетенцияси ва инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Ушбу ҳужжатларда педагогнинг касбий компетентлигига қуйидагилар киритилди:

- жисмоний, маънавий, руҳий, таълим ва тарбиявий жиҳатдан назорат қилиш;
 - ўқиш жараёнидаги ўрганиш назарияси ва тамойилларини тушунтириш;
 - мавзуга доир ўқув режаларни ишлаб чиқиш;
 - таълимни бошқариш;
 - инновацион ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш;
 - ўқувчиларнинг ўз салоҳиятини потенциал ривожлантиришга қўмаклашиш;
 - талабалар билан самарали мулоқатлар ўтказиш;
 - баҳолаш жараёнларини ўтказиш ва натижаларини ўрганиш;
 - таълимда баҳолаш мезонларидан фойдаланиш;
 - таълим сифатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш,
- ўқувчиларнинг билим салоҳиятини ва англаш даражасини аниқлаш.

Шунингдек, ўқитувчи дарсга таъллуқли топшириқларни режалаштириш, ўқитишни бошқариш ва талабалар билимини баҳолаши керак” [1].

Францияда XX асарнинг 70 йилларида таълим тизимидаги асосий масалалаларига ўқитувчи компетенлиги ошириш объекти сифатида ОТМ профессор–ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини жорий қилди.

Ушбу мақсадни амалга оширишда 2007 йилда “Олий таълим тўғрисида” қонунининг 43-45 моддаларига ўзгаришлар киритилди[2, 28-30]. Унда Франция ОТМ профессор-ўқитувчилар фаолиятидаги сифатига қуйидаги талаблар қўйилган:

1. Ўқитувчи давлат ҳимоясида; ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзининг давлат олдидаги маъсулиятини сезади;
2. Она тилини яхши билиш; она тилида аниқ, равон, ифодали фикрини тушунтириши ва ўқувчиларни ҳам саводли қилиб ўқитиш;
3. Прогностик компетенцияси; ўқитувчи ўзининг мутахассислиги билан биргаликда бошқа фанларни ҳам билиши, тажрибали ўқитувчилардан ўрганиб, ўзининг инновацион ва янги модулларини ярата билиши;
4. Ўқитувчилар таълим тизимида ўзининг концепциясини ишлаб чиқиш;
5. Ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши, ҳар бир ўқувчининг шахсий қобилиятига эътиборли бўлиши;
6. Талабаларни баҳолай олиш компетенцияси;
7. Мультимедиа компетенциясига эга бўлиши (камида АКТни В2 даражада билиши);
8. Жамоода ишлаш компетенцияси;
9. Ўқитувчи бутун ҳаёти билан таълимни боғлаши.

Шунингдек, Европа Иттифоқининг “Ўқитувчи компетенциясини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш” 2013 йилда чиққан китобида қуйидагилар баён этилади: Ўқитувчилар роли ўзгариб бормоқда. Шунинг учун улардан кутиладиган нарсалар қуйидагича: ўқитувчилар турли маданиятга эга бўлган синфларда махсус эҳтиёжларга эга бўлган талабаларни уйғунлаштирган ҳолда ўқитиши, ахборот технологиялардан муваффақиятли, баҳолаш жараёнларига боғлиқ ҳолда фойдаланиши ва ота-оналарни мактабларга жалб этиши талаб этилади.

Жаҳон Саммити сўнги изоҳига кўра, ўқитувчилар талабаларнинг нафақат “ўқитиш ва синов учун осон бўлган қобилиятлар”ни эгаллаб олишига, балки янада муҳимроғи, фикрлаш йўллари (яратувчанлик, танқидий фикрлаш, қарор қабул қилиш ва ўрганиш); ишлаш йўллари (мулоқот ва ҳамкорлик) ва фуқаролик, ҳаёт, карьера, шахсий ва ижтимоий жавобгарлик, маъсулият ҳақидаги қобилиятларни эгаллашга ёрдам беришлари зарурдир [3, 39].

Шундай қилиб, профессор-ўқитувчилар бугунги кунда ўз касбий компетентлигига доимий равишда инновацияларни жалб этиш ва уларни мослаштириб бориши керак.

Эътироф этиш лозимки, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган самарали миллий моделини яратишда муҳим омил бўлди.

Ушбу тизим таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, таълимни ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида комплекс ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, мамалакатда худди Францияда бўлгани каби олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш масаласига қаратилаётган эътибор кучайтирилди. Ўзбекистонда олий ўқув юртлари педагогик кадрлар салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи малака ошириш механизми тубдан ислоҳ этилди. “Электрон таълим” миллий тизими ёрдамида масофадан туриб педагогик кадрлар малакасини ошириш тажрибаси амалиётга татбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонида мувофиқ олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ўқитиш шакллари ва усулларини, педагог кадрлар таркибининг сифат даражасини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 103-сонли қарори қабул қилиниб, Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини такоран ўзлаштириши асосий ишдан ажралмаган ҳолда курсларнинг ўқув дастурларини мустақил равишда ёки масофадан ўқитиш усуллари орқали ўзлаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу ҳужжатлар орқали қуйидагилар олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари деб ҳисобланди:

- олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

- юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш;

- олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларининг фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши;

- олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг фойдаланиши.

Олий таълим раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими олдида қўйилаётган талабалар педагог кадрларнинг

касбий компетентлигини оширишга тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини оширишга, пировард натижада жамият тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, таълимга инновацион технологияларни тадбиқ этиш ва улардан фойдаланишда профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентликни ривожлантиришга бир қанча омиллар зарур.

Глобаллашув шароитида инновацион таълим технологиялар компетентли ёндашув ва ахборот коммуникацион технологиялар билан боғланган ва уларни билиш ҳамда улардан фойдаланиш замон талабидир.

Компетентлик билан ёндашишга қизиқишнинг сабаби – бозор муносабатларининг ривожлантирилиши ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари бугунги кунда ўз маҳоратларига доимий равишда инновацияларни жалб этиб, ўз касбий компетентлигини ривожлантириб бориши шарт.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Sanjaya W. Lesson In Competency Based Curriculum Implementation. Prenada Media. Jakarta. 2005.
2. Гордиенко Н. Е. Профессионализм и компетентность в системе высшего педагогического образования Франции. Коломна 2013. Стр. 28-30.
3. European Commission (2012 c). Supporting the Teaching Professions for Better Learning Outcomes. Strasbourg, 20.11.2012. SWD (2012) 374 final. P. 39.

**Tangirova Dilbar Eshboyevna
(Jizzax, O'zbekiston)**

AQLI ZAIF BOLALARNING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI

Aqli zaiflikni o'rganish masalalari defektologiyada muhim masalalardan biri hisoblanadi. Ular bilan nafaqat oligofrenopedagoglar, balki psixologlar, nevropatologlar, psixiatrlar, embriologlar, genetiklar va boshqa mutaxassislar ham shug'illanadilar. Aqli zaiflikka bo'lgan e'tibor kuchayishining sababi shundaki, bu turdagi anomaliyaga ega bo'lgan odamlar soni kamaymayapti.

Bu haqida butun dunyo statistikasida ma'lumotlar berilmoqda. L.S. Vigotskiy, L.R. Luriya, K.S. Lebedinskoya, V.I. Libovskiy, M.S. Pevzner, G.P. Suxaryova va boshqa olimlarning tadqiqotlari aqli zaiflikka faqatgina turg'un holat sifatida emas, balki bosh miya po'stoqlarining organik jarohatlari natijasida kelib chiqadigan bilish faoliyatlarining nuqsoni sifatida qarashga asos bo'ladi. Aynan bu belgilar (turg'unlik, nuqsonning organik kelib chiqanligi) aqli zaiflikni diagnostikasida birinchi navbatda inobatga olinishi kerak [1].

Aqli zaiflik – bu shunchaki aql miqdorining kamligi emas, balki markaziy nerv sistemasining organik jarohatlanishi natijasida barcha psixikaning, shaxsiyatning butunligicha sifat jihatdan o'zgarishidir. Bu shunday rivojlanish nuqsoni, unda faqatgina intellekt emas, balki hissiyot, iroda, xulq, jismoniy rivojlanish ham zararlantadi. Aqli zaif bolalarning patologik rivojlanishining bunday diffuz xarakteri ularning oliy nerv faoliyati xususiyatlaridan hosil bo'ladi.

L.R. Luriya, V.I. Libovskiy, A.I. Mesheryakov, M.S. Pevzner va boshqalarning tadqiqotlari shuni ko'rsatadiki, aqli zaiflarda shartli reflektor faoliyatida yetarlicha qo'pol o'zgarishlar, qo'zg'alishlar va tormozlanish jarayonlarining nobolansligi, signal tizimlarining o'zaro aloqasidagi buzilishlar kuzatiladi. Bularning barchasi bolaning anomal psixik rivojlanishining fiziologik asoslari hisoblanadi (bilish jarayonlari, hissiyotlar, iroda, shaxsiyatni hisobga olgan holda).

Aqli zaiflar uchun bilish qiziqishlarining rivojlanmaganligi xosdir (I.G. Morozova). Bu ularning o'z tengdoshlariga qaraganda bilishga bo'lgan ehtiyojlarining kamroqligida namoyon bo'ladi.

Tadqiqot natijalari ko'rsatishicha, aqli zaiflarda bilish jarayonlarining barcha bosqichlarida rivojlanmaganlik elementlari topiladi, ayrim holatlarda esa psixik funksiyalarning atipik rivojlanishi kuzatiladi. Buning natijasida bolalar atrof-muhit, atrof-olam haqida to'liq bo'lmagan, buzilib ko'rsatiluvchi tasavvurlarga ega bo'ladilar. Ularning tajribasi juda kambag'al. Ma'lumki, aqli zaiflikda ilk bilish jarayoni idrok ham kata nuqsonli bo'ladi. Aqli zaiflar ko'proq eshituvning, ko'ruv qobiliyatining pastligi, nutqning rivojlanmaganligi tufayli idrok zararlantadi. Analizatorlar saqlangan holda esa, bu bolalarning idroki bir qator xususiyatlari bilan farq qiladi.

K.A. Veresotskaya, V.G. Petrova, J.I. Shif kabi psixologlarning tadqiqotlari natijasi yuqoridagi fikrimizni to'g'riligini ko'rsatadi. Asosiy nuqson idrokni umumlashtirishdagi buzilish hisoblanadi. Bu normal bolalar bilan solishtirganda, tempning sekinligi bilan ko'zga tashlanadi. Aqli zaif bolalarga ularga taklif qilingan material (rasm, matn)ni idrok qilishga sezilarli darajada ko'p vaqt talab qilinadi. Idrokning sekinligi yana shu bilan chuqurlashadiki, aqliy rivojlanmaganlik tufayli ular

asosiy materialni ajrata olmaydilar, qismlar va personajlar orasidagi o'zaro bog'liqlikni tushunmaydilar. Shuning uchun ularning idroki kam differenzlashganligi bilan ham ajralib turadi. Bu xususiyatlar ta'lim jarayonida bilishning sekinlashgan tempi bilan, o'quvchilarning grafik jihatdan o'xshab ketadigan harflarni adashtrishlari, o'zaro yaqin tovushlarni, shu bilan birga raqamlar va predmetlarni adashtrishlarida namoyon bo'ladi. Shuningdek, idrok hajmining kichikligi ham ko'zga tashlanadi.

Idrok qilish kamchiliklarining barchasi ushbu jarayon faolligining yetarli emasligida to'planadi. Buning natijasida keyinchalik materialni tushunishning imkoniyatlari pasayib boradi. Ularning idrokini boshqarib turish kerak. Buni faqat ularning emotsional reaksiyalari bilan emas, balki idrok jarayonining sustligi bilan tushuntiriladi. Ular mustaqil ravishda hech narsani ko'rib chiqa olmaydilar, ularga doimiy turtki kerak. O'quv jarayonida bu shunga olib keladiki, o'quvchilar pedagogning rivojlantiruvchi savollarisiz o'zlari tushuna oldigan topshiriqni ham bajara olmaydilar. Aqli zaif bolalar fazoviy va vaqtni mo'ljal olishga qiynaladilar. Tez-tez hatto 8-9 yoshli bolalar ham o'ng va chap tomonni topa olmaydilar, oshxona, hojatxonaga borsalar adashib qoladilar. Ular vaqtni aniqlashda soatlarda, hafta kunlarida, yil faslarida adashadilar. O'z tengdoshlariga qaraganda ancha kech ajratishni boshlaydilar. J.I. Shifning ma'lumotlariga qaraganda, 14% holatlarda aqli zaif bolalar to'q-ko'k rang namunasi asosida to'q-yashil rangli ob'yekt tanlangan. Umumta'lim maktabi o'quvchilarida bunday holat ko'zga tashlanmaydi.

Idrok tafakkur bilan o'zaro bog'liqdir. Agar o'quvchi o'quv materialini faqat tashqi tomondan idrok qilgan bo'lsa-yu, undagi asosiy mazmuni ilg'ab olmagan bo'lsa, topshiriqlarni tushunish, o'zlashtirish, bajarishda qiyinchiliklar tug'iladi. Tafakkur bilishning asosiy quroli hisoblanadi. U analiz, sintez, taqqoslash, umumlashtirish, abstraksiya, aniqlashtirish kabi operatsiyalar shaklida yig'iladi. V.G. Petrova, V.I. Penskiy, I.M. Solovyov, N.M. Stadnenko, J.I. Shif va boshqalarning tadqiqotlari ko'rsatishicha, bu barcha operatsiyalar aqli zaiflarda yetarlicha shakllanmagan va o'ziga xos chizgilarga ega [1].

Predmetlarni analiz qilishni ular tizimsiz ravishda amalga oshiradilar, bir qator muhim xususiyatlarni o'tkazib yuboradilar. Faqatgina o'zlari ahamiyat bergan jihatlarigagina to'xtaladilar. Bunday analiz natijasida ular predmetning qismlari o'rtasidagi aloqani belgilashga qiynaladilar. Faqatgina ob'yektning kattaligi rangi kabi ko'zga tashlanadigan jihatlari belgilanadi. Predmetlarni analiz qilish jarayonida predmetning umumiy xossalari ajratiladi, ularning individual belgilariga esa ahamiyat berilmaydi. Analizning nomukammalligi sabab, sintez qilish jarayonida ham qiyinchiliklar yuzaga keladi. Predmetning alohida qismlarini ajratib, ularning butunligi yuzasidan tasavvurga ega bo'lmaydilar.

Aqli zaiflarda tafakkurning maxsus chizgilari taqqoslash operatsiyalarida yaqqol namoyon bo'ladi.

Predmetlar va hodisalarning asosiy ma'nosini ajrata olmaslik tufayli ular mavjud bo'lmagan va ko'pincha mos tushmaydigan belgilarni taqqoslaydilar. O'xshash predmetlarning farqlarini, farq qiluvchi predmetlarning esa umumiy tomonlarini topishga qiynaladilar. Ayniqsa, o'xshashlikni topish aqli zaif bolalar uchun anchayin murakkab. Masalan, qalam va ruchkani solishtirib, ular shuni aniqlaydilar: uzunligi o'xshash, yana terisi ham bir xil.

Aqli zaiflarning tafakkurining farqli jihatlari notanqidiylik, o'z ishini mustaqil baholay olmaslik hisoblanadi. Ular ko'pincha o'z xatolarini sezmaydilar. Bu ayniqsa, psixik kasal bolalarda yaqqol namoyon bo'ladi, yana bosh miyaning peshona qismlari zararlangan. Ular o'z muvoffaqqiyatsizliklarini ko'rmaydilar va o'zlari, o'z ishlaridan doimiy mamnun bo'ladilar. Barcha aqli zaif bolalar uchun fikriy jarayonlarning faolligining susayishi va tafakkurning to'g'irlovchi roli sustligi xosdir. Aqli zaiflar odatda, yo'riqnomani oxirgacha eshitmay turib, faoliyatning ikkinchi rejasiz, o'z-o'zini yaxshi nazorat qilmay ishni bajarishga kirishib ketadilar.

Bolalarning idroki va o'quv materiallarini fikrlashi ularning xotiralarining o'ziga xos xususiyatlari bilan uzviy bog'liqdir. Xotiraning asosiy jarayonlari bo'lmish – eslab qolish, esda saqlash va uni aytib berishda aqli zaif bolalar o'ziga xos xususiyatlariga ega. Chunki bu jarayonlar ularda anomal rivojlanish sharoitida shakllanadi. Ular tashqi belgilarini, ba'zan tasodifan ko'ruv orqali idrok qilingan belgilarni yaxshi eslab qoladilar. Ammo ichki mantiqiy bog'liqliklar ular tomonidan qiyin bilib olinadi va eslab qolinadi. Aqli zaif bolalarda taassurotli eslab qolish normadagi tengdoshlariga qaraganda kechroq rivojlanadi.

L.V. Zankov va V.G. Petrovalarning ta'kidlashicha, aqli zaiflarda xotiraning pastligi faqatgina ma'lumotni olish va saqlashdagi qiyinchilarda namoyon bo'lmay, balki ularni aytib berishda ham ko'rinadi. Bu normal intellektdan aqli zaiflar intellektining asosiy farqidir.

Aqli zaif bolalarda nutqning buzilishi tizimli xarakterga ega. Ularda nutqiy faoliyat bilan bog'liq barcha harakatlarning u yoki bu darajada shakllanmaganligi namoyon bo'ladi. Aqli zaif bolalarda nutqiy bayon turli darajada buzilgan bo'ladi [3].

В то же время, социолингвист затрагивает и такие проблемы, как «язык и нация», «язык и культура», и в этом сближается с этнолингвистами В самом широком смысле этнолингвистика или антропологическая лингвистика занимается изучением взаимосвязей между языком и культурой. Ежи Бартминьский подчеркивает, что и для специалистов этой отрасли важно прийти через язык к тому, как человек (носитель языка) видит и понимает мир. Задача этнолингвистики, согласно Бартминьскому, «субъектная реконструкция культуры и изучение менталитета ее носителей (субъектов), их способов концептуализации мира, запечатленных в языке» [6; 23].

Существует еще такое понятие, как «этнопсихолингвистика», которая исследует национально-культурную специфику речевой деятельности и «этнопсихологическую детерминированность языкового сознания и коммуникации». Как уже было отмечено выше, эти отрасли знаний в некоторых своих областях тесно переплетаются с когнитивной лингвистикой. Так, в когнитивной психологии и психолингвистике исследуются связи между языком и мышлением, а в социолингвистике и этнолингвистике – связи между языком и социокультурным контекстом. Когнитивная лингвистика, по большому счету, объединяет оба ракурса, изучая взаимосвязи опыта, языка и мышления.

Вопросы когнитивной лингвистики рассматриваются учеными Узбекистана. Ш.С. Сафаров выполнил многографическое исследование на узбекском языке «Коммуникатив грамматика» (Ташкент, 2006 г), О вопросе когнитивной лингвистики У.К. Юсупов в своей работе «Теоретические основы сопоставительной лингвистики» исследует проблемы концепта отмечая, что понятие «концепт», «культурный концепт» является полезным и для сопоставительной лингвистики, ибо «язык – факт культуры, составная часть культуры, которую мы наследуем, и одновременно ее орудие».

Таким образом исходя из анализа истории развития когнитивной лингвистики народов разных стран можно рассмотреть их схожесть в целом, несмотря на своеобразный менталитет каждого народа в отдельности. Языковые размышление может выявить целое своеобразие языковые знаний областей бытия, всех тонкостей окружающего мира, как материального так и духовного каждого из народов несмотря на языковое различие когнитивной лингвистика народов разных стран имеет общее направление в развитии культуры языка.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ

1. Бодуэн де Куртенэ И. А. «Опыт теории фонетических альтернатив». – М.: 1963.
2. Кубрякова Е. С. «Части речи с когнитивной точки зрения». – М.: Наука, 1997.
3. Кубрякова Е. С. «Части речи с когнитивной точки зрения». – М.: Наука, 1997.
4. Кубрякова Е. С. «Части речи с когнитивной точки зрения». – М.: Наука, 1997.
5. Вержбицкая А. «Понимание культур через посредство ключевых слов». – М.: 2011.
6. Бартмицкий Е. «Этнолингвистика». – М.: 2005.

Маҳмудов Қодирхон Алимович
(Ташкент, Ўзбекистан)

АБУЛҲАСАН ИСБИЙЖОБИЙ САМАРҚАНДИЙ ВА УНИНГ “ШАРҲ МУХТАСАРИ-Т-ТАҲОВИЙ” АСАРИ

Резюме: Ушбу мақолада машҳур аллома Абулҳасан Исбийжобий Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида сўз юритилади. Шунингдек “Шарҳ мухтасари-т-Таҳовий” асарининг аҳамияти ва ёзилиш усули ёритилган.

В этой статье описывается жизнь и наследие великого мыслителя Абулхасан Исбиджабий Самаркандий и его важную работу и стиль написания «Шарх мухтасари-т-Тахаевий».

Мустақилликдан илгари ўтмиши, тарихи, ота-боболари қолдирган илмий меросни ўрганишдан маҳрум бўлган халқимиз, ҳозирда мавароуннаҳрда етишиб чиққан аллома аждодларнинг ҳаёти ва бебаҳо ижодларини ўргана бошлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миқёсида миллий маънавий меросни ўрганиш соҳасида жуда катта, самарали ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Мутафаккир аждодларимиз ўз даврлари учунгина эмас, балки келгуси авлодлар учун, келажак замон ва даврлар учун маънавий куч-қувват манбаси бўлган бебаҳо мерос қолдирганлар. Имом Бухорий, Термизий, Доримий каби муҳаддисларнинг ҳадис илмига, Нажмуддин Насафийнинг ақида илмига, Фаробийнинг фалсафага, Хоразмийнинг ҳисоб илмига, Абу Али ибн Синонинг тиббиёт илмига, Абу Райҳон Берунийнинг аниқ фанлар ва тарихга доир асарлари ва бошқа кўплаб олиму фозил аждодларимизнинг илмий, адабий ва ахлоқий мерослари ўз даврларидан кейин ҳам дунё халқларига йўл кўрсатиб келаятганлигига шубҳа йўқ. Диёримизда асрлар давомида шаклланган ва ривожланган фикр, шариат илмларининг моҳияти ва аҳамиятига бағишланган асарлар, шунингдек ҳуқуқшунослик мактабларининг Ислому оламида кўзга кўриниши шулар жумласидандир. Марказий Осиёда мазкур илмларга ҳиссасини қўшган алломалар кўплаб топилади. Улар ўз илмлари билан атрофга зиё тарқатиб, ўзларининг бор салоҳиятларини намоян қилганлар.

Шундай алломалардан бири Самарқандда фаолият олиб борган Абулҳасан Исбийжобий Самарқандийдир. Алломанинг тўлиқ исми Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Баҳоуддин Исбийжобий Самарқандий. Абулҳасан деб куня берилган. Шайху-л-Ислому, Алоуддин, Баҳоуддин ва Қутбуддин номлари билан лақабланган. Ҳанафий [5, б. 697], Исбийжобий ва Самарқандий [1, б. 375; 2, б. 329] дея нисбат берилган. 454/1062 йил Исбийжобда туғилган. Исбийжоб Тошкент ва Сайрам ўртасидаги жой. Абулҳасан Исбийжобий Самарқандий Самарқандда яшаб ижод қилган. Шунинг учун ҳам Самарқандий деб аталган. Ўша даврда Абу Ҳанифа мазҳаби йўл-йўриқларини Абулҳасан Исбийжобий Самарқандийчалик биладиган киши Мавароуннаҳрда бўлмаган. Аллома муфтий бўлган ва шайхулислом даражасига кўтарилган. Алломанинг мазҳаб

бўйича фикрларини қувватлайдиган асҳоблари ва шу билан бирга у кишига мухалиф чиқадиганлар ҳам бўлган. Абулҳасан Самарқандий Самарқанд имомларидан бири бўлган устози Абулали Ҳасан ибн Али ибн Аҳмад ибн Робиъ (Шайкони) ибн Шофиъ ибн Муъмин Санкабосийдан ҳадис эшитиб таълим олган. Шу устози фатво ва бошқа масаларларни чиқаришга ижозат берган [6, б. 575]. У кишидан Нажмуддин Умар Насафий таълим олган [7, б. 385]. Машхур “Ал-Ансоб” асарининг муаллифи Имом Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Самъонийга ижозат юзасидан узтози ҳисобланади. Самъоний: “Исбийжобий менга ижозат ёзиб берган” [6, б. 575], дейди. Яна машхур шогирдларидан бири Бурҳонуддин Марғинонийдир. Марғиноний устози ҳақида бундай дейди: “У киши билан узок вақт ихтилофда бўлдим. Кейинчалик дарсларини тўлиқ тушуниб фойдаларни ҳосил қила бошладим. Унинг фатволарини қабул қиладиган бўлдим. У раҳимахуллоҳ таоло фатво чиқаришимга мушарраф қилди ва у ҳақда менга бир чиройли нома ёзиб берди. Лекин менга у кишининг ижозати мувофиқ бўлмади” [1, б. 371]. Шогирдларидан яна бири Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Али ибн Абдулазиз Балхий Самарқандий Ҳанафийдир. Унинг аждодлари балхлик, ўзи эса Самарқандлик бўлиб, фазилатли фақиҳ ва имом бўлган. Имом Абу Ҳанифа мазҳабининг муфтийларидан бири ҳисобланади. Абу Бакр ибн Аҳмад фикҳ ҳақидаги илмини 500/1107 йилдан кейин Қутбиддин Али ибн Муҳаммад Исбийжобийга ўқиб берган. Фикҳ илмини Азарбайжоннинг Марофа шаҳрида таҳсил олган. Кейин салбчиларга қарши курашаётган Нуруддин Маҳмуд ибн Занкий кунлари Ҳалабга борган [3, б. 4341].

Абулҳасан Исбийжобий бир қанча асарлар муаллифидир. Шулардан бизга маълумлари: “Шарҳ мухтасари-т-Таҳовий” (“Таҳовий мухтасарига шарҳ”), “Ал-Жомиъу-л-кабир” (“Катта тўплам”), “Шарҳ жомиъи-с-сағир” (“Кичик тўплам шарҳи”), “Аз-Зод” (“Таёргарлик”), “Ал-фатово” (“Фатволар”), “Ал-Баҳр муъзий” (“Таскинлантирувчи денгиз”), “Шарҳу-л-мабсут” (“Муфассал шарҳ”) асарларидир.

Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Али ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Баҳоуддин Исбийжобий 535/1141йил, Зулқайда ойининг йигирма учинчи куни (29-июнь) Самарқандда вафот этган [2, б. 329].

Алломанинг “Шарҳ мухтасари-т-Таҳовий” (“Таҳовий мухтасарига шарҳ”) асари ҳанафий мазҳабига оид фикҳ матнларидан бири бўлган Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) “Мухтасару-т-Таҳовий” номли асарининг шарҳидир. “Мухтасару-т-Таҳовий” етук аҳамиятга эга бўлган асар бўлганлигидан кўп қибор алломалар унга шарҳ ёзишган. Биз ўрганаётган Абулҳасан Исбийжобийдан ташқари Абулҳасан ибн Ҳусайн Кархий (ваф. 340/951 й.), Жассос номи билан танилган Абу Бакр Аҳмад ибн Али (ваф. 370/980 й., Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Али Саймурий (ваф. 436/1044 й.), Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад Актоъ (ваф. 474/1081 й.), катта Исбийжобий дейиладиган исбийжоблик Абу Наср Аҳмад ибн Мансур Музаффарий Исбийжобий (ваф. 480/1087 й.), Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (ваф. 499/1106 й.), VI/XII аср уламоларидан бири бўлган Абулмаъолим Муҳаммад ибн Аҳмад Хўжандий, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад Вабрий, Қосим ибн Қутлубқо (ваф. 879/1474 й.) ва Абу Бакр Аҳмад ибн Али Варроқ Розий Ҳанафийлар шарҳ ёзишган [4, б. 23].

Абулҳасан Исбийжобийнинг “Шарҳ мухтасари-т-Таҳовий” асари ҳанафий фикҳини ўрганувчилар учун муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Асарнинг умумий фақиҳлар, хусусан ҳанафий фақиҳлар ўртасидаги манзили ғоятда буюқдир. Аксар фақиҳлар ўз асарларида Исбийжобийнинг шарҳини нақл қилишган, фикр ва танловларини олишган. Бундай асарларга: Алоуддин Косонийнинг (ваф. 587/1191 й.) “Бадоиъу-с-саноиъ”, Бурҳониддин Бухорийнинг (ваф. 616/1219 й.) “Ал-Мухиту-л-Бурҳоний”, Фаҳриддин Зайлаъийнинг (ваф. 734/1334 й.) “Табйину-л-ҳақиқ шарҳ канзи-д-дақиқ”, Ибн Ҳумом номи билан танилган Камолуддин Сийвосийнинг (ваф. 861/1457 й.) “Фатҳу-л-қодийр”, Иброҳим Ҳанафийнинг (ваф. 882/1477 й.) “Лисону-л-ҳукком”, Мулло Хисрав номи билан машҳур Қози Муҳаммад ибн Фаромузнинг (ваф. 885/1480 й.) “Дурару-л-ҳукком шарҳ дурари-л-аҳком”, Шамсуддин Қўхистонийнинг (ваф. 953/1546 й.) “Жомиъу-р-румуз шарҳи-н-ниқоя” ва яна бошқа унлаб манбаларни мисол келтириш мумкин.

Исбийжобий асарда масалаларни очиқ ва равшан келтирган. Унда фикҳ имомлари Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Муҳаммад ва Зуфар фикрларининг борасидаги ихтилофлар, шунингдек, турли хил ихтилофли масалаларда имом Шофиъийнинг фикрига бўлган қаршилиги келади. Аллома фақиҳларнинг фикрларига асосланиб шаръий далиллар орқали асарга шарҳ берган.

Муаллиф асарини аввал ўтган ҳанафий алломаларнинг илм булоқлари асосида тасниф этган. Масалан Абу Юсуф Ёқуб ибн Иброҳим Ансорийнинг (ваф. 182/798 й.) “Ал-Амолий”, Имом Абу Абдуллоҳ Шайбонийнинг (ваф. 189/805 й.) “Ал-Жомиъу-с-сағир”, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Ал-Жомиъу-л-кабир”, Абу Лайс Самарқандийнинг (ваф. 373/983 й.) “Ал-Уюн” ва “Мухталифу-р-ривоя”, Абулфазл Марвазийнинг (ваф. 334/945 й.) ва бошқа кўплаб фикҳ асарларидан фойдаланиб шарҳлаган.

Шарҳнинг ёзилиш усулига келсак:

1. Муаллиф асарни бош китобларга тақсимлаган кейин уларни бобларга ажратган. Масалан “Савдо-сотик китоби” ундан сўнг “Рибо боби”, “Сарф боби”, “Мева дарахтини бир йилга бошқа кишига бериб туриш боби” ваҳоказо бобларга тақсимлаган.

2. Мусанниф “Мухтасару-т-таҳовий” матнини шарҳдан ажратмасдан ёзган. Фақат “қола” (“деди”) сўзи келганда Таҳовийнинг матнини тўқ ранда келтирган. Кўпинча матни маъносини, гоҳида далилни зикр қилган.

3. “Мухтасару-т-таҳовий” асарига қарата китоб масалаларини тартибга келтирган. Бу ҳақида Исбийжобий бундай деган: ““Мухтасару-т-таҳовий”га қараб уни тартибга келтирдим, унинг ривоят лафзини биринчи зикр қилдим” [4, б. 42].

4. Аксар масалаларда мазҳаб фақиҳларининг фикрларига қарши келганини зикр қилган.

5. Муаллиф мазҳаб фақиҳларининг фикрларини қисқартирмай, имом Шофиъийнинг, имом Моликнинг ва ибодат масалаларида Ас-Саврийнинг фикрларини зикр билиб ўтган. Имом Аҳмаднинг фикрларини зикр қилмаган.

6. Имом Исбийжобий ўз шарҳида латиф бир услубни қўллаган, гоҳида масалага кўра мувофиқлики зикр қилиб, кейин масаланинг аслини зикр қилган, гоҳида эса унинг аксини қилган.

7. Гапларни келтиришдаги услубига келсак, масалани муаллифга нисбат бериб: “Ал-Мабсут” асарида бундай дейди, гоҳида гапни айтувчига нисбат бериб: “Муҳаммад айтди...”, гоҳида эса, масалан: “Муҳаммад “Закот” китоби “Ушр” бобида...” деб, мусанниф, китоб ва бобни зикр қилади-ю, аммо муаллифини номаълум қилиб қўяди.

8. Муаллиф шарҳида Китоб (Қуръон), сунна (ҳадислар), ижмоъ, қиёс ва раъйларига суянган фақиҳларнинг фикрларидан шаръий далилларни баён этган.

Шунингдек, Имом Исбийжобий ўз шарҳида ҳадисларнинг иснодини зикр қилиб ўтган, агар саҳиҳлик даражаси номаълум бўлса, ҳадиснинг иснодини зикр этмаган. Асарни фикр ва ақлини теран қилган ҳолда, чуқур маъноли қилиб тасниф этган.

Абулҳасан Исбийжобий “Шарҳ мухтасари-т-Таҳовий” асарининг қўлёзма нусхалари Саудия Арабистони, Туркия, Миср ва Ироқдаги кутубхоналарда сақланмоқда. Асар устида бир қанча тадқиқотлар олиб борилган ва нашр этилган.

Мовароуннаҳр диёрида яшаб ўтган буюк олимларимиз ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиб, уларни бугунги кунга қиёсий таҳлил қилишимиз бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Чунки, бизга қолдирилган маънавий меросни қанчалик ўрганар эканмиз, илмни нозик ва очилмаган қирраларини кашф этишимизга имкониятлар пайдо бўлади.

Исбийжобий қолдирган илмий мерослари фикҳ фанларига катта ҳисса қўшган. Алломанинг асарларидан Ислом ҳуқуқининг нақадар буюклиги, улардан инсонлар ибодат, муомала ва ҳаёт тарзини ўтказишда фойдаланиш йўллари билиб олиш мумкин. Алломанинг тарихи ва илмий меросларини ўрганиш, ислом фикҳий масалаларини янада теранроқ ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулқодир ибн Абулвафо Қураший. Жавоҳиру-л-музийя фи табақоти-л-ҳанафийя. Ж.1, 2. –Карачи. Мир Муҳаммад кутубхона, 2009.
2. Зириклий. Ал-аълум. Ж. 4. – Байрут: Дору-л-илм ли-л-малайн, 2002.
3. Ибн Адим. Буғяту-т-талаб фи тарихи Ҳалаб. –Байрут. Дору-л-фикр.
4. Имом Исбийжобий. Шарҳ мухтасари-т-Таҳовий. – Бағдод. Жомиъту-л-ироқия, 2012.
5. Исмоил Бошо Бағдодий. Ҳидоят-л-орифин. Ж.1. – Истанбул. Milli eğitim basimevi, 1951.
6. Самъоний. Ат-тахбир фи-л-муъжами-л-кабир. – Бағдод. Риасоту девони-л-авқоф, 1975.
7. Шамсуддин Заҳабий. Тариху-л-ислом ва вафоёту-л-машоҳир ва-л-аълум. Ж.36. – Байрут. Дору-л-китоби-л-арабий, 1987.

Ҳасанова Гулжаҳон, Қаландарова Дилнавоз
(Косон, Ўзбекистон)

ПЕШЛАВҲАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда кундалик турмуш тарзимизда оммавий ахборот воситаларига, оммавий коммуникацияга бўлган эҳтиёж кундан кунга ортиб бормоқда. Одамларнинг ахборотга бўлган талаби, ҳар бир янгилик инсоният тараққиётига хизмат қилиб, унга бўлган эҳтиёжни қондиради. Ҳар бир инсон ўз фикрини ифодалашда умуммиллий тил воситаларидан ўзига мосини ва зарурини танлаб олади ҳамда ана шу воситалар ёрдамида уларни баён этади.

Оммавий ахборот етказишнинг энг кенг тарқалган турлари: реклама, шior, эълон ва пешлавҳалар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси информация беришдир. Тилдаги ҳар қандай бирлик маълум бир сабаб ва эҳтиёж туфайли вужудга келади. Жумладан, пешлавҳалар маълум бир объектни номлаш эҳтиёжи туфайли вужудга келган.

Пешлавҳа [ф.+а] “O‘zbek tili izohli lug‘ati”da “олд томонга осиладиган лавҳ(а)” деб изоҳланади. Шунингдек, корхона, идора, муассаса ўқув юрти кабилар ҳақида қисқа, ихчам, аниқ маълумот ёзилган ва шуларнинг кираверишида кўринарли жойга ўрнатилган махсус тахтача, - деб эътироф этилади.

Оммавий коммуникатив вазифа бажаришда пешлавҳалар асосий ўринни эгаллайди. Улар ўзига хос номлаш хусусияти билан бошқа ахборот берувчи воситалардан ажралиб туради ҳамда воқеа жойини ва унинг моҳиятини тўғридан тўғри тасвирлаш учун ишлатилади. Пешлавҳаларнинг айрим турлари топонимик бирлик сифатида эътироф этилиб, уларнинг атоқли отлар билан ифодаланган турлари микротопонимлар сирасига киритилади. Бу ҳақда номшунос олим Э.Бегматов: «Микротопонимлар майда ва энг майда объектларнинг атоқли отларидир. Микротопонимларга булоқ ва чашмалар, ғорлар, мақбараларнинг номлари билан бирга – кўчалар ва ундаги боши берк кўчалар, кўприклар, идора ва муассасалар, магазинлар, ресторанлар, дам олиш жойлари ва истироҳат боғлари, ўтлоқлар, сойлар, айрим дарё ирмоқлари, жилғалар, археологик ёдгорликлардан: мадрасалар, турли иншоотлар, миноралар, шунингдек, гузар ва маҳаллалар, деворлар, қалъалар, саройлар, дарвозалар ва бошқаларнинг атоқли отлари киради», - дейди [1;7].

Маълумки, микротопонимлар табиий ва сунъий равишда юзага келган майда объектларнинг номларидир. Микротопонимлар ўз табиати жиҳатидан атоқли отлардан кўра турдош отларга яқин туради [2; 45].

Пешлавҳалар номлаш хусусияти билан бошқа ахборот берувчи воситалардан ажралиб турганлиги сабабли улар кўпинча от туркумига оид сўзлар билан ифодаланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, баъзи ишларда пешлавҳалар микротопонимлар сирасига киритилганлиги сабабли улар атоқли отлар билан ҳам, турдош отлар билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Масалан: Атоқли отлар билан: *Ерқўрғон деҳқон бозори*, *“Санжарбек фазоси” тўйхонаси*, *Алишер Навоий маданият ва истироҳат боғи*.

Турдош отлар билан: *Чойхона*. *Сомсахона*. *Стоматология*. *Адвокатура*.

Пешлавҳалар лисоний жиҳатдан ҳамда коммуникатив вазифа бажаришга кўра бир-биридан маълум даражада фарқланади ва тузилишига кўра содда ва мураккаб турларга бўлинади.

Содда пешлавҳалар сўз шаклида, мураккаб пешлавҳалар сўз бирикмаси шаклида қўлланади.

Масалан: Содда пешлавҳалар: “Наврўз”, “Бек” (чойхона), “Сабрина”, “Маржона” (ғўзаллик салонлари).

Фақат бош ҳарфлардан ташкил топган, аббревиатуралар шаклида берилган қисқартмалар ҳам содда пешлавҳалар сирасига киритилади. Масалан: МТС, АЁҚШ, ИПХ, ИИБ.

Мураккаб пешлавҳалар: *Ерқўрғон деҳқон бозори, Муҳаммад ота чойхонаси, Урин бобо тўйхонаси.*

Шунингдек, қўшма сўз шаклидаги қисқартмалар ҳам мураккаб пешлавҳаларга киради. Масалан: “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Ўздунробита”.

Пешлавҳалар қандай шаклда қўлланмасин, улар фақат хабар ифодалаш вазифасини бажаради ва бошқа турдаги матнлардан эмоционал-экспрессив бўёққа эга эмаслиги, яъни ҳиссий таъсир этмаслиги билан ажралиб туради. Лекин содда ва мураккаб пешлавҳалар ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Содда пешлавҳалар кўпинча умумийликни ифодалайди. Мураккаб пешлавҳалар эса хусусийликни, алоҳидаликни ифодалайди. “Содда пешлавҳаларнинг мураккаб пешлавҳаларга айлантиришдан кўзланган мақсад диққатни умумийликдан алоҳидаликка қаратишдир. Масалан, КАФЕ, ОШХОНА каби пешлавҳалар умумийлик мазмунига эга бўлса, НИЛУФАР КАФЕСИ, ШУҲРАТ ОШХОНАСИ тарзидаги пешлавҳалар алоҳида ажратиб кўрсатишга хизмат қилади” [3; 19].

Кўринадикки, содда пешлавҳалар кенг тушунчани ифодалаб, уларда умумлаштирувчанлик хусусияти мавжуд бўлади. Тил бирликлари миқдорининг ортиши натижасида юзага келган мураккаб пешлавҳаларда эса тушунча торайиб, маъно аниқлашиб боради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бегматов Э. Номлар ва одамлар. - Т.: Фан, 1966. 7 б.
2. Қораев С. Тошкент топонимлари. - Т.: Фан, 1991. 45 б.
3. Чиникулов Н. Пешлавҳаларнинг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. номз.... дис. автореф. - Т.: 2007. -19 б

Эшчанова Гавхар, Ражабова Нилуфар
(Урганч, Ўзбекистон)

ҚОРАҚАЛПОҚ ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИДА «ЕДИГЕ» ДОСТОНИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Аннотация: В данной статье рассматриваются изучение истории эпоса "Эдиге" в каракалпакской фольклористике.

Ключевые слова: Эпос, фольклористика, перевод, народные сказители, изучение истории, фольклорист, исследование, изучение.

Annotation: This article discusses the study of the history of the epos "Edige" in Karakalpak folklore studies.

Keywords: Epos, folklore studies, translation, folk storytellers, study of history, folklorist, research, study.

Қорақалпоқлар орасида кенг тарқалган «Едиге» эпосини илк бор 1905 йилда Москва университетининг талабаси М.Беляев ёзиб олган. Матн рус тилига таржима қилиниб, Ашхабодда чоп этилган.¹

Эпоснинг Эрполат жиров вариантыни 1929 йилда Қалли Айимбетов ёзиб олган, бироқ матн айрим сабаблар билан йўқолиб, фольклоршунос, достонни 1934 йилда ўша жировдан қайтадан ёзиб олади. Бу вариант 1937 йилда Москвада чоп этилади.

Қорақалпоқ «Едиге»сини фольклоршунослардан биринчи бўлиб Қ. Айимбетов ёзиб олиб, тадқиқот доирасига тортганини алоҳида таъкидлаш лозим. Фольклоршунос олим достон бош қаҳрамони Едиге ҳақида кўплаб афсона ва ривоятларни ҳам тўплаб, улар ҳақида ўз фикрларини баён қилган.

Қ. Айимбетов «Каракалпакские народные сказители» мавзусидаги докторлик диссертациясида «Едиге» достонини қорақалпоқ эпосининг иккинчи – «Нўғайли» даврига тўғри келишини таъкидлаб, эпоснинг тили ва бадиияти мукамал ишланганлигини қайд қилади. Эпоснинг «Ўрақ-Мамай», «Қарасай-Қази» китобларининг қозоқ жировлари томонидан куйланиб келинаётгани ҳақида маълумот бериб ўтади.²

Фольклоршунос кейинги тадқиқотларида ҳам эпос ҳақидаги хулосаларини баён қилиб, унинг бош қаҳрамони билан алоқадор инончлар ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни илм оламига олиб кирди. Масалан, қорақалпоқлар от касалликка чалинса, аввало, отни югуртириб, терлагандан кейин тупроқни уюб, Едигенинг рамзий қабрини ясаб, унинг теварагидан отни айлантирар эканлар.

Эпосни ижро қилганда асосан, уни кекса ёшдагилар тинглашиб, ҳатто достондаги фожеавий воқеалар тасвирида кунни булут қоплаб, ёмғир ёғар экан.³

Фольклоршунос олим келтирган бу ривоятлар Едигенинг ёшлиқда йилқи боқиб, йилқичилик пири сифатида эътироф этилишининг бир кўринишидир. Қолаверса, «Едиге» достонидаги бош қаҳрамоннинг илоҳий бир шахс сифатида улуғланишидир.

Ҳар қандай эпик қаҳрамон халқ қалбига теран илдиз отсагина унинг

тўғрисида ушбу тоифадаги ривоятлар рўёбга чиқади, албатта.

Қорақалпоқ «Едиге»сининг илк тадқиқотчиларидан яна бири таниқли олим Н. Давқараевдир. У қорақалпоқ дostonларини тасниф қилар экан, «Едиге»ни «Ботирлар жири» туркумига киритади.⁴

Эпоснинг қорақалпоқ версияси ҳақида профессор И. Сағитовнинг тадқиқотларида ҳам эътиборли фикрлар мавжуд.

Олим «Едиге»ни тарихий дostonлар тоифасига киритади. У ушбу эпосни тадқиқ қилган рус олимлари А. К. Боровков, В. М. Жирмунскийларнинг хулосаларига қўшилган ҳолда, эпос тарихий воқеаларни ўзгаришсиз ҳолда эмас, балки ўша воқеаларга турли афсона ва ривоятларни аралаштирган ҳолда тасвирлайди. «Едиге» дostonи ҳам шу жиҳатдан қараганда ярим афсонавий характерга эга, деб белгилайди.⁵

Тадқиқочининг фикрича, эпос ҳақиқий тарихнинг ўзи эмас, ундан тарихий далилларни ахтармаслик лозим. Лекин эпос таркибида шундай қимматли далиллар борки, улар тарихий солномаларда қайд қилинмайди. Булар эпос таркибида учрайдиган халқнинг узоқ ўтмишига оид сиёсий-иқтисодий, маданий ҳаёти, тили, урф-одати ва турли маросимларининг акс садосидир. Илгарида ёзуви бўлмаган халқлар учун эса бу маълумотлар айниқса, қимматлидир.⁶

Қорақалпоқ олимлари орасида «Едиге» эпосини таҳлил қилиш, чоп этишда Қ. Мақсетовнинг хизматлари каттадир. Қ. Мақсетов «Едиге»нинг XIV-XV асрларда пайдо бўлгани, «нўғайли» даврига оид эпос эканлигини таъкидлагани ҳолда асарнинг ижрочилари ва уларнинг ижро маҳоратлари ҳақида айрим маълумотларни келтиради.⁷

Қ. Мақсетов «Едиге» эпосини тарихий дostonлар тоифасига киритади. Унинг шаклланиши, авлоддан-авлодга ўтиб келиши жараёнини халқнинг қадимий орзу-истаклари билан боғлаб таҳлил этади. Олимнинг таъкидлашича, оддий халқ ўз тарихи давомида ҳамиша «Одил ҳукмдор», «Одил хон», «Одил баҳодир» ларни орзу қилиб келган. «Едиге»эпосининг бош қаҳрамони бўлган «Едиге баҳодир» ана шу орзу- армонлар йиғиндиси сифатида тарихий шахс қиёфасидан эпик қаҳрамон образига ўтган ва узоқ йиллар халқ эъзозига сазовор бўлиб, адолатпарварлик, инсонийлик, дўстлик, элга хизмат этувчи баҳодир тимсолига айланган.⁸

Фольклоршунос олим ўзининг «Қарақалпақ фольклористикасы» китобида Ч. Валихонов, А. Диваев, И. Беляев, Н. Баскаков, Н. Давқараев ва бошқа қатор фольклоршуносларнинг фаолиятига баҳо берар экан, уларнинг «Едиге» дostonи хусусида билдирган фикрларини таҳлил қилиб, ўз муносабатини билдиради.⁹

Қ. Мақсетов «Дастанлар, жыраўлар, бақсылар» номли китобининг бир бобини «Едиге» дostonининг бадий тили» деб номлаб, эпоснинг ижрочилари, ғоявий мазмуни, образлари ҳақида фикр юритади. Тадқиқотчи дostonдаги эпик қаҳрамоннинг туғилиши, онасининг парига, отасининг илоҳий шахсга алоқадорлиги, ёшлиқда мард, эпчил бўлиб, ўсиши, дев билан олишуви, унинг йилкичилик пирига айланиши фольклорга хос фантазия ва муболаға орқали намён бўлишини таъкидлаб, асарда Едиге ва Тўхтамиш ўртасидаги зиддият, унинг Сатемир (Темур) ҳузурига бориши, Нураддиннинг отасини излаши, отаси билан ўзаро келишмовчиликлар чиқиши ва ота-боланинг ярашуви каби

воқеалар реал ҳаётий воқеалар эканини таъкидлайди.

Фольклоршунос олимнинг таъкидлашича, «Едиге» достонининг бошқа достонлардан асосий фарқи шуки, асарда «Қирқ қиз», «Қўблон», «Алпомиш» каби достонлардаги кураш воқеалари асосан, ташқи душманларга нисбатан олиб борилса, «Едиге»да бу кураш эл ичидаги зулм-зўрликка, мустабид ҳукмдор билан адолатпарвар баҳодир ўртасида олиб борилади. Қорақалпоқ версиясида ташқи ёв ҳақида сўз юритилмайди».¹⁰

Қ. Мақсетов асарни тарихий достонлар тоифасига киритиб, унинг Ерполат жиров варианты бадий тили ҳақида атрофлича фикр юритади.

Достонни халқнинг XIV-XV асрдаги маший ҳаётини, тили, урф-одатини, ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўрганишда ўзига хос бир манба сифатида баҳолайди.

Фольклоршунос олим «Едиге» достонини нашрга тайёрлаш, унинг энг яхши намуналарини халққа тақдим этиш борасида ҳам анча ишларни амалга оширди. 1990 йилда чоп этилган «Едиге» достонининг Қиёс жиров вариантини нашрга тайёрлаб, унга батафсил сўз боши ёзган.¹¹

Қ. Мақсетов Қиёс жиров маҳоратини баҳолаб, унинг бадеҳагўйлик, бадий бўёқдорликка эга бўлган тасвирий воситаларга ёндашишида индивидуаллигининг алоҳида бўртиб туришини таъкидлаб ўтади.¹² Достонда ишлатилган афористик иборалар, идиомалар, фразеологизмлардан мисоллар танлаб, уларнинг халқона руҳини китобхонга шарҳлаб беради.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда «Едеге»шунослик юқори босқичга кўтарилди. Достон ҳақида кўплаб монографиялар, мақолалар ёзилди, докторлик иши ҳимоя қилинди.

Шулардан бири таниқли фольклоршунос С. Баҳадированинг «Китаби дедем Қорқыт», «Қоблан», «Едиге» ҳозирги эдебиат ҳаққинда ойлар” номли монографиясидир.¹³

С. Баҳадирова ўз монографиясининг бир бобида «Едиге» достонини қозоқ ва татар версиялари билан қиёслаган ҳолда таҳлил қилади.

Муаллиф «Едиге» достонининг тўққизта варианты ёзиб олинганини қайд қилади. У туркий версияларни солиштирар экан, эпосдаги топонимларга эътибор қаратиб, қозоқчада Нил дарёси тилга олинишини таъкидлайди.

Олима учала версияни кўлами нуқтаи назаридан баҳолаб, татарча версиянинг қозоқчадан ҳажман катта бўлгани ҳолда қорақалпоқчадаги Қиёс жиров вариантдан кичик эканини айтиб ўтади. Ўз навбатида қозоқ ва қорақалпоқ версияларининг композицион қурилишини қиёслаганда, Ч. Валихонов ёзиб олган вариант билан Ерполат ва Қиёс жировлар вариантлари ўзаро ўхшаш, деган тўхтамга келади.¹⁴

С. Баҳадированинг тадқиқоти кенг қамровли бўлиб, учала версиядаги асосий воқеаларни таҳлил қилишга қаратилган. Бу жиҳатдан тадқиқот оригиналлик касб этади. Аммо муаллиф энг майда деталларни ҳам таҳлил доирасига тортиб, тафсилотларнинг кўпайиб кетишига аҳамият бермаган. Шунингдек, версиялардаги ўхшашликнинг генетик ва типологик жиҳатлари ўзининг илмий ечимини тўла топа олмаган.

Қорақалпоқ «Едиге»шунослигида салмоқли ўрин эгаллаган тадқиқотлардан бири К. Алламбергеновнинг «Едиге» ҳақидаги докторлик диссертацияси ва монографиясидир.¹⁵ Муаллиф монографияда эпоснинг

генезиси, жанр сифатида шаклланиш йўллари ва миллий версиялар билан типологик хусусиятлари ҳақида атрофлича маълумот беради.

Фольклоршунос рус, қозоқ, қорақалпоқ олимларининг «Едиге» достонининг версиялари ҳақида амалга оширган тадқиқотларига муносабат билдириб, В. М. Жирмунскийнинг хулосаларини қўллаб-қувватлайди. Эпоснинг қорақалпоқ версиясининг ўн та варианти, бошқа версияларнинг ўн тўққизта варианти ёзиб олингани, бу вариантлардан ўн учтаси нашр этилганлигини қайд қилади. Монографиянинг I бобида қорақалпоқ «Едиге»сининг тарихий илдиэлари ва эпос сифатида шаклланиш жараёни тадқиқ этилган бўлиб, муаллиф Едиге образининг яратилишида қадимги турк қавмларига алоқадор Алп Эртўнга, Қултегин каби образлар андоза сифатида хизмат қилганини, шунингдек, достонга «Қўрқут ота китоби»нинг сезиларли таъсири борлигини тўғри таъкидлайди.

К. Алламбергановнинг эътирофича, «Едиге» дастлаб «жир» сифатида пайдо бўлиб, XIV аср охири XV асрнинг биринчи чорагида лирик жанрдан ўсиб, эпик жанрга ўтган.¹⁶

К. Алламберганов «Едиге» эпосининг дастлабки пайдо бўлиши масаласида қозоқ фольклоршуноси А. Қонратбоев билан мунозарага киришиб, унинг ушбу эпоснинг пайдо бўлишини асар прототиби ҳаётдан юз йил кейин ёзма равишда рўёбга чиққанлиги фикрига қарши чиқади ва эпосни А. Қонратбоев кўрсатганидек, 1560 йилда эмас, балки 1391-1406 йиллардаёқ тўлиқ шаклланганлигини таъкидлайди.¹⁶

Бу хулосаларини Едигенинг ҳаёт пайтларидаёқ тўқилган ривоятлар билан асослашга ҳаракат қилади.

Эпоснинг жанрий белгиларини аниқлаш борасида монография муаллифи айрим олимлар билан баҳсга киришиб, Н. Давқараев, Қ. Айимбетовларнинг «Едиге» эпосини «батырлар жири» деб белгилашларига қўшилмаслигини таъкидлайди. Олимлардан И. Сағитов, Қ. Мақсетовларнинг фикрини қувватлаган ҳолда «Едиге»ни тарихий-қаҳрамонлик достон сифатида қараш лозим, деган хулосагага келади.

Монографиянинг II бобида қорақалпоқ «Едиге»сининг миллий алоҳидаликлари ёритиб берилади. Ушбу жараёнда муаллиф қорақалпоқ «Едиге»сининг ҳар бир вариантыга характеристика бериб, энг ихчам вариант сифатида Бекимбет жиров вариантыни кўрсатиб ўтади. Ушбу жировнинг И. Беляев томонидан саводсиз киши деб баҳоланганига эътироз билдириб, жировнинг қўлёзма манбалар билан алоқадорлигини исботловчи далиллар келтиради.

Ерполат жиров вариантыни таҳлил қилар экан, тадқиқотчи жиров ёзма манбаларга асосланган ҳолда достон куйлаган, деган хулосага келади.

Қиёс жиров вариантыни тадқиқотчи энг тўлиқ, мукамал вариант сифатида баҳолайди ва жировга хос бўлган икки хусусиятга – биринчидан, унинг саводхонлигига, иккинчидан – юксак бадеҳағўй қобилиятига эга бўлганлигига асосий эътиборни қаратади.

Монография муаллифи вариантларга характеристика бераётиб, достоннинг «Тулимбий», «Тулумхўжа» номлари билан аталувчи қисса вариантга ҳам тўхтаб ўтади. Бу вариантнинг Ҳ.Зариф томонидан 1939 йилда тузилган хрестоматиядаги вариантга яқин эканлигини қайд қилиб, унга хос

бўлган асосий хусусият Едигенинг қалмоқ юртига жўнаб кетиши, Сатемир, Едигенинг ўғли Нураддин каби образларнинг йўқлигида деб таъкидлайди.

Аслида ушбу вариант қўлёзма нусха бўлиб, Хоразмда жуда кенг оммалашган, қиссахон халфалар репертуарида яшаб келаётган, бир вақтлари Н. Давқараев «Едиге» достонининг «Хоразм варианты» деб номлаган асардир.

К. Алламбергенов ҳам бу нусхани «Хоразм варианты» сифатида баҳолайди.¹⁷

Ушбу бобнинг кейинги қисмида муаллиф вариантларда образларнинг берилишига эътиборни жалб қилиб, уларнинг бадиияти ҳақида ҳам фикр юритади ва тегишли тўхтамларга келади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, К. Алламбергенов қўлёзма нусхалар тарзида тарқалган, «Эдиге» деб юритиладиган Хоразм варианты, «Тулумбий» номли шоббозлик А. Утенов варианты, «Ибн Тукли Азиз» номли Қалимбек қипчоқ варианты каби қўлёзмаларнинг ҳар бирини алоҳида вариант деб белгилайдики, бу фикрга унчалик қўшилиб бўлмайди. Аввало, бу қўлёзмаларни вариант эмас, балки китобий қўлёзма нусха деб номлаган маъқул. Қолаверса, бу қўлёзмаларнинг барчаси ҳам достоннинг Хоразм вариантыдан иборат бўлиб, китобдан китобга кўчирилган. Улардаги фарқлар эса унчалик катта эмас.

Қ. Алламбергенов ўз монографиясининг учинчи бобида қорақалпоқ «Едиге»сини туркий халқлар версиялари билан қиёсий ўрганиб, қозоқ, татар, бошқирд, нўғай версияларини таҳлилга тортади. Ушбу таҳлил жараёнида тадқиқотчи қорақалпоқ версиясининг ҳажм жиҳатдан катта эканини таъкидлаб, унинг бошқа версиялар ичида сюжет, композиция, мотивларнинг кўплиги, бадиияти жиҳатидан ҳам анча устун эканини исботлашга ҳаракат қилади. Энг асосийси, ушбу версиялар генеологик илдизининг ягона нуқтага бирлашишини исбот қилади.

Қ. Алламбергеновнинг ушбу тадқиқоти қорақалпоқ «Едиге»си борасида қилинган барча изланишларни умумлаштиради ва эпос ҳақида тўлақонли маълумотлар бера олади.

Қорақалпоқ «Едиге»си бўйича изланишлар олиб борган фолклоршунос К. Мамбетовнинг ишларида ҳам эпос билан алоқадор оригинал фикрларга дуч келиш мумкин.¹⁸

К. Мамбетов ўз тадқиқотида қорақалпоқ адабиётининг асосчиларидан бири бўлган Соппасли Сипира жиров ҳақида сўз юритиб, Ч. Валихоновнинг Сипира жиров «Едиге» достонининг муаллифи бўлиши керак, деган фикрини қўллаб-қувватлайди ва жировни «Ўзи томонидан ёзилган «Едиге» достонида бош қахрамон сифатида қатнашади»¹⁹, деб ёзади. «Қримнинг қирқ ботири» жирининг ҳам Сипира жировга тегишли эканини такидлаб, уни «Игорь полки жангномаси»даги Баян образига тенглаштиради. У Жиров «Едиге» достонидаги воқеаларнинг иштирокчиларидан бири бўлган, дея қатъий ҳукм чиқарган.

К. Мамбетовнинг юқоридаги хулосаси анча мунозарали бўлиб, жиддий текширишларни талаб этади. Бироқ, Соппасли Сипира жировнинг достоннинг дастлабки шаклланишига ўз тўлғовлари билан сезирларли таъсир кўрсатганини инкор қилиш қийин. Зеро, достоннинг тўла шаклланишида қўллаб-қувватларнинг ҳиссаси борлиги ўз-ўзидан маълум.

Қорақалпоқ «Едиге» шунослиги соҳасида Қ. Байниязов,²⁰ Ҳ. Ҳамидов,²¹ М. Мақсетова²² каби олимлар ҳам салмоқли тадқиқотлар яратишди.

Мазкур тадқиқотларда дostonнинг турли вариантлари, тарихий-генеологик илдизлари атрофлича таҳлил этилишга ҳаракат қилинган.

Бинобарин, асрлар оша туркий халқларнинг маънавий озуқа манбаи бўлиб келган «Едиге» дostonи қорақалпоқ фольклоршунослари томонидан ҳам атрофлича тадқиқ этилган ва изланишлар яна давом қилмоқда.

Бинобарин, асрлар оша туркий халқларнинг маънавий озуқа манбаи бўлиб келган «Едиге» дostonи қорақалпоқ фольклоршунослари томонидан ҳам атрофлича тадқиқ этилган ва изланишлар яна давом қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сказание об Едиге и Тохтамыше, Асхабад, типография штаба 2-го Турк. Армейского корпуса, 1917.
2. Айимбетова К. Каракалпакские народные сказители, АДД., Т., 1965, с.17.
3. Айимбетов Қ. Халық даналығы, Нокис, «Қарақалпақстан», 1988, 95-бет.
4. Қарақалпақ илиминин тунғыш жұлдызы. (Н.Давқараевнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган анжуман материаллари.) Нокис, 2005, 59-бет.
5. Сағитов И.Т. Қарақалпақ халқынын қаҳарманлық эпосы, Нокис, «Қарақалпақстан», 1986, 55-бет.
6. Ўша манба, 57-бет.
7. Мақсетов Қ. Қарақалпақ қаҳарманлық дастанларинин поэтикасы, Ташкент, «Фан», 1965, 48-58-бетлар
8. Мақсетов Қ., Тажимуратов А. Қарақалпақ фольклоры, Нокис, «Қарақалпақстан»
9. Мақсетов Қ. Қарақалпақ фольклористикасы, Нокис, «Қарақалпақстан», 1998, 149-198-бетлар.
10. Мақсетов К. Дастанлар, жыраўлар, бақсылар, Нокис, «Қарақалпақстан», 1992, 183-бет.
11. Едиге, Нокис, «Қарақалпақстан», 1990, 126-137-бетлар
12. Ўша манба, 133-бет.
13. Баҳадырова С. «Китаби дедем Қорқыт», «Қоблан», «Едиге» ҳозирги эдебият ҳаққында ойлар, Нокис, «Қарақалпақстан», 1992.
14. Ўша манба, 52-бет.
15. Алламберганов К. Қарақалпақ халық дастаны «Едиге», Нокис, «Билим», 1995.
16. Ўша манба, 39-бет.
17. Ўша манба, 43-бет.
18. Мамбетов К. Айиемги қарақалпақ адебияты, Нокис, «Қарақалпақстан», 1976.
19. Ўша манба, 120-бет.
20. Байнизов Қ. «Едиге»- халқымызға қадирли дастан.// Едиге, Нукус, «Қарақалпақстан», 1990, 10-123-бетлар.
21. Хусниддин Х. Шығыс тиллериндеги жазба дереклер, (Идиге ибн Тукли Азиз киссаси) Нокис, «Қарақалпақстан», 1991, 79-81-бетлар.20
22. Мақсетова М. Исторические корни эпоса «Едиге», Нукус, АҚД, 1995

**Юлдошева Нилуфар Эргашевна, Махмудова Фарангиз
(Қарши, Ўзбекистон)**

СОДДА ГАПЛАРДА КЕСИМ ВА УНИНГ МАВЌЕИ

Гапнинг бош бўлақларидан бўлган кесим ва унинг мавЌеи ҳақида кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида қатор тадқиқотлар юзага келди. Айниқса, В. Эгамбердиев [8], Ж. Омонтурдиев [2, 27] тадқиқотларидан сўнг ва улар асосида формал-функционал тадқиқ усулларида иш олиб борган Р. Сайфуллаева, М. Абузалова, Л. Раупова, Р. Бобокалонов каби тадқиқотчиларнинг ишлари, олий ва ўрта мактаб дарслик ва қўлланмаларида ҳам махсус бўлмаса-да, йўл-йўлакай кесим ҳақида баҳс борди. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида кесимнинг ўзига хос морфологик белгиларга эга эканлиги, кесимни ифода этадиган сўз ўзининг грамматик структураси билан бошқа бўлақлардан ажралиб туриши, баъзи бир гапларда эга махсус сўз билан ифодаланмаса-да, кесим орқали эгани аниқлаш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, фақат кесимдан иборат сўзлар гап бўлиб келиши мумкинлиги, бунинг учун у кесимлик мақомига эга бўлиши лозимлиги уқтирилди.

Маълумки, гап лисоний сатҳда кесимлик категориялари билан шаклланади. Нутқда эса гапнинг муҳим белгиларидан бири унинг тугалланган оҳангга эга бўлишидир. “Ҳар қандай гап шакл ва мазмун бирлигидан иборат. Гапнинг лисоний сатҳдаги шаклий ва мазмуний жиҳати унинг нутқий сатҳдаги шакли ва мазмунидан фарқланади” [6, 33].

Гаплар турли-туман бўлгани каби лисоний синтактик қолиплар ҳам ҳар хил бўлади. Бу тилда шаклланган ва сўзловчининг коммуникатив нияти, узатилаётган ахборотнинг ўзига хослиги умумийликларининг барқарорлашуви натижасида шаклланади. Гап минимал қолипларини тиклашда ана шу жиҳатлар асос қилиб олинади.

Туркийшунослиқда кесим муаммосига бағишланган қатор ишлар бўлса-да, уларда мустақиллик-номустақиллик масаласи кун тартибига қўйилмаган ва масала тадқиқ этилмаган эди. “Бунинг сабаби туркий тиллар бўйича XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, XX асрнинг учинчи чорагигача бўлган даврда туркий тиллар синтаксиси бўйича олиб борилган тадқиқотларда қиёс мезони Ҳинд-Европа тилларининг синтаксиси, хусусан, рус тили синтаксиси бўлган бўлса, ажаб эмас” [3, 46]. Чунки бу тилларда содда гаплар таркибида ҳам, қўшма гап таркибида ҳам кесимнинг формал хусусиятлари фарқланмайди. Шу боисдан яратилган тадқиқотларда кесим дейилганда фақат содда гап кесими олинди, қўшма гапнинг кесими, у ўзбек тилидаги кесимнинг мезонларига мувофиқ келмаганлиги сабабли, ҳар доим четлаб ўтилган. Бу масала илк бор формал-функционал синтаксис тезисларида, сўнгра Р. Сайфуллаева, М. Абузалова ва Л. Рауповаларнинг [4, 8; 3, 46] тадқиқотларида масаланинг ечими даражасида кун тартибига қўйилди.

Кесимни синтактик категория сифатида формал-функционал тадқиқ қилган Л. Раупова унинг мустақил ва номустақил шаклларини ажратади. Мустақил ва номустақил кесимлар фарқланишида тадқиқотчи қуршов омилларига таянади.

Л. Раупова ўзбек тилида гап марказини ташкил этувчи ва кўп ҳолларда унинг қурилиш типларини белгиловчи кесимлик шаклларини икки турга ажратди:

1. Мустақил кесимлик шакли.
2. Номустақил кесимлик шакли.

“Мустақил кесимлик шакли деганда қўшма гап таркибида ҳам, содда гап таркибида ҳам бемалол қўллана оладиган воситалар тушунилади” [3, 97]. Номустақил кесимлик шакллари қатъий белгиланган синтактик вазифага эга бўлиб, улар қўшма гап таркибидагина воқелана олади. Қўшма гап таркибидан бошқа ҳолатларда улар ё тамоман бошқа маъно ва вазифаларда қўлланади ёки қўшимча матний ва нутқий шароит ҳамда воситаларнинг мавжудлигини талаб қилади. Олима номустақил кесимлик шакллари сифатида ўзбек тилида -са, -са ҳам, -са-ку, -са-ю, -са-я, -а(р) экан, -а(р)ди, -ган ҳам эди, -ди-ям каби шаклларни олади [3, 97].

Бу шакллар ўзларининг полисемантиклик хоссаси асосида мазкур белгисига эга бўлади. Яъни маълум бир номустақил кесимлик шакли содда гап таркибида бошқа, қўшма гап таркибида бошқа маъновий хусусиятини юзага чиқаради. Масалан: 1. *Салим келса, борамиз.* (шарт ёки пайт). 2. *Салим келса.* (истак). Демак, -са шаклли кесим тегишли қуршов доирасидан ташқарида бошқа семантик қиррасини намоён қилади.

Кесимларнинг қуршовга “эҳтиёжи” даражаси турли кўриниш ва шаклда юзага чиқиши мумкин. Масалан, *Ўқийман. Борасан. Ишчидир* гапларида кесим орқали *ўқиш, бориш, ишчи* ва уларнинг субъекти ҳақидаги икки хил ахборот яхлитланган ва унда бу информацияларнинг мавқеи турлича. Масалан, *ўқийман* гапида *ўқиш* ҳаракатининг бажарилиши, яъни [W] дан англашилувчи қисм ахборотнинг бир қирраси бўлса, [P_m] узатувчи келаси замон, аниқлик майли, биринчи шахс бирлик, тасдиқ (бўлишлилик) ахборотнинг иккинчи қирраси. Ахборотнинг иккала қисми ҳам коммуникатив ният учун муҳим бўлиб, шу ҳолатда ахборотнинг [W] дан англашилувчи қисми муҳимликда биринчи ва [P_m] дан англашилувчи қисми иккинчи даражали. Ахборот қисмларининг муҳимлик даражасига кўра бундай фарқланиши кесимлик шаклининг қўлланиш хусусиятини, яъни унинг мустаҳкамловчи воситаларга эҳтиёжини белгилайди. Бу эҳтиёжлардан коммуникатив ният талабига кўра баъзан айримлари (биттаси ёки бир нечтаси), баъзан барчаси бир вақтнинг ўзида кучайиши мумкин. Натижада [P_m] кенгайди. *Мен ўқийман. Бугун ўқийман. Мен бугун ўқийман* каби. Бунда [P_m] кенгайтирувчилари мустаҳкамловчи унсурлар саналади.

Барча кенгайтирувчилар мустаҳкамловчи унсурлар бўлавермайди. Масалан, [WP_m] даги [W] унсурини кенгайтирувчи тарз, пайт каби кенгайтирувчи мустаҳкамловчи восита саналмайди. Чунки [W] унсурида мустаҳкамланадиган унсур йўқ. Мустаҳкамланишда такрорланиш мавжуд бўлиши лозим. Масалан, *Мен ўқийман* гапидаги [WP_m] унсури ҳосиласида “биринчи шахс бирлик” маъносини ифодаловчи восита мавжуд (-ман). *Мен* олмоши ва -ман шахс-сон қўшимчаси семантикаси бир хил. Демак, бу гапда шахс-сон маъносининг икки қават ифодаланishi – мустаҳкамланишининг ёрқин намунаси. Қаватланиш давом этиши мумкин. Масалан, *Мен ўзим ўқийман* гапида шахс-сон маъноси уч қават ифодаловчига эга. Демак, ёйилиш

(кенгайиш) мустақамлаш асосида ҳам, бошқа ҳолда ҳам бўлиши мумкин. Мустақамлашга эҳтиёж ноль даражага тушганда йиғиқ гап кўриниши вужудга келади. Мустақамлаш мустақамловчининг таъкид оҳанги, мантикий урғу олиши билан қувватланади.

Шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, мустақамлашнинг кучайиши натижасида [P_m] нинг семантик ва функционал қуввати мустақамловчининг функционал салмоғи олдида сезиларсиз ҳолга тушиши мумкин. Бу, одатда, кесимдаги [W] нинг ифодаловчиси исмларга мансуб [P_m] замони ҳозирги замон бўлганда юз беради: *Мен ўқитувчи. Биз ишчи. Сен шифокор* каби. Бунда эга тушириб қолдирилса, коммуникатив ифода ноль даражага тушади. [WP_m] нинг [P_m] қисми ифодаланмиши учун қуршов ва эга кенгайтирувчиси ифодаловчи сифатида юзага чиқади. Кесимнинг [W] қисми эгасиз номустиқил ҳолга тушади. Натижада кесимнинг номустиқил кўриниши пайдо бўлади. Бу номустиқилликни номустиқил кесимлик шаклидан фарқлаш лозим, албатта. Номустиқил кесимлик шаклида [P_m] ифодаловчиси мавжуд бўлиб, у маъно англатишда номустиқил бўлади. Яъни унинг маъноларидан қайсиси юзага чиқаётганлиги, маъноларини фарқлаш учун қуршов зарур бўлса, номустиқил кесим [P_m] маъносини ифодалай олмайганлиги учун эгага зарурат туғилганлиги сабабли номустиқил саналади. Демак, номустиқил кесимлик шакли ва номустиқил кесим тушунчалари принципаи фарқларга эга. Номустиқил кесим мавжуд бўлганда гап қурилиши кесимлик шакллари ривожланмаган Ҳинд-Европа тиллари гап қурилишига монандлик касб этиб, [S-P] қолипига тушади. Қиёсланг:

Мен ишчи. Я рабочий. I am a worker.

Қуринадики, *Мен ишчи* гапидаги ишчи узвида [P_m] ноль ифодаловчилигини эмас, балки мутлақо ифодаловчига эга эмас. Демак, кесим эгасиз мутлақо юзага чиқмайдиган бундай гаплар ҳам ўзбек тили синтактик қурилишида йиғиқ гапнинг ўзига хос шакли сифатида намоён бўлади. Бундай гапларнинг йиғиқ гаплар сифатида қаралиши янги ҳодиса эмас. Унинг йиғиқ гап эканлиги ўзбек формал тилшунослигида баралла айтилган. Зеро, у рус тилидаги [эга+кесим] типик қолипга йиғиқ гапларнинг айнан ўзи, синтактик универсалияларнинг ёрқин намуналаридан бири эди. Биз бунга ишда йиғиқ гапнинг типик кўринишларидан бири сифатида қараймиз.

“Тил тараққиёти жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда умумтилдагина эмас, балки тилнинг ҳар бир соҳасида ўзига хос кўринишларда содир бўлади. Бу ҳолат ҳозирги ўзбек тили, айниқса, сўзлашув тили учун характерли. Чунки сўзлашув тили алоҳида танланган, чегараланган нутқ бўлмасдан, умумиятга хизмат этадиган, ҳар қандай илмми, маданий савиядаги кишининг ҳам ўзига хос индивидуал нутқини бутунча ўзида акс эттирадиган нутқдир” [7, 112].

Ўзбек тилидаги сўз-гапларни формал-функционал таҳлил қилган Р. Бобокалонов уларнинг семантик ва структур моҳиятини очар экан, бундай гапларнинг структурасида кесимлик қўшимчалари мутлақо йўқ бўлиб, атов бирлиги ўзида ҳам луғавий маънони, ҳам кесимлик маъноларини яхлит ҳолда ташишини таъкидлайди. “Кесимлик маъно ва вазифалари [W] нинг ўзида мужассамлашган бўлади ва уларнинг шундай лисоний бирликларини ташкил этадики, гап ёки гап маркази вазифасида келиш ҳам, кесимлик маъносини ифодалаш ҳам уларнинг онтологик табиатида бирлашган бўлади. Шу сабабли

грамматик шаклланган гапларнинг минимал қолипни [WP_m] сифатида берсак, семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг энг кичик қурилиш қолипи рамзини [WP] сифатида бериш маъқул. Бу рамз кесимлик маъно ва вазифасини [W] нинг ичида, унинг таркибий қисми сифатида мавжудлигига ишорадир. Шу билан бирга, бу рамз худди шундай гапларда кесимлик қўшимчалари (маркерлари)нинг бўлмаслигига, шунинг учун бундай гапларда [WP_m] қурилишли содда гапларда бўладиган кесимлик маъноларининг ранг-баранглиги ҳам хос эмаслигига айни бир замонда ишора қилиб туради” [1, 38].

Семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг кесимлик қўшимчаларидан холилиги уларнинг кенгаймаслигига асос бўлади. Бу эса, ўз ўрнида, унинг маъно имкониятлари чегараланганлиги, грамматик шаклларни талаб этмаслиги, ҳар қандай сўзлар билан бирикиш имкониятидан маҳрумлиги, гапда бажарадиган вазифаси чекланганлиги хусусиятларига эгаллигини келтириб чиқаради [1, 39].

Анъанавий ўзбек тилшунослигида сўз-гап номзодлик диссертацияси сифатида тадқиқ қилинган бўлса-да, бу билан унинг ўзбек тилидаги моҳияти тўла-тўқис очилган деб бўлмайди. Бу борада иш олиб борган тадқиқотчилар бундай типдаги гаплар йиғиқ гапларнинг [эга+кесим] кўринишли “ўзбекча” қолипига мос келмаганлигидан четлаб ўтганлар. “Тилшуносларимиз ўтган асрнинг 40-90-йиллари давомидаги тараққиётида бу мажмуа моҳиятини очиб беролмади, иккинчи томондан, бу мажмуа функционал синтаксис тадқиқотчилари илгари сурган содда ва қўшма гапларнинг минимал қолиплари [WP_m] ва [WP_m,WP_m] талабларига ҳам жавоб бермайди. Демак, формал синтаксис таҳлилида бўлганидек, формал-функционал таҳлилда ҳам бу гетероген ҳодисалар мажмуи сўз-гаплар моҳиятини очишда тўғаноқ бўлиб қолди” [1, 35].

Бу ҳолат семантик-функционал шаклланган сўз-гапларни ҳам ўзбек тилидаги йиғиқ гапларнинг бир кўриниши сифатида қарашга илк асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, гап бўлақларининг кенгайиш-кенгаймаслигига кўра гап икки хил бўлади: йиғиқ ва ёйиқ.

Қисқарувнинг максимал чегарасидаги кенгаймаган минимал гап *йиғиқ гаплар*. Агар йиғиқ гап тизимида [S-P] ёки [E-WP] кўринишли бирликлар бўлмаганда эди, унга “кенгайтирувчиларнинг иштирок этиш-этмаслигига кўра” таснифий белгисини қўйган бўлар эдик. Гап бўлақлари қисқарувнинг максимал чегарасига кўра, йиғиқ гап куйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1. [WP_m] – Ёзяман.
2. [S-P] ёки [E-WP] – Мен ўқитувчи.
3. [WP] – Қиш.

Бу қисқаришнинг максимал чегараси бузилса, у гаплик моҳиятини йўқотади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 38.
2. Омонтурдиев Ж. Кесимнинг структурасига кўра классификацияси. // Совет мактаби. – 1965. – №4. – Б. 26-27.

3. Раупова Л. Ўзбек тилида номуस्ताқил кесим масаласи ва [WPm→WPm] қурилишли гаплар: Филол. фан. номз....дисс. – Тошкент, 1999. – Б. 46.
4. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 8
5. Усмонов С. Ундов гаплар. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1955.
6. Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. –Тошкент, 2004. – Б. 53.
7. Шодмонов Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз-гаплар: Филол. фан. номз.... дисс. – Тошкент, 1970. – Б. 230.
Таким образом, дитя – это открытость для всего нового, чистый лист, сам создающий себе законы и управляющий своей волей. Это невинность, блаженство, обретение потерянного (Встреченного) рая, который таит в себе расставание с собой, разрыв с собой. Рай («Страна детей своих») через изгнание принимает тебя в качественно новом статусе. Положительная негативность отстаивает себя как новая ценность иного порядка. Рождение через травму, как универсальное основание Сверхчеловека: он несоответствие и в этом несоответствии рождается свобода воли, обличенная поступком «Священного Да» - активностью, динамизмом, стремлением к воли, к жизни [3]. В результате, человек становится «проявлением новой лингвистической, семантической реальности [3, с. 103] в «стране детей своих» [1, с. 106].

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ

1. Ницше Ф. Так говорил Заратустра. Книга для всех и ни для кого / Ф. Ницше; пер. с нем. М.: Интербук (Сер.«Страницы мировой философии»), 1990. – 301 с.
2. Шаап С. Человек как мера: Учение Ницше о ресентименте/ С. Шаап; пер. с гол. О. Пархомовой. К.: Изд-во Жупанского, 2008. – 205 с.
3. Яровицька Н. А., Касинюк Л. А. «Остання людина» як трансгресія до «Надлюдини» / Н.А. Яровицька. Л. А. Касинюк – Вісник Львівського університету. Філософсько-політологічні студії. –Вип. 17, 2018. – С. 103-109.

Страшко И. А., Яровицкая Н. А.
Харьковский национальный университет
строительства и архитектуры ХНУСА
(Харьков, Украина)

ЭПИСТЕМОЛОГИЯ И РЕЛИГИЯ: ДИАЛОГИ

...общий буддийский подход заключается в том, что мы всегда должны принимать факты. Досужие домыслы, не основывающиеся на эмпирическом опыте, когда таковой возможен, неуместны. Таким образом, если гипотеза была подвергнута проверке, в результате которой она на 100 процентов подтвердилась, то это именно то, что нам следует принять
Далай-лама XIV

Аннотация. *Comparing Buddhist emptiness with a quantum field in physics, some scientists believe that it, like the quantum field, generates an infinite mass of different forms, feeding them with its energy. In addition, modern quantum physics, proving the fundamental unity of the universe, denies the concept of an isolated, or, as Buddhists say, "self-existent", subject. Objects, therefore, exist through interdependencies and cannot be self-sufficient.*

Keywords: *Buddhism, science, quantum field, emptiness, the universe.*

Структура мировоззрения включает важные исторические формы, среди которых выделяют миф, религию и науку. Напряжение, которое испытывал индивид на протяжении столетий, преодолевалось посредством выработки инструментария, который позволяет вступать в коммуникации с миром, изобличать его, и актуализировать свое присутствие в бытии. Такими процедурами стало образно-символическое мышление (миф), специфическая реальность сакрального, определяемая себя в молитве и медитации (религия) и пространство научного познания, оперируемая абстрактными понятиями (наука). На теоретическом уровне эпистемология включает такие методы, как абстрагирование, дедукцию, идеализацию. Ряд концептов научной рефлексии нашли свою экспликацию в пространстве религии, в частности, в буддизме.

Следует отметить, что буддизм – древнейшая мировая религия, оказавшая влияние на развитие культуры многих народов Востока. Буддизм можно рассматривать и как религию, и как философию, и как культуру, и как образ жизни. Возникнув в VI в. до н. э., буддизм за две с половиной тысячи лет прошел долгий путь развития. Его традиционно исповедуют в государствах Южной, Юго-Восточной, Восточной и Центральной Азии: Китае, Японии, Корее, Вьетнаме, Мьянме, Таиланде, Монголии и ряде других стран.

В эпоху глобализации буддизм стал активно выходить за рамки своих прежних локально-исторических и национально-географических границ, охватывая все новые культурные ареалы. На сегодняшний день буддизм уже не является чисто восточной религией.

Многие концепции современной эпистемологии находят параллели в буддийской мысли. Так, Ф. Капра в поисках мировоззренческих ориентиров

обнаружил, что современная физика не вписывается в традиционное западное мировоззрение и предлагает искать мировоззренческие основания на пути сближения с восточным, в частности с буддийским, мировосприятием. Он утверждает, что «мировосприятие современной физики обнаруживает столько общих черт с восточной философией, что эти два направления человеческой мысли перестают противоречить друг другу, как в общих чертах философского характера, так и в частных вопросах строения материи» [3, с. 259].

Примером близости современной физики и идей буддийской философии может служить понятие квантового поля (вакуума), которое можно соотнести с понятием «пустоты» (шуньята) в буддизме. Согласно буддизму реальность, лежащая в основе всех вещей, не имеет какой бы то ни было оформленности и не может быть описана словами, поэтому ее обычно называют бесформенной и пустой. Однако понятие «пустота» не обозначает в данном случае «незаполненность» или «несуществование». Напротив, пустота в буддийской философии - это сущность всех форм и источник любого существования. Когда буддисты употребляют термин «пустота», они понимают под ней не обычную пустоту, а Пустоту, которая является абсолютной категорией и неисчерпаемым источником всякого существования. Сравнивая буддийскую пустоту с квантовым полем в физике, некоторые ученые полагают, что она, как и квантовое поле, порождает бесчисленную массу разных форм, питая их своей энергией. Кроме того, современная квантовая физика, доказывая принципиальное единство мироздания, отрицает понятие изолированного, или, как говорят буддисты, «самосущего», предмета. Объекты, таким образом, существуют посредством взаимозависимости и не могут быть самодостаточными [2, с. 35-36].

Следует также отметить, что буддийские наставники, особенно тибетские, охотно откликаются на просьбы западных ученых о сотрудничестве, проводят беседы, конференции со специалистами из разных областей западной науки. Одним из примеров такого сотрудничества является международный форум «Сознание и жизнь», проходящий дважды в год в Дхармасале (Индия) и разработанный для того, чтобы способствовать диалогу между тибетскими буддистами и западными учеными. Обе стороны пришли к выводу, что очень важно соединить усилия по материальному прогрессу, чем занимается западная наука, и внутреннему духовному развитию.

Э. Шредингер, Д. Бом, В. Гейзенбер были убеждены в том, что ключевые теории и модели современной физики приводят нас к такому мировосприятию, которое характеризуется внутренней согласованностью и прекрасно гармонирует со взглядами восточных, в частности, буддийских мыслителей.

Таким образом, буддизм, как заявляют тибетские учителя, открыт для научного поиска. Его Святейшество Далай-лама отмечает, что если наука может убедительно доказать что-либо, буддисты должны будут это принять, пусть даже оно и противоречит сказанному в священных текстах. Подобная открытость для научного поиска, несомненно, привносит свежий дух модернизма в буддизм [1, с. 183].

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ

1. Аюшева, Д. В. Современный тибетский буддизм на Западе / Д. В. Аюшева // Буддизм в Бурятии: истоки, история и современность. - Улан-Удэ: Изд-во БНЦ СО РАН, 2002. - С. 179-193.
2. Балханов, В. А. Встреча с прошлым и будущим (наука и фундаментализация образования в контексте целостного мировоззрения) / В. А. Балханов. - Улан-Удэ: Изд-во Бурят. гос. ун-та, 2002. - 234 с.
3. Капра, Ф. Дао физики / Ф. Капра. - СПб.: Орис, 1994. - 304 с

Семчук Т. Р.

Научный руководитель: Яровицкая Н.А., к. филос. н., доц. кафедры
общественно-гуманитарных дисциплин
Харьковский национальный университет строительства и архитектуры
(ХНУСА)
(Харьков, Украина)

ПИФАГОР – МИСТИК, ФИЛОСОФ, МАТЕМАТИК

*Не гоняйся за счастьем: оно всегда находится в тебе самом
Старайся прежде быть мудрым, а ученым - когда будешь иметь
свободное время
Пифагор*

The combination of mathematics and theology that began with Pythagoras is characteristic of the religious philosophy of Greece, the Middle Ages, and the New Age, up to Kant. Before Pythagoras, Orphism was similar to Asian mystical religions. Pythagoras begins the whole concept of an eternal world that is accessible to the intellect and inaccessible to the senses.

Keywords: *mathematics, religion, intellect, feelings, orphism.*

Пифагор является одной из наиболее интересных и загадочных личностей в истории. Не только традиционные представления о его деятельности являют собой почти неразложимую смесь истины и лжи, но даже в своей самой простой и наименее спорной форме эти представления рисуют нам довольно странный характер, каким обладал Пифагор. Пифагор основал религию, главные положения которой состояли в учении о переселении душ 25 – учение о метемпсихозе и греховности употребления в пищу бобов [1]. Религия Пифагора нашла свое воплощение в особом религиозном ордена – Пифагорейском Союзе, который имел черты закрытого жестко-организованного общества, своего рода, особой субкультуры. Вот некоторые предписания Пифагорейского ордена: воздерживайся от употребления в пищу бобов. Не поднимай то, что упало. Не прикасайся к белому петуху. Не ломай хлеба. Когда встаешь с постели, сверни постельное белье и разгладь оставшиеся на нем следы твоего тела [1].

Пифагорейство представляло собой движение реформы в орфизме, а орфизм был движением изменений в культе Диониса. Проходящая через всю историю противоположность между рациональным и мистическим впервые появляется у греков как противоположность между олимпийскими богами и теми другими, менее цивилизованными богами, которые имеют больше сходства с примитивными верованиями, представляющими собой предмет рассмотрения антропологов. При этом разделении Пифагор стоит на стороне мистицизма, хотя его мистицизм был специфически интеллектуального рода. Пифагор приписывал себе полубожественный характер и, по-видимому, говорил: "разумные живые существа подразделяются на [три вида]: люди, боги и существа, подобные Пифагору" 27. Все системы, вдохновленные Пифагором, говорит Корнфорд, стремятся к потусторонности; они относят все

ценности к невидимому единству в Боге и проклиная видимый мир как ложный и иллюзорный, как мутную среду, в которой лучи божественного света преломляются и рассеиваются среди тьмы и тумана" [2].

Как говорит Дикеарх, Пифагор учил, "во-первых, что душа,... бессмертна, во-вторых, что она переселяется в другие виды животных, в-третьих, что все, что некогда произошло, через определенные периоды [времени] происходит снова, а нового нет абсолютно ничего, и в [четвертых], что все живые существа... следует считать родственными друг другу" 28. Говорят, что Пифагор, подобно святому Франциску, произносил перед животными проповеди [1].

В организованное им общество на равных условиях принимались и мужчины и женщины; все члены общества владели собственностью сообща и вели одинаковый образ жизни. Точно так же научные и математические открытия считались коллективными и мистическим образом приписывались Пифагору.

Через этику математика оказывается связанной с прославлением созерцательного образа жизни. Барнет следующим образом резюмирует эту этику: "Мы в этом мире странники, наше тело – гробница души, тем не менее, мы не должны пытаться в самоубийстве искать средства выхода из этого мира, ведь мы все в руках Бога, Он наш пастырь, и без Его приказа мы не имеем права покинуть этот мир. Три сорта людей существует в этом мире, их можно сравнить с тремя категориями людей, приходящих на Олимпийские игры. Низший класс состоит из тех, кто приходит покупать и продавать, следующий, выше, из тех, кто состязается. Но лучше всех, однако, те, кто приходит просто смотреть. Именно беспристрастная наука является, следовательно, важнейшим из всех прочих средством очищения; и человек, посвятивший себя науке, – настоящий философ, он наиболее полно освобождается от "круговорота рождения" 29 [1].

Изменения в значениях слов иногда очень поучительны. Выше я говорил о слове "оргия", теперь я хочу рассмотреть слово "теория". Это слово было первоначально орфическим словом, которое Корнфорд истолковывает как "страстное и сочувственное созерцание". В этом состоянии, говорит Корнфорд, "зритель отождествляет себя со страдающим Богом, умирает с его смертью и рождается снова вместе с его возрождением". Пифагор понимал "страстное и сочувственное созерцание" как интеллектуальное созерцание, к которому мы прибегаем также в математическом познании. Таким образом, благодаря пифагореизму слово "теория" постепенно преобразует свое теперешнее значение, но для всех тех, кто был вдохновлен Пифагором, оно сохранило в себе элемент экстатического откровения. Это может показаться странным для тех, кто немного и весьма неохотно изучал математику в школе, но тем, кто испытал опьяняющую радость неожиданного понимания, которую время от времени приносит математика тем, кто любит ее, пифагорейский взгляд покажется совершенно естественным, даже если он не соответствует истине. Легко может показаться, что эмпирический философ – раб исследуемого материала, но чистый математик, как и музыкант, – свободный творец собственного мира упорядоченной красоты [1].

В барнетовском описании пифагорейской этики интересно отметить противоположность ее современным оценкам. Например, на футбольном матче люди, мыслящие по-современному, считают, что игроки гораздо важнее простых зрителей. Эти люди подобным же образом относятся и к государству: они больше восхищаются такими политиками, которые являются конкурентами в политической игре, нежели теми людьми, которые являются только зрителями. Эта переоценка ценностей связана с изменением социальной системы: воин, благородный, плутократ и диктатор – каждый имеет свои собственные нормы добра и истины. В философской теории тип благородного сохранялся довольно долго, потому что этот тип был связан с греческим гением, потому что добродетель созерцательности получила теологическое одобрение, потому что идеал познания беспристрастной истины отождествлялся с академической жизнью. Благородный должен быть определен как член общества равных, которые живут плодами рабского труда или, во всяком случае, плодами труда людей, чье более низкое положение не вызывает сомнений. Необходимо заметить, что год это определение подходит и святой и мудрец, поскольку эти люди живут скорее созерцательной, чем активной жизнью.

Идеал созерцательной жизни, которая освящалась созданием чистой математики, оказался источником полезной деятельности. Это обстоятельство увеличило престиж самого этого идеала, оно принесло ему успех в области теологии, этики и философии.

Именно он ввел в обиход понятие «философия». В ответ на восхищенные слова о его мудрости он возразил, что мудры только Боги, он же не мудрец, но лишь любящий мудрость, то есть не *софос*, а *фило-софос*. «Философия, которую он исповедовал, целью своей имела вызволить и освободить врожденный наш разум от его оков и цепей», — сказал о нем Порфирий. Как известно, Пифагор говорил, что "все вещи суть числа" [2]. Если это положение истолковать в современном духе, то в логическом отношении оно кажется бессмыслицей. Но то, что понимал под этим положением Пифагор, – не совсем бессмыслица. Пифагор открыл, что число имеет большое значение в музыке; об установленной им связи между музыкой и арифметикой напоминают до сих пор такие математические выражения, как "гармоническое среднее" и "гармоническая прогрессия". В его представлении числа, наподобие чисел на игральном костях или картах, обладают формой. Мы все еще говорим о квадратах и кубах чисел, и этими терминами мы обязаны Пифагору [2].

Математика является главным источником веры в вечную и точную истину, как и в сверхчувственный интеллигибельный мир. Геометрия имеет дело с точными окружностями, но ни один чувственный объект не является точно круглым; и как бы мы тщательно ни применяли наш циркуль, окружности всегда будут до некоторой степени несовершенными и неправильными. Это наталкивает на предположение, что всякое точное размышление имеет дело с идеалом, противостоящим чувственным объектам. Естественно сделать еще один шаг вперед и доказывать, что мысль благороднее чувства, а объекты мысли более реальны, чем объекты чувственного восприятия. Мистические доктрины по поводу соотношения времени и вечности также получают

поддержку от чистой математики, ибо математические объекты, например числа (если они вообще реальны), являются вечными и вневременными. А подобные вечные объекты могут в свою очередь быть истолкованы как мысли Бога. Со времени Пифагора, а особенно Платона, рационалистическая религия, являющаяся противоположностью религии откровения, находилась под полным влиянием математики и математического метода.

Начавшееся с Пифагора сочетание математики и теологии характерно для религиозной философии Греции, средневековья и Нового времени вплоть до Канта. До Пифагора орфизм был аналогичен азиатским мистическим религиям. Но для Платона, св. Августина, Фомы Аквинского, Декарта, Спинозы и Канта характерно тесное сочетание религии и рассуждения, морального вдохновения и логического восхищения тем, что является вневременным, – сочетание, которое начинается с Пифагора и которое отличает интеллектуальную теологию Европы от более откровенного мистицизма Азии [1]. С Пифагора начинается вся концепция вечного мира, доступного интеллекту и недоступного чувствам.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Рассел Б. Історія західної філософії / Б. Рассел; пер. з англ.. Ю. Лисняка, П. Таращука. – К.: Основи, 1995. – 759 с.
2. Таранов П. С. 150 мудрецов и философов / П. С. Таранов. – Симферополь – Запорожье: «Нарус-М», 2000. – Т.1. – 832 с.

SECTION: PSYCHOLOGY SCIENCE

**Жуманиёзова Насиба Раматиллаевна, Рўзметова Шаҳноза Ўринбоевна
(Хазарасп, Узбекистан)**

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ИҚТИДОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Annotatsiya: Ушбу мақалода мактабгача ёшдаги болаларни иқтидорини аниқлаш ва интеллектуал –ижодий салоҳиятини ривожлантириш бу борадаги психологларнинг фаолияти ва улар амалга ошириши лозим бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Kalit so'zlar: Ижодкорлик, ақлий қобилият, жамият, ёш даврлар, руҳият, иқтидор, жамоа, шахс, урода, маъсулият.

Annotation: This article discusses how the talented and gifted artistic potential of preschoolers is associated with the activities of psychologists in this field and the problems they need to do.

Key words: Creativity, mental, ability, society, age, periods, spirit, talent, perception, thinking, community, personality, will, responsibility.

Педагогик нуқтаи назардан умумий ва махсус қобилият ёш даврларини инобатга олган ҳолда муҳим жиҳатларга боғлиқ. Эрта ёш даврлар мактабгача ва кичик мактаб ёшида иқтидор умумий ҳамда универсал қобилият сифатида кўрилиши ва ривожланиши мумкин. Вақт ўтиши билан бу “умумий қобилият” ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб маълум бир йўналишни белгилайди. Айни вақтда бу иқтидор бола томонидан қай даражада намоён бўлаётганлигига эътибор қаратиш керак бўлади. Аниқ намоён бўлган, яъни психолог, педагог, ота-оналар томонидан эътибор берилган қобилият “актуал”, атрофдагилар пайқамайдиган қобилият “потенциал” қобилият дейилади. Кўпгина машҳур олимлар, бастакорлар, рассом ва ёзувчилар (масалан, ёш В. А. Моцарт, Ф. Гальтон, И. Мечников, К. Гаусс, Н. Виннер, Г. Лейбниц, В. Гюго) эрта ёшдаёқ ўзларининг қобилиятларини намоён қилганлар. Ва аксинча кўп ҳолларда болаликда ҳеч қандай иқтидорга эга бўлмаган болалар етуқлик даврда муваффақиятларга эришишлари мумкин. Бу ақлий потенциалга кўпинча атрофдагилар эътибор бермасликлари мумкин. Табиийки, ҳар бир ҳолатда иқтидорни пайқамасликнинг сабаблари турлидир. Потенциал қобилият ҳақиқатдан ҳам маълум бир вақтгача намоён бўлмагандир. Балки, ота-оналар педагоглар ва катталар томонидан бола қалбининг нозик ҳаракатларидаги ўзгаришларга етарлича аҳамият берилмагандир, интуитив ҳолда буни пайқамогандирлар ёки билимлари етмагандир. Ёки аксинча, бу нарсаларни тушунмаганликлари сабабли боладаги буюк потенциал имкониятларни сезмаганлар, ва ҳаттоки, бу ижодкорликни, интеллектуал ташаббусни негатив

хусусият сифатида қабул қилганлар. Бошқа, хусусиятларни эса кадрлироқ деб ҳисоблаганлар, яъни, ҳаммамизга шахсий тажрибамиздан маълумки, тиришқоқлик, итоаткорлик, саранжом-саришталик каби ҳислатларни фикрлар оригиналлиги, дадиллик, ҳаракатлардаги ва мулоҳаза юритишдаги мустақилликдан устун қўядиган ота-оналар, ўқитувчилар, олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари, раҳбарлар учрайди. Ақтуал ва потенциал қобилиятлар тушунчасининг мавжудлиги ривожланишни олдиндан прогноз қилиш муаммосини муҳим деб ҳисоблайди. Шахснинг қандай сифатлари ва характер хусусиятлари, феъл-атворидаги ва фаолиятидаги фазилатлари катталарга келажакда боланинг буюк олим, расом ёки давлат арбоби бўлиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу саволга жавоб топиш бирмунча мушкулдир. Психологлар боланинг келажакни “башорат” қилиш имконини берадиган қатор қонуниятларни белгилаб берганлар, лекин асосланган прогнозлар беришга ҳали эришилгани йўқ. Шу билан бирга жаҳон педагогика ва психологияси соҳасидаги тажриба шуни кўрсатадики, боланинг имкониятларига ишончининг педагоглар ва ота-оналарнинг маҳоратига йўғрилганлиги мўъжизалар содир этишга қодир. Баъзи ҳолларда ҳаётда инсонга табиат томонидан берилган қобилиятдан ҳам кўра у ана шу хусусиятни қандай ривожлантира олгани муҳимдир.

Инсон шахси ва унинг характери, шу билан бирга қизиқиш ва қобилиятлари болаликнинг илк йиллариданоқ шаклланиб боради. Болаларнинг келажакдан умидвор бўлган жамият бу жараёнга фаол аралашishi ва инсон шахсини камолга етказиш борасидаги вазифаларга психологик нуқтаи назардан ёндашиши лозим. Айниқса, боғча гуруҳидаги болаларнинг ақлий, жисмоний имкониятлари уларнинг таълим-тарбиясига, интеллектуал салоҳият даражасига ҳамда шахслараро муносабатларига, бола характерининг шаклланишига, шунингдек гуруҳдаги руҳий муҳитга бевосита таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, болалар шахсини ривожлантиришда таълим-тарбиянинг роли ҳамда оила, ижтимоий муҳит ва биологик омилларининг таъсирини ўрганиш долзарб муаммолардан биридир.

Болалар иқтидорини аниқлашда турли методикалардан фойдаланиш орқали боланинг билиш жараёнлари яъни, хотира, диққат, идрок, тасаввур, тафаккур жараёнлари ривожланиши ташхис қилинади. Шу билан бирга ушбу методикалардан коррекцион машғулотлар сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Иқтидорли болаларни аниқлаш давомий жараён бўлиб, шахснинг ривожланишини чуқур таҳлил қилиш билан боғлиқ. Бунда қатор психологик-педагогик талаблар мавжуд:

– боланинг ўзини тутиши ва фаолиятини комплекс баҳолаш, бунда имкон қадар кўпроқ боланинг қобилиятлари ва турли ахборот манбаларидан фойдаланиш;

– идентификациялаш жараёнининг давомийлиги ва бу орқали турли вазиятларда боланинг ўзини тутишини кузатиш;

– боланинг қизиқиш ва лаёқатларига мос келадиган фаолият доирасида ўзини тутишини таҳлил этиш, махсус ташкил этилган ўйин-машғулотларга жалб этиш;

– боланинг фаолиятига баҳо бериш: расмлари, ёзган шеърлари, техник моделлари, математик масалаларни ечиш усуллари қараб;

– ҳар бир боланинг индивидуаллигини ҳисобга олган ва турли психодиагностик методикаларни қўллаган ҳолда ташхис қилишнинг кўп босқичли ва такрорий усулларида фойдаланиш;

– ташхис ишларини реал ҳаёт ва фаолият доирасида амалга ошириш.

Иқтидорли болаларни аниқлашда шу ёш даврдаги иқтидорнинг ривожланиши даражасини, иқтидорнинг турли фаолият доирасида амалга ошириш хусусиятларини, бола ривожланишининг потенциал имкониятларини дифференциация қилиш талаб этилади. Иқтидорли болалар билан ишлашда психологлар иқтидорнинг тузилишини белгилайдиган асосий омилларни билишлари лозим. Булар қуйидагилар:- умумий интеллектуал ёки ақлий қобилиятларнинг юқори даражаси;- билиш мотивининг доминантлиги - бошқа мотив турларидан устунлиги;- янги предметлар, вазифалар, воқеа-ҳодисаларга дуч келганда, муаммони қўйилиши ва ечимини топишда ижодий фаолликнинг намоён бўлиши.

Иқтидорнинг эрта намоён бўлиши икки ёшдан олти ёшгача кузатилади. Бундай болалар икки-уч ёшдан ўқишга интиладилар, уч-тўрт ёшда ўқишни ва санашни биладилар, беш-олти ёшда сўзларни ва унча катта бўлмаган жумлаларни ёза оладилар. Мактабгача ёш даврида иқтидорли болалар бошқалардан интеллектнинг ривожланиш даражаси билан ажралиб турадилар. Ўзларининг жуда фаоллиги, кўплаб савол беришлари, қизиқувчанлиги, катталардан оладиган маълумотни осон эслаб қолиши ва қайта айтиб бера олиши билан бирга, бой тасаввурга эгадирлар. Иқтидорли болалар кўп ҳолларда турли ҳисоб-китобларга қизиқадилар, шеър ёки эртақлар тўқийдилар, мусиқа асбобларини чаладилар, шахмат ўйнайдилар, расм чизадилар, қўшиқ айтадилар ва рақсга тушадилар. Етти ёшдан ўн ёшгача бўлган даврда болалар кўп ҳолларда коллекция йиғишга (маркалар, медаллар, сеvimли мулътфильм ва кино қаҳрамонларининг расмлари ва хок...), қоғоз, ёғоч ва бошқа материаллардан турли предметларнинг лойиҳаларини ясашга қизиқадилар. Иқтидорли болалар 3 ёшдан 5 ёшгача барча номаълум бўлган нарсаларга ва янгиликларга нисбатан мустақил равишда жавоб ахтаришда фаоллик кўрсатиб, катталарга турли саволлар берадилар. Бу саволларга берилган жавоблар орқали атроф оламни, воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларининг боғлиқлигини англайдилар, шахсий ҳатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқара оладилар.

3-ёшли болага хос бўлган ҳислатлар:- Нутқи маъно жиҳатидан бир-бирига боғланган сўзлардан иборат.- Ўйинда ролга киради.- Шар, олма ва бошқа предметларни чиза олади.- Ўзи ечиниб кийина олади.- Кубикларни бир-бирининг устига қўя олади.- Таянчсиз зиналардан ўзи кўтарилиб, туша олади. - ёшли болалар эса, ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин, 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани бера олмайдилар. Ўз-ўзини англаш лаёқати катта боғча ёшида ривожланиб, аввал у қандай бўлгани ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қиладилар. Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни 3 босқичга ажратиш мумкин: - биринчи давр - 3- 4 ёш ораллигида бўлиб, эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқдир; - иккинчи давр - 4- 5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқара олиш билан

боғлиқ; - учинчи давр эса, шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятларини шаклланиши билан тавсифланади.

Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараёндир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганиладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарордир. Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуддир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар эксперт сифатида майдонга чиқадилар. Фақат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз.

Бизга маълумки, интеллектуал тестлар одамни ақлий фаолиятни ривожланганлик даражаси ва уларни алоҳида когнитив процессларини идрок диққат, хаёл, хотира, нутқ баҳолашда қўлланилади. Қуйида мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш жараёнлари, ижодий қобилияти ҳамда болаларда фаолиятнинг бирор соҳасидаги иқтидорни аниқлаш бўйича бир қатор тестлар, шунингдек ушбу ёшдаги болаларда билиш жараёнларини ривожлантириш бўйича машғулотлар ҳамда ота-оналар учун маслаҳатлар тақдим этилади. Ушбу методика мактабгача ёшдаги болаларнинг идрок ва тафаккурининг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун мўлжалланган, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва психологлари томонидан ўтказилади.

Материаллар: 3 та қутича, биринчи қутичанинг ён томонида квадрат, иккинчи қутичанинг ён томонида доира, учинчи қутичанинг ён томонида учбурчак шакллари акс эттирилган бўлиб, 8 та квадрат, 8 та доира, 8 та учбурчак шаклдаги 24 та предметлардан иборат. Ҳар бир шакллар катта ва кичик ҳажмдаги предметларга бўлинади (4 та кичик ва 4 та катта). квадрат шаклдаги предметларга-кубик, гугурт қутиси, совун, китоб ва бошқ; доира-танга, тугмача, шар, копток. учбурчак-конус, калит, арча, ракета. **Методиканинг ўтказилиши:** Боланинг олдига қутичалар қўйилиб ҳар бир предмет биттадан болага кўрсатилади ва қандай шаклга ўхшашлиги сўралади. Бола жавоб бергандан сўнг предмет мос келадиган қутичага солиниши сўралади. Сўнгра кейинги предмет кўрсатилади ва саволлар қайтарилади. Шу тариқа ҳамма 24 та предмет болага бирин кетин кўрсатилади ва шаклларга мос равишда қутичаларга жойлаштирилади. **Натижаларни баҳолаш:** ҳар бир тўғри топилган предмет учун 1 балл берилади. Максимал балл 24 балл. **Эслатма:** методика ҳар бир бола билан алоҳида ўтказилиб, 15-20 минутдан ошмаслиги керак. **«Нима тасвирланганини топ»** методикаси. Ушбу методика мактабгача ёшдаги болаларнинг идрокини ўрганишга мўлжалланган. Унда бола расмнинг бир неча қисмлари ёрдамида бутун расм қандай эканини билиши талаб қилинади.

Методика қуйидагича ўтказилади: Болага расмнинг А қисми кўрсатилади ва шу асосда расмда нима тасвирланганини топиш таклиф этилади. Бунинг учун 10 сония вақт берилади. Агар болалар бу вақт ичида нима тасвирланганини топа олмаса яна 10 сонияга унга расмнинг Б қисми

кўрсатилади. Шу тариқа расм қисмлари то бола унда нима тасвирланганини билмагунча кўрсатилади.

Умумий қобилият эгалари юқори интеллектуал имкониятларга эга бўлиб, муаммонинг ёки бирон-бир масаланинг ечимини тезда топиши, фаолиятига ижодий ёндашиши билан ажралиб туради.

Махсус қобилият эгалари эса-бирон-бир аниқ (масалан, математика, мусиқа, расм чизиш, шахмат ўйнаш, спорт) фаолият турига қобилияти бўлган ва мана шу фаолият билан шуғулланишни афзал кўрадилар.

Иқтидорли болалар бу умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйидаги белгилари билан ажралиб турадилар:

- қизиқувчанлиги;
- доимо турли саволларга жавоб ахтаришлиги;
- нутқи, тафаккури, хотирасининг тез ривожланиши;
- эрта ёшдан оқ мусиқа, расм чизиш, китоб ўқиш, математикага қизиқиши;
- юқори даражадаги билиш фаоллиги ва ўқув фаолияти;
- масалаларнинг ечимини топишда мақсадга интилувчанлик ва оригиналлик;
- тафаккурнинг унумдорлиги;

Агар фарзандингиз барча вазифаларни осонлик билан бажарса, унда мантикий тафаккур, кузатувчанлик, мустақкам хотира, барча нарсаларга қизиқувчанлик, ўз фикрини тушунтира олиш, математик амалларни бажара олиши, дунёқарашининг кенглиги - буларнинг барчаси унда билиш жараёнларининг юқори даражада ривожланганлиги ва катталар томонидан етарли даражада эътибор бериш кераклигини талаб этади. Иқтидорли бола қуйидаги хусусиятларни ҳам ўзида мужассам этади:

- ижодий, оригинал фикрга эга;
- юмор, ҳазилни тушунади;
- бирор нарсани билишга нисбатан чексиз интилиш ва қизиқувчанлик;
- бой тасаввурга эга (ижодий, тасвирий, мусикий фаолиятда намоён бўлади);

кўп ҳолларда ўз тенгдошларидан мустақиллиги билан ажралиб туради, катталар билан мулоқотга интилади.

Баъзида эса ота-оналарни фарзандларининг ўз тенгдошларига ўхшамаслиги, боладаги ўта қизиқувчанлик, билишга катта иштиёқ хавотирга солади. Боланинг хатти-ҳаракатлари қатъий ва ноанъанавий бўлса, масалан, “Нимага?”, “Нима учун?” каби саволларни кўп берса баъзида ота-оналар бу саволларга жавоб беришга қийинасалар, болаларга танбеҳ беришлари, ва ҳаттоки, уни жазолашлари мумкин. Бундай ҳолатларда ота-оналар боладаги ижодий имкониятларни ривожлантириш ўрнига уни сўндирадилар.

Иқтидорли болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганда улар фарзандларининг барча соҳаларда биринчи бўлиши каби хоҳишларини таъкидлайдилар. Масалан, она “менинг фарзандим қобилиятли бўлса-ю, нима учун ўқишни ҳохламайди?” деган саволни бериши мумкин. Баъзида шундай ҳолатлар бўладики, ота-оналар болани ҳаддан ташқари бирор бир машғулот билан шуғулланишга мажбур қилишлари, болада ана шу фаолиятга нисбатан

нафратни уйғотиши мумкин, чунки айни вақтда бола бошқа машғулотларга қизиқаётган бўлиши мумкин. Бирор муддат вақт ўтса, боланинг ўзи ихтиёрий равишда бу машғулотга қизиқиб қолади.

Психологлар шуни таъкидлайдиларки, агар узоқ вақт иқтидорли боланинг интеллектуал ёки ҳаракат эҳтиёжлари қондирилмаса, бу боланинг ҳис-туйғуларига путур етказиши ва невроз ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари иқтидорли болаларнинг ота-оналари баъзида қизим ёки ўғлим ўз тенгдошларини ўзиб ўтиб, масалан 7 ёшида 3-синфда ўқишларига интилиш тўғримики, деган савол билан мурожаат этадилар. Ҳар бир ҳолат ўзига яраша ноёбдир, лекин шу ўринда боланинг ижтимоий ҳаётга мослашуви ҳақида унутмаслик керак. Ахир у бошқа, ўзидан катта болалар томонидан қандай қабул қилиниши маълум эмас-ку. У яққаланиб қолмасмикан?

Болангизнинг бошқалар билан мулоқотига ва мулоқотнинг ижтимоий кўникмаларини коррекция қилувчи гуруҳий ўйинлар билан банд бўлишларига кўпроқ аҳамият беринг. Бундай ўйинларни ўтказишда фақатгина билиш жараёнларининг ривожланишига аҳамият бермасдан, балки бошқа болалар билан биргаликда ҳаракат қилишларига ҳам эътибор бериш керак.

Иқтидор билиш, ўқув, ижодий, бадиий, ҳаракатли фаолият соҳаларида намоён бўлади. Иқтидорли боланинг ўқув фаолиятдаги ютуқлари унинг эрта ёшдан ўқишга бўлган интилишида намоён бўлади. Баъзида болалар 3-4 ёшида, катталарнинг ёрдамсиз мустақил равишда ўқий бошлайди. Бола китобларни томоша қилиши, расмлар асосида ҳикоя тузиши, ҳарфларни ёзиши, катталар ўқиётганда узоқ вақт сабр билан тинглаши, ўз ёшига мос бўлмаган математик амалларга қизиқиши, математик белги ва ишораларни тушуниб эслаб қолиши, баъзида табиатга, табиий фанларга қизиқишини ҳам намоён қилиши, турли предметларнинг келиб чиқиши ва уларнинг вазифаси ҳақида саволлар бериши мумкин. Бадиий фаолият соҳасида бола ўзини эртароқ намоён этади: эрта расм чизишни бошлайди, кўп вақтини, масалан пластилиндан турли нарсаларни ясашга ажратади, бунда ўзининг моҳирлигини намоён этиш орқали, ранглар, композицияларни тўғри танлай олади. Шунингдек, мусиқага ҳам эрта қизиқиш пайдо бўлади, мусиқий товушларни ажрата олади.

Ҳаракатлантирувчи соҳадаги иқтидор болада турли ҳаракатларни бажариш, яъни югуриш, сакраш турли акробатик машқларни бажариш, мувозанатни сақлай олишда намоён бўлади.

Бола турли ёки битта соҳада иқтидорли бўлишига қарамай, мана шу табиат томонидан берилган қобилиятни ўз вақтида аниқлаб, унинг ривожланишига ёрдам беришимиз керак.

Агар фарзандингиз иқтидорли бўлса, у ҳолда:

- унинг қизиқиши, ижодкорлигини, фикрлар оригиналлигини қўллаб-қувватланг;
- болани ҳеч қачон бирор бир нарсани нотўғри бажардинг деб койиманг;
- боланинг ўз севимли машғулот ёки ўйин турини танлашига ва ўз фикрини баён этишига имкон беринг;
- бола сизга эмас Сиз унга мослашишингиз кераклигини унутманг;
- тенгдошлари ва катталар билан муносабатлардаги муаммоларни

бартараф этишда ёрдам беринг;

- ўзи каби ҳар томонлама ривожланган дўстлари бўлишига аҳамият беринг;

- болангининг ҳар доим ҳам ғолиб бўлишига ортиқча интиланг, акс ҳолда бошқа болалар, тенгдошлари уни ёмон кўриб қолишлари мумкин;

- уни ҳаддан ташқари мақтанг, иқтидорли эканлигини ўзининг олдида гапирманг;

- боладан ҳар доим ва ҳамма соҳада биринчи бўлишини, мактабда эса аълочи бўлиши кераклигини талаб қилманг (чунки мактабда аъло баҳоларга ўқиш ҳар доим ҳам иқтидорли бўлишга боғлиқ эмаслиги исботланган).

- боланинг ютуқларини эмас балки уни қандай бўлса шундайлигича яхши кўришингизни доимо фарзандингиз ҳис этсин;

- ҳеч қачон болага бошқалардан ёмонроқсан деб айта кўрманг, уни бошқа болалар билан таққосламанг;

- боланинг ҳар бир саволига имкон қадар рост ва сабр билан жавоб бериш лозим;

- ҳар куни фарзандингиз билан ёлғиз қолиш учун вақт ажратишга ҳаракат қилинг;

- болани фақатгина тенгдошлари билангина эмас балки катталар билан ҳам эркин ва бемалол мулоқот қила олишга ўргатинг;

- у билан ғурурланишингизни таъкидлашдан уялманг;

- болага нисбатан ўз ҳиссиётларингизни баҳолашда ростгўй бўлинг;

- болага ҳар доим рост гапиринг, агар бу сиз учун фойдасиз бўлса ҳам;

- болани айби учун жазоламоқчи бўлсангиз (масалан, бирор бир нарсани синдириб қўйса ёки кийимини ифлос қилиб келса) унга айни вақтдаги айби учун танбеҳ беринг;

- куч билан болага таъсир ўтказманг, мажбур қилиш боланинг маънавий тарбиясига, шахсини ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатади;

- болангиз хато қилишга ҳақли эканлигини тан олинг;

- боланинг ёдида фақат бахтли онлар муҳрланиб қолишига ҳаракат қилинг;

- катталар болага қандай муносабатда бўлишса, бола ҳам ўзига худди шундай муносабатда бўлади;

- ҳеч бўлмаганда баъзи-баъзида боланинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, ана шундагина болага қандай муносабатда бўлишингизни англаб етасиз.

Фарзандларимизнинг тарбиясига салбий ва ижобий таъсир этадиган қуйидаги фикрларга кундалик турмушимизда амал қилсак, келажак авлоднинг мустақил фикр эгаси, маънан ва ақлан баркамол бўлиб етишишига, давлат ва жамиятимизнинг равнақиға муносиб ҳисса қўшишига эришамиз. **Болалар яшаши ҳаётдан ўрганадилар.**

Агар бола мунтазам танқид қилинса, у нафратга ўрганади.

Агар бола адоват(ёвгарчилик, зидлик, хусумат) муҳитида яшаса у тажовузкорликка ўрганади.

Агар бола мунтазам мазах қилинса, у индамас, одамови бўлиб қолади.

Агар бола фақат танбеҳ эшитиб катта бўлса, унинг ўзига ишончи йўқолади.

Болалар яшашни ҳаётдан ўрганадилар.

Агар бола сабр-тоқат муҳитида катта бўлса, у бошқаларни фикрини ҳурмат қилишга, улар билан муросада бўлишга ўрганади.

Агар боланинг фикрини ҳам тез-тез инobatга олиб турилса, унинг ўз-ўзига бўлган ишонч ҳисси ортади.

Агар бола тез-тез мақтаб турилса, унда миннатдорлик ҳисси шаклланади.

Агар бола фақат ростгўйлик муҳитида яшаса, у адолатли бўлишга ўрганади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Диагностика в детском саду. Содержание и организация диагностической работы в дошкольном образовательном учреждении. Методическое пособие. – Ростов н/Д: «Феникс», 2003.
2. Немов Р.С. Психология: Учеб. для студентов высш. пед. учеб. заведений: В 3 кн. Кн. 3. Психология образования. 3-е изд. - М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 1998.
3. Диагностика умственного развития дошкольников Под редакцией Л. А. Венгера и В. В. Холмовской Москва “Педагогика” 1978.
4. Гуревич К. М., Горбачева Е. И. Умственное развитие школьников: Критерии и нормативы. Знание, 1989.
5. Школьный тест умственного развития (ШТУР). Практикум по психодиагностике.-М.: МГУ, 1990.
6. Рогов Е. И. Исследование познавательной сферы подростка. Настольная книга практического психолога в образовании.- М.: 1996.

**Жуманиёзова Насиба Раматиллаевна, Матяқубова Феруза Қадамбоевна
(Янгиариқ, Ўзбекистан)**

ТУРЛИ ЁШ ДАВРЛАРИДА ҚЎРҚУВ ҲОЛАТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Annotatsiya: Ушбу мақалода турли ёш даврларида намоён бўладиган қўрқув ҳолатларининг юзага келиши ва уларни психологик механизмлари очиб берилган.

Kalit so'zlar: Ёш даврлари, фобия, психика, онг, онг ости, ҳолат, вазият, стресс, депрессия, механизм, интилиш, қобилият, характер, қобилият

Annotation: This article describes the emergence of fearful situations and psychological mechanisms of different ages.

Key words: Age circumstances, phobia, psychis, consciousness, understanding, condition, stress, depression, ability, character, temperature.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиб, жаҳоннинг ривожланган давлатлари орасида муносиб ўринни эгаллаб, дадил қадамлар билан илгарилаб борар экан, шубҳасиз шу мустақилликни ва унинг порлоқ истиқболлини таъминловчи омилларнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Барқамол авлод камолоти ғоясини турмушга тадбиқ этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ миллий маънавият, миллий таълим ва тарбия муаммоларини ҳал қилишга жиддий эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда маориф тизимида аниқ ва равшан ҳамда илмий асосланган давлат сиёсати мавжуд. У инсонпарварлик ва демократияга сўянган бўлиб, унда ҳар бир фуқаронинг таълим ва тарбия олиши конституция асосида қонунлаштириб қўйилган.

Инсонлар кўпинча қўрқув ҳолатини хавф- хатар вақтида, баъзан бирор бир шахс олдида, муҳим иш ва муҳим учрашувлардан олдин, низоли вазиятларда, ўқиш ва ишда муваффақиятсизликка дуч келганда, жамоа олдида сўзга чиққанда, кутилмаганда содир бўладиган чўчитувчи вазиятларни бошдан кечиридилар.

Кўпинча психологик адабиётларда қўрқув муаммоси таниқли олимлар томонидан кенг доирада таҳлил қилиниб, бу борада илмий-назарий таърифлар ишлаб чиқилган. Кенг тарқалган таърифларга кўра:

Қўрқув – субъект ўзининг хотиржам ҳаёт кечиришига зиён етиши мумкинлиги ҳақида, унга таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган хавф- хатар ҳақидаги хабарни олиши билан пайдо бўладиган салбий ҳиссий ҳолатдир. Киши қўрқув ҳиссиётига берилганда муваффақиятсизликка учраши мумкинлигини фақат эҳтимолий тарзда билади ва ушбу (кўпинча етарлича ишонарли бўлмаган) тахминга биноан ҳаракат қилади. Қўрқув ҳиссиёти стеник тусда ҳам, астеник тусда ҳам бўлиши ёки руҳан астойдил тушкунликка берилган ва хавотирланган тарзда ёки аффектив ҳолатга тушган тарзда кечиши мумкин.

Қўрқув – одамнинг ўзига ёки яқин кишиларига тааллуқли бўлган ҳақиқий ёки хаёлий хавф - хатарга нисбатан қайтарадиган эмоционал реакциясидир.

Қўрқув юзнинг оқариши, баданнинг титраши ва бошқа бир қанча ихтиёрсиз товушлар, ҳаракатлар билан ифодаланади. Қўрқув хавф- хатардан қочиш ёки ҳаракатсиз туриб қолиш ҳолатида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Қўрқув ҳолати шахсда психик жараёнларнинг нормал кечишига катта таъсир кўрсатади. Бу жараёнда сезувчанликнинг ўта ошиб кетиши ёки пасайиши вазиятнинг моҳиятини тушунмаслик, идрок этишнинг ёмонлашуви каби ҳолатларни кузатиш мумкин. Қўрқув тафаккур жараёнига ҳам таъсир кўрсатиб, баъзи инсонларда фикрлашнинг раволашуви ва вазиятдан тезроқ чиқиб кетиши интилиш билан намоён бўлса, бошқаларда, аксинча, таффакур маҳсулдорлигининг пасайиши, нутқ ва ҳаракатларда мантиксизлик акс этади. Жуда кўп ҳолатда иродавий соҳа заифлашиб, инсон бирор қарор қабул қилишга, вазиятни назорат қилишга ўзида куч топа олмай қолади. Қўрқув вақтида кўпинча нутқ бузилиб, товушда титроқ пайдо бўлади. Қўрқув ва хавотирлик диққат жараёнига ҳам катта таъсир кўрсатади. Одатда, диққат жуда тарқоқлашиб, инсон ўз диққат эътиборини бир ерга тўплай олмай қолади ва баъзан, аксинча диққатининг барқарорлиги ошиб, айнан бир объектга томон йўналтирилганлигини ҳам кўриш мумкин.

А. Кемпински қўрқувни келтириб чиқарувчи ҳолатларни 4 гуруҳга ажратади: ҳаёт учун бевосита хавфли таъсир кўрсатувчи омиллар, ижтимоий таҳдидлар, фаолликни шахсан танлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги ҳамда ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабатлардаги бузилишлар. Келиб чиқиш сабабларига кўра қўрқувни биологик, ижтимоий, руҳий ва дезинтеграцион турларга бўлиш мумкин.

Қўрқув хавф-хатардан ҳимояланишга ва ундан қочиш йўллари излашга ундовчи нормал эмоционал ҳолат ҳисобланади. Ҳеч қачон қўрқувни ҳис қилмаслик мумкин эмас, ҳолбуки қўрқув ва хавотирликнинг йўқлиги ҳам психик бузилиш белгисидир. Аммо баъзи инсонларда маълум бир вазият ва ҳолатга нисбатан ноадекват реакциялар билан ифодаланувчи ёпишқоқ қўрқувлар ва фобиялар ҳам учраб туради. Фобияга дучор бўлган инсон қўрқувнинг асосиз эканлигини тушуниб этади, аммо қўрқувдан халос бўла олмайди. Ёпишқоқ қўрқувларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ҳар бир инсонда мавжуд. Шунинг учун ҳам фобиялар етарлича кенг тарқалган.

Фобия - бирор вазият, ҳодиса предметга нисбатан вужудга келадиган бирмунча турғун ва асосиз қўрқувдир. Фобия билан азият чекувчилар қўрқувларига сабаб бўлувчи предмет ёки вазият ҳақида ҳатто ўйлаганларида ҳам уларни ваҳима қамраб олади. Фобия инсонларнинг нормал ҳаёт кечиришларига тўсқинлик қилиб, шахсий, ижтимоий ва касбий фаолиятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фобия қўрқувдан кучли ва турғун ҳолда намоён бўлиши, қўрқув уйғотувчи объектдан қочиш истагининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Маълумотларга қараганда ер юзи аҳолисининг 10-11 % и турли хил фобиялардан азият чекади. Бу ҳолат инсонда кутилмаганда ва англамаган сабабга кўра пайдо бўлиши мумкин. Айниқса, болаларда қўрқув ва фобиялар уларнинг жамиятга, ўраб турган оламга мослашиш жараёнида кўпроқ учрайди. Кўрсатилишича, фобиялар фантазияси яхши ривожланган, хавотирланувчан характерга эга бўлган, ўзига ишонмайдиган, ўзига паст баҳо берадиган, мулоқатга киришиш малакалари яхши шаклланмаган инсонларда

кўпроқ кузатилар экан. Бу жараёнга ирсият ҳамда тарбия ҳам катта таъсир кўрсатади. Фобия эркакларга қараганда аёлларда кўпроқ учрайди. Бу ҳолат аёлларнинг ҳиссиётга берилувчанликлари ва кўпинча агрессиянинг объектига айланиб қолишлари билан боғлиқдир.

Фобиянинг жуда ҳам кўп турлари мавжуд: одамлар бирор ҳайвондан, ҳашоратдан, баландликдан, ёлғиз қолишдан, касаликка чалинишдан, очиқ ёки берк бўшлиқдан қўрқадилар. Ҳатто инсонларда фобифобия, яъни бирор фобияга дучор бўлишдан қўрқиш каби тури ҳам учрайди. Одамларнинг доимо кўрқув ҳиссини қўзғатувчи вазиятдан қочишлари фобиянинг белгисидир.

Фобиялар вақтида инсон кўрқув объектига нисбатан вегетатив нерв системасидаги қўзғалишлар натижасида 2 хил усулда жавоб реакциясини кўрсатиши мумкин:

1 – ҳолатда, симпатик нерв системаси қўзғалиб, юрак уришининг тезлашуви, қон босимининг кўтарилиши, терининг қизариши каби белгилар кузатилса, 2 – ҳолатда эса парасимпатик нерв системасининг қўзғалиши натижасида юрак уришининг секинлашуви, қон босимининг пасайиши, тери рангининг оқариши, совуқ тер чиқиши каби ҳолатлар намоён бўлади [81].

Маълумотларда кўрсатилишича, фобия наслдан-наслга ўтади. Ота - онада бирор фобия мавжуд бўлган бўлса, фарзандга ҳам шу ҳолатга нисбатан мойиллик наслий йўл билан узатилади, аммо бу мойиллик айнан шу фобия турига нисбатан бўлмаслиги мумкин.

Фобиялар инсон ҳаётининг фаолиятининг деярли ҳамма жабҳаларида учраши мумкин:

1) Инсоннинг уйда бўлиш, хўжалик ишлари, шахслараро муносабатлар ва ҳоказолар билан боғлиқ фобиялар: ёнгин чиқишидан, газ билан захарланишдан, ток зарбасидан (уришидан), сув босиб кетишидан, баландликдан, ифлосликдан, ювиш воситаларидан, дорилардан, маиший асбоблар портлаб кетишидан, уйнинг қулаб тушишидан, ёлғизликдан ёки қоронғуликдан қўрқиш.

2) Иш фаолияти билан боғлиқ фобиялар (ҳамкасблар ва бошлиқлар билан муносабатлардан, атроф - муҳитдан ва ҳоказолардан қўрқиш): ишни бошлашдан, ишни йўқотиб қўйишдан, янги мутахассислигига мос бўлмасликдан, иш жойида шикастланиш ёки бахтсиз ходисадан, нафақага чиқишдан, ҳамкасблари билан ўзаро бир- бирини тушуна олмасликдан, бошлиқлардан, назорат – текширувчи ташкилотлардан, муҳим музокаралардан, масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўрқиш.

3) Инсоннинг шахсий, жинсий ҳаёти билан боғлиқ фобиялар: ҳомиладорликдан, фарзандсизликдан, зўрланишдан, жинсий юқумли касалликлар юқишидан, турли касалликлар билан касалланишдан, қариликнинг қийин кечишидан, соч тўкилишидан, аллергия реакциялардан қўрқиш ва бошқалар.

4) Яширин фобиялар: Қарама - қарши жинс вакилларидан; бирор иллатга берилиб қолишдан; алкоголь, наркотик маҳсулотларига, дори воситаларига ва бошқа хил тобелик юзага келишдан; омадсизликнинг такрорланишидан, кимнингдир жонига қасд қилишдан; ўлдирилишдан; ёпиқ жойлардан, бинолардан, ўзини ўлдиришдан, бойлигини йўқотишдан, ақлдан озишдан, ўзга сайёраликлар билан учрашувдан, турли ранглардан, руҳ ва

арвоҳлардан кўрқиш.

5) Ота-оналарда кечадиган фобиялар: ўз бепуштлигидан, ҳомиладорликдан ҳомилага зарар етишдан, туғруқ оғриқларидан, турмуш ўртоғи болани севмаслигидан, болада қандайдир иллат аниқланишидан, унга зиён етказишларидан кўрқиш.

Юқорида келтириб ўтилган фобиялардан ташқари болалар ва ўсмирлар, йигит ва қизлар, эркаклар ва аёллар учун хос бўлган жуда кўп фобия турлари мавжуд. Таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳолатларнинг оддий кўрқув ёки хавотирлик сифатида намоён бўлиши табиий ҳол. Аммо шу каби ўй – фикрларнинг инсон миясини банд этиши, бирор нарсадан қаттиқ кўрқиш, ҳатто ўша нарсанинг номини эшитиш ёки суратини кўришнинг ўзи ҳам инсоннинг даҳшатга тушишига сабаб бўлиши ва энг асосийси бу кўрқувлардан одам ўз ирода кучи ёрдамида халос бўла олмаслиги фобиянинг характерли хусусиятларидандир.

Фобиялар маълум вазиятлар, ҳодисалар ва тасаввурлар билан боғлиқ бўлган доимий хавотирлар ва кўрқувлар асосида тез ва сезиларсиз шаклланиши ҳамда оғир психопатологик асоратлар даражасигача ўсиб келадиган қийноқли руҳий кечинмаларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Хавотирлик, кўрқув ва фобиялар кечишнинг давомийлиги билан ажралиб туради, ўсиб ривожланишга, ортиб боришга, ўз шаклларини ўзгартириб, бошқа ҳаётий вазиятлар, предметлар шаклларига айланишга мойил бўлади. Улар доимий тушкунлик, ғамгинлик, ҳолсизлик ёки агрессия ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлади. Бир одамнинг ўзида бир неча фобиялар кузатилиши мумкин. Бунда инсон ўз касаллигининг барча кўринишларини танқидий идрок этиши тўлиқ сақланиб, бу ҳол унинг руҳий азобларини янада кучайтиради.

Фобиялар инсон хулқининг баъзи ноодатий ҳолатига ҳам сабаб бўлиши, атрофдагиларнинг номувофиқ реакциясига олиб келиши мумкин. Масалан, фобик кўрқувлар содир бўлиши тимсоли мавжуд бўлган бахтсизликдан ҳимояланиш мақсадида ўтказиладиган бутун бошли маросимгача бўлган ҳаракатлар, кўпинча соғлом фикр нуқтаи назаридан эриш бўлган хулқ- атвор кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, фобия- инсонлар эмоционал соҳасининг патологик ҳолати бўлиб, асоссиз равишдаги кучли кўрқув кўринишида намоён бўлади.

Кўрқув ўзининг интенсивлигига қараб одамда аввалдан сезиш, ишончсизлик, ҳимоясизлик сифатида намоён бўлади.

Бу вазият инсоннинг ўз ҳаётига, танасига ёки руҳий ҳолатига нисбатан хавфни ҳис қилганда акс этади.

Баллнинг ёзишича, кўрқув сезгиси ўзининг энг оддий шаклида аниқ қарама- қарши табиатга эга бўлиб, тадқиқ қилиш инстинкти ва ўз жонини сақлашга интилиш инстинкти ўртасидаги курашнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Бу икки қарама- қарши тенденция кўрқувни бошланғич ҳолатда ҳайратда қолиш ва сунгида ўзига хос мослашиш феъл - атворини намоён қилишда кўринади.

Кўрқув «қоронғуликдан пайпаслаб қутилиш» кабидир, яъни у хавфни дурустроқ баҳолашдан олдин содир бўлади.

Қўрқув ўзининг салбий жиҳатларига қарамасдан, инсоннинг руҳий ҳаётида турли хил функцияларни бажаради: Қўрқиш хавф- хатарга жавоб реакцияси сифатида у билан тўқнашишдан қочишга имконият яратади, руҳий ўз- ўзини бошқариш тизимида ҳимоявий, мослаштирувчи ролни ўйнайди.

Психодинамик назария: З.Фрейднинг фикрича, фобия – яширин хавотирлиликни назорат қилиш учун инсоннинг сиқиб чиқариш ва кўчириш ҳимоя механизмидан ортиқча фойдаланиши натижасидир. Бундай инсонлар кўпинча қўрқув ва хавотирлиликни келтириб чиқарувчи сигналларни онг остига сиқиб чиқаришади ва назорат қилиш бўлган нейтрал объект ёки вазиятга нисбатан мавжуд қўрқувлар билан аралаштириб юборишади.

Психоанализ таълимотига кўра назорат қилинмайдиган, автоматик тарзда ваҳима билан кечадиган қўрқув шахс тараққиётининг илк, архаик босқичини эслатади. Сигнал қўрқувга қобиллик эса, аксинча шахснинг маълум даражада етуклигини билдиради. Айни пайтда автоматик қўрқув «Мен»ни эзиб, янчиб, ташлашга қобил бўлса, сигнал қўрқув «Мен»га хизмат қилади, уни хавф ҳақида огоҳлантиради.

Хавфдан бундай ҳимояланиш унга реал қарши туриш қобиллигидан иборат бўлиши керак. Лекин болалиқда ҳали бундай қобилият шаклланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам болалар қўрқувининг кенг тарқалганлиги табиийдир. Болалар «Мен» ида афсуски бундай қўрқувларга қарши туришнинг керакли ҳулқ усуллари йўқ.

Усмирлик ёши (10-11 ёшдан 14-15 ёшгача) ҳаётнинг мактаб даврига- умумий ўрта таълим босқичига тўғри келади. Шунинг учун ўсмирларнинг муаммолари асосан тенгқурлари ва ўзини қуршаб турган жамоа муҳитида ўз шахсининг аҳамияти, олдинда турган катталик ҳаёти йўналишини танлаш, ўқиш фаолияти билан боғлиқ хавотирлик ва қўрқувларга асосланади. Ушбу тадқиқотдан кўзланган мақсад ўсмирларда эмоционал зўриқиш, қўрқув ҳолатлари ва уларнинг шахс хусусиятлари ҳамда шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳоси билан боғлиқлигини ўрганишдан иборат. Президентимиз таъкидлаганларидек, келажагимиз ёшлар кўлида экан, ўзининг соғлом фикрига эга бўлган, ўз фикрини эркин баён эта оладиган, ўз кучига ишонган комил инсонни вояга етказиш юртимиз равнақи ва келажаги учун муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, ўзига ишонган, ўз қадрини билган инсон ўзини ҳурмат қила олади ва ўзини ҳурмат қилган инсонгина Ватанини, халқини ҳурмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Адизова Т. М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностикаси ва коррекцион ишлари.- Тошкент, ТДПУ, 1997.
2. Адилова М., Раҳмонова Д. Р. Фарзандлар меҳримизга муҳтож. Аёллар психологияси: анъанавийлик ва ўзгарувчанлик. Республика илмий – амалий анжумани маърузалари тўплами. – Тошкент, 2002.
3. Анастаси А. Психологическое тестирование. – М.:, 1982. Т.2.
4. Баратов Ш. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. -Тошкент, Ўқитувчи, 1995.
5. Беспалько И. Г., Гильяшева И. Н. Проективные методы // Методы психологической диагностики и коррекции личности. -Л., 1983.
6. Блейхер В. М. Клиническая патопсихология. – Ташкент, 1976.

7. Боярд Р. Г., Боярд Д. Ваш беспокойный подросток: Прак. Руководство для отчаящихся родителей: пер. с англ. – М. 1991.
8. Бурлакова Н. С., Олешкевич В. И. Проективные методы: теория, практика применения к исследованию личности ребенка.- М.: 2001.
9. Бурлачук Л. Ф. Введение в проективную психологию. - Киев, 1997. С. 5-39.

**Жуманиёзова Насиба Раматиллаевна, Алламова Шохиста Юлдашевна
(Ургенч, Узбекистан)**

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Annotatsiya: *Ушбу мақолада халқ таълими тизимида амалиётчи психологларнинг фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, психологик хизматнинг йўналишлари ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш усуллари очиб берилган.*

Kalit so'zlar: *Психика, онг, тизим, амалий, метод, методика, низом, синалувчи, ақлий ривожланиш, қобилият.*

Annotatsiya: *This article describes the features of the organization of the psychology of the psychologist-psychologist, the direction of the psychological service and regulatory document in the public education system.*

Key words: *Psychology, consciousness, system, methodology, methodology, mentality, mental development.*

Халқ таълими тизимида психологик хизмат самарадорлигини оширишнинг таъсирчан восита ва усулларини амалга татиқ этиш, мутахассисларни тизимда олиб борилаётган янгиликлар, янги психологик технологиялар билан таништириш, халқ таълими тизимида психологик хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 25 декабрдаги 9-сонли Ҳайъат Қарори билан ҳар ойнинг иккинчи чоршанба куни туман (шаҳар) ХТБларида “Мақтаб амалиётчи психологлари ўқуви куни” деб белгиланди.

Мақтаб раҳбарлари ҳар ойнинг иккинчи чоршанба куни Халқ таълими бўлимида ўтказиладиган ўқув курсларида амалиётчи психологларнинг иштирок этиши учун барча шароитни яратиб беришга масъулдир.

Ҳар бир ўқув режа белгиланган мавзулар асосида ўтказилади. Шу билан бир қаторда ўқув кунларида, амалиётчи психологлар иш режаларининг бажарилиши, иш ҳужжатларининг юритилиши, синф раҳбарлар, фан ўқитувчилари, ота-оналар, маҳалла вакиллари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда бажарган ишлари муҳокама этилади.

Булардан ташқари шахслараро муносабатларда яққаланиб қолган, паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш, суицид ҳоллари ва уни бартараф этиш чоралари ва бошқа шу сингари масалалар муҳокама этилади.

Шунингдек, психологик хизмат самарадорлигини ошириш бўйича долзарб вазифа ва муаммолар ва уларнинг ечими янги қабул қилинган қарор, буйруқ, Низом, йўриқномалар, ишлаб чиқилган тавсия, методик қўлланма, ишланмалар, “Мақтаб ва ҳаёт” журналида йўналиш бўйича чоп этилган мақолалар, янгиликлар ва ҳ.к.лар ишлаб чиқилади.

Ўқув курсларини сифатли ўтказиш учун лекторлар гуруҳини олдиндан белгилаб олиш ва уларнинг ҳар бир ўқув машғулотига пухта тайёргарлик кўришлари учун имкон яратиш, машғулотларда янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, психологик тренингларни

ўтказишни машқ қилдириш, умумтаълим мактаблари амалиётчи психологлари орасидан ташаббускор ва ижодкор психологлари аниқлаш, уларнинг илгор тажрибаларини оммалаштириш ва тарғиб этиш мақсадида “Иил мактаб психологи” кўрик- танловининг вилоят, республика босқичлари ғолиблари тақдимотларини, ижодий ҳисоботларини ўтказиш ва бошқалар тавсия этилади.

Мазкур ўқувларни жиддий тайёргарлик кўрган ҳолда, режа асосида юқори савияда ташкил этиш талаб этилади. Ўқувлар режасини туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари тасдиқлайди.

Ўқувларнинг ўтказилишига бевосита туман(шаҳар) ХТБлари ташхис марказларининг раҳбарлари ва психологлари масъулдирлар.

Республикамизда жорий этилган психологик хизмат самарадорлигини ошириш учун мактабларни мутахассис амалиётчи психологлар жумладан, “психология” ихтисослиги бўйича олий маълумотга эга бўлган психолог ёки қайта тайёрлашдан ўтиб, “амалиётчи психолог” малакасига эга бўлган олий маълумотли педагоглар билан таъминлаш, уларга илмий-услубий методикалар ишлаб-чиқиш, бунинг учун хизмат тизимининг бошқа бўғинлари фаолиятини мақсадга йўналтириш, бошқариш ва бошқа шу каби долзарб вазифалар муҳофама этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида психологик хизмат “психология” ихтисослиги бўйича олий маълумотга эга бўлган психолог ёки қайта тайёрлашдан ўтиб, “амалиётчи психолог” малакасига эга бўлган олий маълумотли педагоглар томонидан амалга оширилади.

Мактаб амалиётчи психологи мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, тиббий ходим ёки дефектолог, синф раҳбарлари билан ҳамкорликда юқоридаги меъёрий ҳужжатлар асосида ишлайди.

Болаларни мактабга қабул қилишда уларнинг психологик-педагогик тайёргарлик даражасини ўрганади.

Ота-оналарга болаларини мактабга тайёрлаши бўйича тавсия ва маслаҳатлар беради, ўқувлар ташкил этади.

Ақлий ривожланиш даври чўзилган болалар учун мослаштирувчи, коррекцион-ривожлантирувчи, юқори даражада индивидуаллаштирилган гуруҳлар ташкил этади, бу гуруҳларда махсус дастурлар асосида машғулотлар ўтказилади. Болаларнинг психик тараққиёти, шахс ва ақлий ривожланишини мунтазам равишда кузатиб боради, салбий бурилишлар олдини олади, нуқсонларни тузатиш, бартараф этиш чораларини кўради, улар ҳақида тегишли маълумотлар тўплайди, психологик ва тиббий ёрдам беришни ташкил этиб, махсус ўқув муассасаларига йўлланмалар беради.

Бошланғич синфлардан ўрта синф (5-синф)ларга ўтиш даврида ўқувчиларнинг янги муҳитга мослашув ишларини ташкил этади.

Ҳар бир болага индивидуал ёндашувни ва унинг психологик- педагогик ўрганилишини таъминлайди.

Шахслараро муносабатларни ўрганади, зиддиятли ва низоли ҳолатлар олдини олади, бартараф этади ҳамда жамоада муътадил психологик муҳитни яратди.

Бола тарбиясига дахлдор шахсларнинг психологик саводхонлигини ошириш бўйича долзарб мавзулар билан иштирок этиб, давра суҳбатларини

ташқил этади.

Ўқувчилар учун ўқиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ҳаёт йўлини танлаш ва бошқа муаммолари бўйича индивидуал, гуруҳий маслаҳатлар ўтказилади.

Таълим-тарбия, касб-хунарга йўналтириш ишларига оид психологик муаммолар бўйича мактаб маъмурияти, педагоглар, ўқувчилар ва ота-оналарга маслаҳатлар беради.

Мактабни битириш арафасида турган ўқувчиларга кейинги таълим йўналишини онгли танлашида ёрдамлашади ва тегишли тавсиялар беради.

Ўқувчилар ва ота-оналарни психологик-педагогик ҳамда касбий ташхис методикаларининг мақсади, мазмун-моҳияти ва натижаси билан таништириб боради.

Ўқитувчилар, ўқувчилар учун махсус психологик тренинглар ўтказилади, руҳий ва ақлий зўриқиш ҳолатларини бартараф этади.

Боланинг интеллектуал жиҳатдан ва шахс сифатида ривожланиш жараёнида юз бериши мумкин бўлган четга чиқишларни, девиант (хулқи оғишган) ликнинг профилактикаси (олдини олиш) ва уни коррекциялаш ишларини ташқил этади.

Ўқувчиларнинг қизиқиш, қобилият ва иқтидорини диагностикалашда, махсус синфлар, ихтисосга йўналтирувчи дастурлар тузишда ўқитувчиларга ёрдамлашади, давра суҳбатларини ташқил этади

Иқтидорли ва истеъдодли болаларни аниқлашда, улардаги иқтидор, истеъдодни ривожлантириш юзасидан синф раҳбарлар, фан ўқитувчилари ва ота-оналарга тавсиялар беради.

Ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, билиш психик жараёнларини таълим олиш давомида (1-синфдан 9-синфгача) “Психологик-педагогик ташхис дафтари”да қайд этиб боради.

Ўз йўналиши бўйича мактаб педагогика кенгаши, директор ҳузуридаги ва касб-хунарга йўналтириш комиссиялари йиғилишларида кўриб чиқиш учун масала тайёрлайди ва ҳисобот беради

Мактабда ўқитувчиларнинг психологик саводхонлигини ошириш мақсадида педагогика-психология фанининг энг янги ютуқларини мактабнинг амалий фаолиятига узлуксиз тадбиқ этади

Мактаб жамоаси учун ўқув-тарбия ишининг самарали усул ва йўллари белгилашда ёрдалашади. Психологик хизмат мазмуни таълим-тарбия жараёнини болаларнинг имконият, эҳтиёж, қизиқиш ва қобилиятлари билан мувофиқлаштириш асосида, уларнинг руҳан соғлом, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишларини таъминлаш мақсади билан ифодаланади.

Психологик хизмат фаолияти ўқувчилар ақлий тараққиёти ва шахсий хусусиятларини диагностика қилиш, таълим тарбиядаги бузилишларнинг психологик сабабларини аниқлашга қаратилмасдан, балки бундай бузилишлар олдини олиш ва йўқотишга қаратилади.

Психологик хизмат тиббий, дефектологик ва бошқа хизмат турлари билан бола тарбиясида ёрдам кўрсатувчи жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида ташқил этилади. Амалиётчи психолог ўз фаолиятини педагогик жамоа, ўқувчилар ва ота-оналар билан ҳамкорликда амалга оширади.

ҳар бир боланинг индивидуал психологик хусусиятлари, қизиқишлари,

қобилият ва лаёқатларига мувофиқ ривожланишида унинг психологик имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш;

ўқувчининг интеллектуал, шахсий ва ижтимоий ривожланишидаги оғишларни ўз вақтида аниқлаш, тузатиш ва олдини олиш;

умумтаълим мактаб ўқувчилари ҳамда битирувчиларининг касбий ва ҳаётий ўзлигини англашида уларнинг қизиқиш, қобилият, мойилликлари ва саломатлигини инобатга олган ҳолда психологик қўллаб-қувватлаш;

таълим жараёни барча субъектларининг психологик саломатлигини муҳофаза қилиш, ўқувчилар жамоаси ва педагогик жамоада соғлом психологик иқлимни сақлаш, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг энг мақбул ечимларини топиш;

муассасада ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси, ўсмирлар ва ёшлар хулқидаги оғишлар, шахснинг оилада ва жамиятда мослашуви ва ижтимоийлашуви муаммолари бўйича психологлар, педагоглар, ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг ҳамкорлигини таъминлаш;

“хавфли гуруҳ”га кирувчи ўсмирларни психологик қўллаб-қувватлаш, улар учун тегишлича психологик тавсифномаларни расмийлаштириш ва зарур бўлганда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим этиш, тарбияси оғир ўсмирларни (ҳуқуқбузарларни) ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

иқтидорли болалар ва ўсмирларнинг ижодий ривожланишига имкон бериш мақсадида психологик кузатиш ва қўллаб-қувватлаш.

Психологик хизматнинг ташкил этилиши тарбияланувчи, ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш билан, шахснинг ҳар томонлама камол топиши, унинг ҳам маънавий, ҳам ақлий ривожланиши, ўзлигини англаши ва қобилиятларини намоён этиши учун тегишли таълимий-тарбиявий ҳамда маънавий-руҳий шароитлар яратиш. Умумтаълим мактабларида психологик хизмат хонаси ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Марказининг 2010 йил 30 сентябрдаги 32-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасаларида психологик хизмат хонаси фаолиятини ташкил этиш бўйича йўриқнома” асосида ташкил этилади.

Психологик хизмат хонаси ўқувчиларнинг шахсий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишини ташхис қилиш, таълим-тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлаш, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларни ўз вақтида олдини олиш, шунингдек, ўқув жараёнида ўқувчининг қобилиятлари, имкониятлари, ўзига хос (индивидуал) хусусиятларини ўрганиш, касб-хунарга мойилликлари, қизиқишлари ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда, уларга академик лицей ёки касб-хунар коллежларидаги таълим йўналишини танлашда кўмаклашиш, оилада, жамоада унинг аъзолари ўртасида содир бўладиган турли низолар сабабли шахсдаги руҳий кечинмаларни енгиллаштириш, стресс ҳолатларни бартараф этиш, мактаб педагогик жамоасини ҳамда ўқувчилар ва ота-оналарни психологик билимларни эгаллашга жалб этиш, уларнинг психологик маданиятини оширишга қаратилган турли машғулотлар, ўқувлар, маърузалар, тренинглар, индивидуал суҳбатларни етарли жиҳозлар билан таъминланган

қулай шароитда амалга ошириш мақсадида ташкил этилади.

Психологик хизмат хонасининг асосий вазифалари. Психологик хизмат хонасига қўйиладиган талаблар. педагогик талаблар. психологик-физиологик талаблар. Психологик хизмат хонасида коррекцион-ривожлантирувчи машғулотлар, психологик ташхис, психотренинглар, индивидуал суҳбат, психологик маслаҳатлар билан бир қаторда турли психологик ўқувлар ўтказилади, психологик ва касб-хунарга йўналтирувчи билимлар берилади.

Техника хавфсизлиги ва гигиеник талаблар. Эстетик талаблар. Хонанинг ўқув ва моддий-техник таъминоти. Хонадаги жиҳозлар рўйхати. Хонадаги жиҳозларнинг тавсифи. Хонадаги кўргазмали воситалар. Тарқатма (дидактик) материаллар. Хонанинг ўқув методик таъминоти. Хонанинг зарурий иш ҳужжатлари. Психологик хизмат кўрсатиш хонасидаги расмий, меъёрий ҳужжатлари. Психологик профилактикага доир ҳужжатлар. психологик таълими ва маърифат (ташвиқот)га доир ҳужжатлар. Психологик ташхисга доир ҳужжатлар. Психологик коррекцияга доир ҳужжатлар. Психологик маслаҳатга доир ҳужжатлар. Касб-хунарга йўналтиришга доир ҳужжатлар.

2006 йил 17 мартдаги "Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Марказининг ташкилий ва методик асосларини такомиллаштириш тўғрисида" ги 60-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олти ёшли болаларнинг психологик-педагогик кўриги" тўғрисидаги Низом асосида туман, шаҳар ҳудудида ақлий ва жисмоний соғлом бўлган олти ёшли болаларни мактабда ўқишга саралаб олиш мақсадида ташкил этилади.

Ташхис комиссиялари ҳар бир туман, шаҳар халқ таълими бўлимларида тузилади. Ташхис комиссиясининг таркиби халқ таълими бўлимлари тавсиясига асосан таълим муассасалари: психолог, логопед, шифокор ва бошланғич синф ўқитувчиси каби мутахассислардан иборат бўлиб, тегишли (вилоят) халқ таълими бошқармаси буйруғи билан тасдиқланади.

Ташхис комиссияси ўз фаолиятини мазкур Низом, халқ таълими бўлими томонидан тасдиқланган жадвал ҳамда иш режаси асосида амалга оширади.

Ташхис комиссиясининг вазифалари:

Тиббий кўрик хулосаларига мувофиқ жисмоний ва ақлий жиҳатдан мутоқ соғлом деб топилган олти ёшли болаларни мактабда таълим олишга ижтимоий-психологик ва маънавий – ахлоқий жиҳатдан тайёрлик даражасини ўрганиш.

Ўтган йилнинг 1 октябридан жорий йилнинг 1 сентябргача бўлган даврда олти ёшга тўладиган, психологик-педагогик ташхис хулосасига кўра мактабга тайёр деб топилган болаларга умумтаълим мактабларининг 1-синфига ўқишга тавсия берилади.

Ташхис натижалари асосида мактабда ўқишга тайёр эмас деб топилган олти ёшли болаларнинг ота-оналарига уларни мактабга тайёрлаш масаласида маслаҳат ҳамда коррекцион-ривожлантирувчи гуруҳларида шуғулланиш юзасидан тавсиялар берилади.

Ташхис комиссиясининг иш фаолияти 1 майдан 25 августгача қилиб белгиланади ва туман, шаҳар ҳудудидаги барча мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиган ва қатнамайдиган олти ёшли болалар ташхисдан

ўтказилади.

Ташхис комиссияси иш якуни бўйича ҳисоботни туман, шаҳар, вилоят халқ таълими бошқармаларига тақдим этади.

Комиссия аъзолари ўз фаолияти даврида кузатилган ижобий ёки салбий ҳолатлар, камчиликлар, тақлиф ва мулоҳазалар ҳақида комиссия раҳбарига ёзма ахборот беради.

Ташхис комиссияси ўз иш фаолиятини туман ташхис Маркази томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган жадвал ҳамда иш режа асосида амалга оширади.

Комиссия раиси комиссия аъзоларининг иш тартиби, иш режаси, ташхиснинг сифатини назорат қилади, ҳудуддаги олти ёшли болаларнинг тўлиқ ташхисдан ўтишини таъминлайди. Ота-оналарга ташхис комиссиясининг мақсад ва вазифаларини тушунтиради.

Раис ташхис комиссияси фаолиятининг якуни ҳақида туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг йўналишларида ҳисобот беради, комиссия иши, аъзолари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзма равишда тақдим этади. Олти ёшли болаларнинг мактабга мослашуви ва ривожланиш динамикасини кузатиш мақсадида мактаб амалиётчи психологлари ва ўқитувчилар томонидан «Психологик саломатлик мактаби» коррекцион-ривожлантирувчи машғулотлар ўтказилади.

Мактабга қабул қилинган олти ёшли болаларни янги ижтимоий муҳитга мослаштиришда мактаб амалиётчи психологи ва бошланғич синф ўқитувчиси олти ёшли болаларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, билиш психик жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ишларни ташкил этади.

Мактабдаги ўзлаштирмасликнинг асосий сабабларини аниқлаш, уларни бартараф қилиш, болани мактабда ўқишга мослаштириш ва психиокоррекцион ишларни ташкил этиш.

Боланинг психологик саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида, ўйин фаолиятидан аста-секин ўқув фаолиятига ўтишни таъминлаш.

Олти ёшли болаларни мактабга мослашувини таъминлаш учун коррекцион ривожлантирувчи машғулотларни ўтказиш.

Олти ёшли болаларни мактаб таълимига психологик жиҳатдан тайёрлиги, мослашуви, шахслараро муносабатларини ўрганиш.

Коррекцион ривожлантирувчи. машғулотлар жараёнида боланинг билиш психик жараёнлари, яъни уларнинг диққати, тафаккури, идроки, тасавури, хотирасини ўйинлар ёрдамида ривожлантириш.

Гуруҳий ўйинлардан фойдаланиш, мулоқот кўникмалари, бир – бирини ўзаро тушуниш, масъулиятни сезиш каби ҳислатларни ривожлантириш.

Коррекцион-ривожлантириш дастурининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида машғулотлар якунида боланинг билиш жараёни, нутқи, шахслараро муносабатлари, ижтимоий мослашув малакалари ва сифат ўзгаришлар динамикаси ташхис қилинади.

Ўқувчиларнинг ривожланиш динамикасини узлуксиз кузатиб бориш ва босқичма-босқич психологик-педагогик ташхис қилиш мақсадида «Психологик-педагогик ташхис дафтари»ни юритилади. Мазкур дафтар ҳар бир ўқувчининг ўзига хос ривожланиш йўналишини белгилаб бориш ва уни ўз вақтида коррекциялаш (тузатиш) имконини беради, ўқувчи билан йил давомида

ўтказилган тиббий кўрик натижалари, психологик-педагогик ташхис натижа ва хулосаларини узлуксиз қайд этиб борилади.

Психологик-педагогик ва касбий ташхис методикалари натижалари “Психологик-педагогик ташхис дафтари” га қайд этиб борилади. Барча методикалар ўтказилгандан сўнг мактаб амалиётчи психологи касбий, психологик-педагогик ташхис методикалари натижаларига кўра, ўқувчининг қайси йўналиш бўйича ўқишни давом эттириши бўйича тавсия беради ва ҳар бир ўқувчининг “Ташхис дафтари”га қайд этади. Мактаб амалиётчи психологи ўқувчиларга берган тавсиясини мактабдаги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш комиссиясига кўриб чиқиб, хулоса бериш учун тақдим этади.

Май ойида ўтказиладиган йиғилишда комиссия мазкур масалани кўриб чиқади, атрофлича муҳокама этиб, ҳар бир ўқувчига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг тайёрлов йўналишлари бўйича ўқишни давом эттириши юзасидан қарор қабул қилади. Хулқи оғишганлик муаммоси, невроз ва криминал гуруҳларда ўсмир шахсининг шаклланиши, агрессия кўринишлари, алкоголизм, таксикомания, ва жинсий бузилишлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш.

тарбияси қийин болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбия ишларини қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

психологик профилактика, психологик диагностика, психологик коррекция, психологик маслаҳат, касб-ҳунарга йўналтириш.

ўқувчилар ўртасидаги шахслараро муносабатларни яхшилаш, ўсмирлар ўртасида, шунингдек, улар билан катталар ўртасида тўғри инсоний, ишонтирувчи ўзаро муносабатни таъминлаш;

ўқувчилар (тарбияланувчилар) нинг дарсларни ўзлаштирмаслиги, атрофдагилар билан зиддиятли муносабатларда бўлиши билан боғлиқ бўлган шахсий муаммоларини аниқлаш, уларни ота-оналар ёки қонуний вакиллар, таълим муассасалари педагоглари билан биргаликда ҳал этиш;

тарбияси оғир, педагогик қаровсиз болалар ва ўсмирларни психологик текшириш, уларнинг хулқидаги оғишларни ва ижтимоий муҳитга мослаша олмаслик ҳолатини коррекциялаш, ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар ёки қонуний вакиллар учун уларни қайта тарбиялаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

тарбияси оғир ўсмирлар (ҳуқуқбузарлар) га психологик тавсифномалар тайёрлаш, уларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим этиш, комиссия қарорларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

психологик ёрдамга муҳтож ўқувчилар (тарбияланувчилар) нинг турли тоифалари билан коррекцион - ривожлантирувчи, профилактик ва маслаҳат тадбирларни ўтказиш;

тарбияси қийин ўқувчи билан индивидуал шуғулланишни ташкил этиш, психодиагностик ва психокоррекцион ишлар.

Бундан ташқари мактаб амалиётчи психологлари хулқи оғишганликнинг келиб чиқишининг объектив ва субъектив омилларини аниқлаш, шахсда хулқи оғишганликнинг намоён бўлиши, унинг турлари ва коррекцияси каби масалаларни қамраб олган мавзулар ёрдамида хулқи оғишганлик муаммоси, хулқи оғишганликнинг ижтимоий психологик омиллари, девиант хулқ-атворнинг ижтимоий-психологик- биологик сабаблари, аддектив ва девиант хулқ-атвор

психопрофилактикаси, уни диагностика қилиш, коррекциялаш ҳамда тренинглар ўтказиш каби масалалар муҳокама этилади.

Иқтидорли ва қобилиятли болаларни аниқлаш, уларнинг қизиқишлари, лаёқат, қобилиятларини, ўқув ва ижодий фаолият мотивларини ривожлантириш учун зарур психологик-педагогик шароитларни яратиш.

Иқтидорли ўқувчиларни тўғарак ишларига, назарий ишдан ташқари ҳаракатланувчи макетлар ва моделларни ясашга жалб қилиш, уларнинг иш принципларини ўргана олишига эришиш, иқтидорли болаларни баҳолашни (қобилиятлари қай даражада эканлиги, айниқса, қайси қобилиятлар юқорилигини) комплекс равишда амалга ошириш. Иқтидорли болаларни аниқлаш узоқ давом этадиган жараёндир, шунда олинган натижалар объектив бўлишини инobatга олиш, иқтидорни аниқлашда психотренинг машғулотларининг (болани текширишдан олдин ундаги стресс ҳоатини йўқотиш, болани руҳий тайёрлаш) самарали натижа бериши, иқтидорли болаларнинг имконият даражасини аниқлашда сунъийлик билан чекланиб қолмай, сунъйдан олинган натижани реал ҳаётда қўллаш.

Иқтидорли болалар ва ўсмирларни аниқлаш, уларнинг билимга қизиқишлари, мойилликлари ва қобилиятларини ривожлантириш, ўқув ҳамда ижодий фаолиятга ундаш учун зарурий психологик-педагогик шарт-шароитларни яратишда иштирок этиш.

Фойдаланидган адабиётлар руйхати

1. Анастази А. Психологическое тестирование. – М.:, 1982. Т.2.
2. Баратов Ш. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. -Тошкент, Ўқитувчи, 1995.
3. Беспалько И. Г., Гильяшева И. Н. Проективные методы // Методы психологической диагностики и коррекции личности. -Л., 1983.
4. Блейхер В. М. Клиническая патопсихология. – Ташкент, 1976.
5. Боярд Р. Г., Боярд Д. Ваш беспокойный подросток: Прак. Руководство для отчаящихся родителей: пер. с англ. – М. 1991.
6. Бурлакова Н. С., Олешкевич В. И. Проективные методы: теория, практика применения к исследованию личности ребенка. - М.:, 2001.
7. Бурлачук Л. Ф. Введение в проективную психологию. - Киев, 1997. С. 5-39.
8. Бурлачук Л. Ф., Морозов С. М. Словарь - справочник по психодиагностике – СПб. Питер Ком, 1999. – 528 с (серия “Мастера психологии”).
9. Бэллак Л. О проблемах концепции проекции // Проективная психология.-- М.:, 2000.
10. Возрастная психология взрослых. (Теоретическая и прикладная). Под. ред. Б. Г. Ананьев, Е. И. Степановой, Л, 1971.
11. Выготский Л. С. Проблемы развития психики./Собр.соч.: в 6-ти т. Т.3. 1983.

**Дуйсенбаева А. О.
Абай атындағы ҚазҰПУ,
Кариев А. Д.**

**Қазақ мемлекеттік қыздар педагогикалық университеті
(Алматы, Қазақстан)**

ЭТНИКАЛЫҚ ӨЗІНДІК САНА - ДАМУДЫҢ, НЫҒАЮДЫҢ ШЕШУШІ САТЫСЫ

Оқыту үрдісінде этникалық өзіндік сананы қалыптастыру мен дамыту жағдайын құру алғашқы бағыттың бірі. Сондықтан, білім беру жүйесінің міндеттерінің бірі - осы саланың әр түрлі кезеңінде этнопсихологиялық оқытуды қамтамасыз ету. Өткен ғасырдың орта шенінде академик, ғалым-психолог Т. Тәжібаев ұлттық психология мәселелерін, жан-жақты зерттеудің аса маңыздылығын, қажеттілігін атап көрсеткен. Елімізде этнопсихологиялық ерекшеліктерді зерттеп, ескермейінше, оларға назар аудармайынша, көп ұлттық елдің өркендеуі мүмкін емес. Міне, соның салдарынан оқыту, тәрбиелеу, дамыту барысында өзіндік сана ерекшеліктерін зерттеу аса маңызды мәселелердің бірі. Өйткені этникалық өзіндік сананың ерекшелігін зерттеп, оның басқа ұлттың ерекшеліктеріне ықпалын, байланысын анықтау бүгінгі өмірімізге өте қажет.

Этникалық өзіндік сананың қалыптасуы - ұлттық даралықтың дамуындағы маңызды мәселе. Тұлғаның қалыптасуы және дамуын ашатын міндеттер - психологиялық өзекті мәселелердің бірі. Осы кезеңде адамдардың өзіндік санасының өсуі қоғамдық өмірдің этнопсихологиялық аспектілерінің мағынасы тағы да көтеріледі. өзіндік сананың табиғаты және оның түп мәнін ашуға Л. С. Выготскийдің мәдени-тарихи тұжырымдамасында қаралған, тұлғаның даму факторы ретіндегі әлеуметтік орта туралы түсінігінде терең ой жатыр.

Психологиядағы этностың өзіндік және басқа ерекшеліктері тұлға мінез-құлқындағы детерминацияның эмоциялық бағалау өрісіне В. С. Агаевтің, А. С. Спиркиннің, В. С. Мухинаның және тағы басқалардың еңбектері адамның өзінің және өзге этностарды зерттеудің мақсатын нақтылауды талап етеді.

Этнопсихология элементтерінің халықтар өмірінде және басқа ұлттармен қатынасында маңызы зор. Оны бүгінгі тарихтан, ұлттар мен халықтардың мәдени даму тарихынан, олардың өзара қатынасынан байқауға болады. Шын мәнінде, халық идеалдары, қызығуы, құндылықтары, түсініктері, сезімдері этникалық қауымды бірлестіреді. Оларды тарихи үрдістің субъектілері деп қарауға болады.

Этнопсихология өзінің даму жолында анықтамасымен талай қиындықтарға кездесті. Ертеде рухани психологиялық аймақтағы этникалық айырмашылық мәселесі және оның іс-әрекетіне әсері көптеген ғылымдарды қызықтырған. Этнопсихологияға түбегейлі қызығудың жаңа кезеңі ХҮІІІ ғасырдың ортасынан басталады.

Этникалық өзіндік сана - тек тілді немесе этникалық, әрі мәдени функцияларды білуге толық кепілдік бермейтін феномен екенін тәжірибе көрсетті. Адамның көпшілік сөйлейтін тілді білуі мүмкін болғанымен, өзін этникалық аз топқа жатқыза алады. Басқа халықтың ұлттық дәстүрін,

мәдениеті мен тілін білгендіктен, адамның ішкі дүние байлығы артады, бірақ оның этникалық мәні қайтадан мүлдем тумайтыны сөзсіз. Сондықтан да адам басқа этностың тілімен қатар сол этностың тарихын, салт-дәстүрін, мәдениетін, әдеп-ғұрпын, әдебиетін және тағы басқаларын терең білуі қажет.

Жалпы жаңа этнопсихология ғылымының негізін салушылар М. Лацарус пен Х. Штейнталь болды.

Этникалық психология мәселелері А. А. Потебняның назарынан да тыс қалмады. Ол тілді халық психологиясының өзегі, тіл кез-келген этностың тек этнодифференциалданған белгісі ғана емес, этноқалыптасушы белгісі деп қарағанын В. Н. Павленко мен С. А. Таглиндердің еңбектерін көруге болады.

Этнопсихологиядағы зерттеулердің мәселелерін талқылаған А. Ф. Дашдамировтың (1983) «Этнопсихологияның міндеті - ұлттық өзіндік сана, ұлттық сезім және көңіл күй қалай қалыптасады, әрі қалай көрінеді?» - деген сұрағының мәні зор[1].

А. А. Реанның этникалық психологияны жеке ғылым ретінде қарау керек деген пікіріне қосыла отырып, оның маңызды этнопсихологиялық зерттеулерін кеңінен дамыту қажет.

70-80 жылдарда КСРО-ның этнопсихологиялық ізденіс саласында серпіліс болғанын байқаймыз. Мысалы, Б. Ф. Поршневтің этнопсихологиялық зерттеуінің зор ықпалын атап кетуге болады. Оған ғалым жасаған этнос пен этногенездің биологиялық географиялық тұжырымдамасы дәлел.

Соңғы он жыл төңірегіндегі зерттеулердің нәтижесінде этникалық өзіндік сананың қалыптасуы жөнінде ұлтаралық бөліну маңыздылығын дәлелдейтін, байлығы мол деректі материалдар жинақталған жұмысты Т. Г. Иванованың мақаласында байқауға болады.

Ал, енді Қазақстандағы этнопсихологияның даму кезеңіне мән берсек, XVIII ғасырдағы қазақтың Төле би, Қазыбек би, Айтеке би және тағы басқа ұлы мұрагерлері қалдырған этнопсихологиялық көзқарастары қазіргі уақыттың өзінде терең мағынасын жойған жоқ.

Бұлардан бұрын өмір сүрген ғұлама бабаларымыз Әбу Насыр әл-Фараби әр түрлі халықтардың тілі, мінезі мен әдеп-ғұрпы туралы ал Ю. Баласұғұн, М. Қашқари, С.Сараи халық мінезі туралы жазған. Қазақ жырау-ақындарынан Асан-қайғы, Шал, Дулат, Қазтуған және тағы басқалардың көшпелі халықтың мінезі жайлы толғау өсиеттерінен кейбір этнопсихологиялық сұрақтардың жауабын табуға болады.

Біздің Республикада этнопсихологиялық мәселелер туралы сұрақтар екі негізгі бағытта қарастырылуда. Көптеген ұрпақтардың шығармашылық даналығының негізі болатыны халықтың психологиялық тәжірибесін зерттеу құрайды. Осы тәжірибені ғылыми тұрғыда зерттеудегі маңызды қадам ретінде Ш. Уәлихановтың, Ы. Алтынсариннің, М. Жұмабаевтың, Ж. Аймауытовтың, Т. Тәжібаевтың еңбектерін қарауға болады [2].

Бүгінгі этнопсихологиядағы міндеттерді айта отырып, В. К. Шабельников халықтардың өткен кезеңдегі психикалық тұрпат өзгерістерін зерттеп қана қоймай, болашақ кезеңдегісіне де алдын-ала болжау жасау қажет екенін атағаны мәлім. Бұл өрине, сананың детеминация механизмдері мен гео және биодетерминацияны қосып, бүтін аймақтар деңгейіндегі сана танымның детерминациясын зерттеп білгенде ғана мүмкіндігі бар. Ғалым Қазақстанның

айырықша аймақтық-биосфералық жағдайына сәйкестенетін ұлттық дәстүрлер мен тектік өмірдің өзін психологияның жаңа формаларымен салыстыруда жеке түйсінуге тоқталған.

Этнопсихологиядағы этникалық өзіндік сананың орнындағы тұлғаның дамуы оның тарихи-мәдени ерекшеліктеріне байланыстылығы Л. С. Выготскийдің теориясынан өткен ғасырдың 20-30 жылдарынан бері көпшілікке таныс.

Тұлғалық этникалық өзіндік сана, оның генезисі, қалыптасу жағдайлары, педагогикалық психология әдістерімен зерттелуде. Алайда біздің елде осындай зерттеулер көлемі анық жеткіліксіз. Бірақ, көптеген ғалымдар ұлттық мәселелерді әдіснамалық өңдеу жұмыстарын, психологиялық жағын, қарастырып, кеңінен ашуда.

Этникалық өзіндік сана - ұлттылықты сақтап қалудың бірден-бір көзі. Тарихи даму барысында этностың тілі, жалпы аймағы, салт-дәстүрлері жойылуы мүмкін. Этникалық өзіндік сана бар болса, этникалық «Біз» бейнесі ешқашан өшпейді. Ұлттық топтың өзіндік санасыз болуы мүлдем мүмкін емес. Себебі этникалық сана ғана емес, тек қана «Өзіндік сана» этникалық топты басқалардан ерекшелейтін сана ретінде қарастырылады [3].

Этникалық топтардың құндылық ұғымына қатысты «біз-олар» принципі этноцентризм ұғымы мен қарама-қарсы қою жөніндегілер Б. Ф. Поршневтің тұжырымдамасында көрініс алған. Осы өзіндік сана феноменін психологиялық талдаудың әлеуметтік экономикалық негізі бар. қауымның қалыптасуымен бірге этностың дамуынан шығатын, өзіндік рефлексияның тарихи формасы этникалық өзіндік сана болып табылады деген ойға алып келеді.

Әлеуметтік, психология мен философия этникалық өзіндік сананы қоғамдық және жеке сана феномені ретінде қарайды. Психологтардың пікірінше, ұлттық ортадағы қоғамдық сананың формасына сәйкес келетін ерекше топ - әлеуметтік ықшам топ болып есептеледі, яғни этникалық топ.

Б. Ф. Поршневтің айтуынша: Суггестия таза түрінде иландыру мазмұнына толық сеніммен теңеседі. Ең алдымен иландыру әрекеті бірдей болады. Бұл толық сенім қатысушылардың екеуінде де аталмыш актіге немесе бір ғана «бізге» деген қарам-қатынасқа теңеледі. Сондай-ақ «оларға» деген қарым-қатынасқа қарай, тек оппозицияны құра алады.

Этникалық өзіндік сана – сананың кез-келген формасы түріндегі, объективті факторлардан пайда болған, екінші, туынды құбылыс, - деп Ю.В.Бромлей анықтама берген. Оның айтуынша: «Сана ... ешқашан басқа болуы мүмкін емес, мойындалған болмыс ретінде, ...ал адамдардың болмысы олардың өмірінің іске асатын үрдісі» [4].

Сөйтіп, этникалық өзіндік сана тілмен, ұлттық дәстүрмен, әрі мәдениетпен салыстырғанда, тым тұрақты фактор.

Ал, В. П. Левкович пен Н. Г. Панкова этникалық өзіндік сананы ұлттық топтың өзін бейнелеу қабілеті деп санайды. Этникалық өзіндік сана «этникалық топтың тілінде, халық салт-дәстүрінде, әңгіме-аңыздарында, ырымдарында, нанымдарында, ұлттық талғамында және т.б. объективтіленеді», - деген [5].

Ал, В. П. Левкович осы өзіндік сананың түрі этникалық топтың ортадағы басқа топтардан бөлуін және оларға өзін қарсы қою қабілетіне байланысты екенін атап айтқан. Осындай тұрғыда өзіндік сана өзіне [6]:

- өзіндік санада көрінетін этникалық идентификация;
- этнодифференцияланатын символдар мен елестер;
- этникалық автотаптауырындар;
- этникалық сезімдерді қамтиды деген

А. С. Спиркиннің ойынша, өзіндік сана тек индивидке ғана емес, сондай-ақ ол қоғамға, тапқа, әлеуметтік топқа да тән. Өндірістік қатынастар жалпы қызығуы мен идеалдар жүйесінде өз деңгейінде болса ғана қасиетті. Соның салдарынан, ол этникалық өзіндік сананы, нақты этникалық ортадағы қоғамдық сананың рефлексстік білімі деп есептеді.

А. Х. Гаджиев этникалық өзіндік сананы талдай отырып оның танымдық, эмоциялық және еріктік аспектісін бөлген. Танымдық жағына адам өзін этникалық тиістілік, әлеуметтік жағдай, сондай-ақ этникалық қауымның бекітілген нормалары, дәстүрлері және өмірдегі қызығуы, қажеттілікті жете түйсінуге сияқты элементтерді кіргізеді. Эмоциялық жағына халықтың өз артықшылығын, ұлттық мақтанш, жеке мәнді сезуді жатқызады. Ал, өзіндік сананың негізінде ол этникалық психологияның барлық көрініс бағыттарын, қоғамдық іс-әрекеттің барлық аймағында өзіндік бақылауды қамтамасыз етуін жатқызып, оны регулятивтік функциясы деп атаған.

В. Н. Павленко этникалық өзіндік сана мен тіл бөлек феномендер ретінде қызмет етуі мүмкін деп ой тастады. Мысалы, мемлекеттік саясатты жүргізудің салдарынан болған, белорус-орыс екітілдік этносаралық интеграция мен ассимиляцияны кеңейтетінін білеміз. Мұндай жағдайда белорусстың этникалық өзіндік санасы іс жүзінде қолданылатын тілге сүйенбей, этникалық символ ретінде ана тілге сүйенеді.

Әр түрлі авторлар, атап айтқандай, этникалық өзіндік сана құрамына этникалық таптауырындар мен этнонимді жатқызса, ал кейбіреулері басқа ұлттың рухани және материалдық құндылықтарын жете түйсінуге қатынасын, ұлттық жетістіктерді, әрі меншікті көзқарас жүйесін құруға оның бағдары да кіреді.

ПАЙДАЛАНҒАН ӘДЕБИЕТТЕР ТІЗІМІ:

1. Галкин Е. М. Методический аспект изучения проблемы этнической идентификации: опыты зарубежных исследований // Духовная культура и этническое самосознание. М., 1990- с. 57-82
2. Жарықбаев Қ. Б., Нүкежанов Ж.С. қазақ этноспсихологиясының әдіснама сын жасаудың кейбір өзекті мәселелері.//Этнопсихология және этнопедагогика. Екінші жинақ. ғылыми әдістемелі басым
3. Елікбаев Н. ұлттық психология: көмекші оқу құралы.- Алматы, “қазақ университеті”, 1992.
4. Джакупов С. М. Межэтническая взаимодействие как фактор активизации познавательной деятельности /межвузовской сборник научных трудов. часть 1 2002 г.

5. Левкович В. П., Панков Н. Г. Социально- психологические аспекты проблем этнического сознания /социальная психология и общественная практика. М.: Наука, 1985
6. Левкович В. П., Панков Н. Г. Социально-психологический подход к структуре этнического самосознания.// Психол. журнал, 1983, том 4

MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

Executive Editor-in-Chief: PhD Oleh M. Vodiani

November 2018

ISSUE 10
Part 2

The results of scientific researches, errors or omissions are the authors' responsibility

Founder: "iScience" Sp. z o. o.,
NIP 5272815428

Subscribe to print 28/11/2018. Format 60×90/16.
Edition of 100 copies.
Printed by "iScience" Sp. z o. o.
Warsaw, Poland
08-444, str. Grzybowska, 87
info@sciencecentrum.pl, <https://sciencecentrum.pl>



ISBN 978-83-949403-3-1



9 788394 940331